

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК:

**МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ
“ЎЗБЕК АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ”**

ХАИТОВА ДИЛНОЗА ҚАҲРАМОН ҚИЗИ

**“УЛУҒБЕК ҲАМДАМ РОМАНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА
УМУМИНСОНИЙ МУАММОЛАР ТАЛҚИНИ”**

Мутахассислик: 5A111201- Ўзбек тили ва адабиёти

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Давлат аттестация комиссиясида
ҳимоя қилишга рухсат берилди.

Магистратура бўлими бошлиғи:

п.ф.н. М.Алламбергенова

Кафедра мудири:

ф.ф.н., доц. С.Матякупов

Илмий раҳбар:

ф.ф.н., доц. К. Ташанов

НУКУС – 2019

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	3
БИРИНЧИ БОБ	12
ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ БАДИИЙ ТАЛҚИН ИМКОНИАТЛАРИ КЕНГАЙИШИДА У.ҲАМДАМ АСАРЛАРИНИНГ ЎРНИ	12
1.1. Бадиий талқиннинг янги имкониятлари	12
1.2. Полифоник талқин бадиий унсур сифатида	23
ИККИНЧИ БОБ	37
У.ҲАМДАМ РОМАНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МУАММОЛАР ТАЛҚИНИДА РИВОЯ ТАРЗИ	37
2.1. Рамзий-мажозий романда ривоя тарзи ва миллий ва умуминсоний муаммолар талқини	37
2.2. Характерлараро зиддият ҳамда миллий ва умуминсоний муаммолар талқини	47
УЧИНЧИ БОБ	61
УЛУҒБЕК ҲАМДАМ РОМАНЛАРИДА БАДИИЙ КОНЦЕПЦИЯ ҲАМДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МУАММОЛАР	61
3.1. Миллий ва умуминсоний муаммолар талқини ҳамда илоҳий тушунчаларнинг поэтик функциялари	61
3.2. У.Ҳамдам асарларида муҳаббат – муҳим маънавий-ахлоқий категория сифатида	70
ХУЛОСА	82
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:	88
ИЛОВА	96
МАВЗУНИНГ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚИ	96

АННОТАЦИЯ

Диссертацияда У.Ҳамдамнинг “Мувозанат”, “Исён ва итоат”, “Сабо ва Самандар” романларидаги миллий ва умуминсоний муаммолар талқини масаласи ёзувчининг ривоя тарзи, қаҳрамонлар талқини, бадиий тасвирий воситалар, бадиий деталлар, қаҳрамон нутқи, ижодий ўзига хослигида ўрганилган. У.Ҳамдам романларининг миллий ва умуминсоний муаммолар талқини поэтика, бадиий талқин нуқтаи назаридан ёритилиб, адиб бадиий маҳоратини масаласи ҳам тадқиқ этилган.

ANNOTATION

In the dissertation, the issue of interpretation of national and universal problems of U.Khamdam's novel "Мувозанат", "Исён ва итоат", "Сабо ва Самандар" was studied by the writer's riva, interpretation of heroes, artistic drawings, artistic details, heroic speech and creative personality. Interpretation of the national and universal problems of U.Hamdam's novels is reflected in the context of poetics, literary interpretation, and the artistic skill of the writer.

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва долзарблиги: Истиқлол йилларида амалга оширилаётган демократик ислохотлар адабий тафаккур тарзини ҳам кескин янгилади. Миллий қадриятларни қайта тиклаш ва ҳаққоний баҳолашга йўналтирилган назарий таълимот жорий паллада мустақиллик маърифати ва маънавияти узлуксиз таъсири остида сезиларли даражада юксалмоқда. Зотан, республикамызда «*адабиёт масаласи – бу маънавият масаласи*»¹ сифатида давлат сиёсати даражасида эътибор топган.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" ҳамда "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури" мамлакат ва жамиятимиз ривожланиши, тараққиёти, энг асосийси, жаҳон ҳамжамиятчилигида ўз мавқеи ва ўрнига эга бўлиши учун ниҳоятда аҳамиятли бўлди.

Истиқлол йилларида фалсафий-эстетик тафаккур ва адабий мезонлар тубдан янгиланиш йўлига кирди. Адабиётшунослигимиз эса назарий-методологик жиҳатдан янада теранлаша бошлади.

Мустақиллик даври бадиий-эстетик тафаккурининг тараққиёт тамойиллари кўп асрлик адабий-маданий қадриятларни тиклаш ва янгича баҳолашдан иборат умумий жараён билан узвий боғлиқ равишда ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда халқимизнинг минг-минг йиллик маънавият хазинаси истиқлолнинг маънавий пойдеворини мустаҳкамлашга камарбаста бўлаётганлиги ҳам ана шундадир.

Истиқлол адабиёти аслида халқимиз онги, дунёқарашдаги сифат

¹ Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 23.

Ўзгаришларини, умуммиллий–ижтимоий уйғонишнинг эстетик ифодасидир. Бугунги тарихий янгиланишлар илдинини миллатнинг эрк-озодлик учун олибборган кураш ғояларидан, ватанпарварликнидан ҳоли тасаввур қилиш мумкин эмас. Эркпарварлик, ҳурфикрлилик, озодлик, имон саломатлиги, эътиқот бутунлиги, Ватан камоли сингари азалий қадриятлар бугунги адабиётнинг ғоявий мазмунини ташкил этаётир. Миллатнинг ўз-ўзини англаш, ўзликни қадрлаши ва улуғлаши, миллий ифтихор туйғуларининг шаклланишида бадий тафаккур маданиятининг сикат ўзгаришлари намоён бўляётир. Адибларимиз хоҳ тарихий воқеликка, хоҳ диний ғояларга хоҳ бугунги кунга мурожаат этишсин, уларнинг асарларида моҳиятан миллат бутунлигини таъминлашга қаратилган иштимой – фалсафий концепция яққол намоён бўлмоқда. Бу нарса бадий тақаккурнинг “лаббайчилик”дан қутилиб инсон руҳиятининг фалсафий психологик таҳлили орқали шахсни камолга етказишга интилиши, комиллик аломатларини улуғлашида кўзга ташланаётир. Одамдаги одамийликни кашф этиш-устивор тамойилга айланиб бормоқда.

Ҳозирги адабий жараённинг, хусусан, мустақиллик даврида ўзбек адиблари яратган лирик, эпик ва драматик асарларни тадқиқ этганда, ўзбек адабиётида алоҳида шахслар оламини, уларнинг ўзига хос туйғуларини акс эттириш борасида қатор ютуқлар қўлга киритганлигига амин бўламиз. Тўғри, ҳар бир одамнинг ўзи алоҳида шахс. Айни чоғда, у ўзигагина хос оламга, интеллектуал – руҳий хусусиятларга эга. Шу жиҳати юксалган сайин инсон ўзига хос хислатларини, ўз индивидуаллигини янада теранроқ, ёрқинроқ акс эттиради. Ўзбек ёзувчилари айни шу ҳаёт ҳақиқатини ўз руҳиятини тафтиш этиб, ўзлигини англашга интиладиган қаҳрамонлар воситасида, одамларга ҳам бошқалар каби эмас, ўзига хос муносабат билдириш, ўз қаҳрамони орқали атрофдаги одамларни ўзимизга маъқул келиш ё келмаслигига қараб эмас, балки борича, қандай яратилган бўлса, шундайлигича зиддиятли ва мураккаб инсон сифатида қабул қилиш зарурлигини, муҳими, инсонни англаш эканини таъкидлашга уринаётганликлари миллий мустақиллик даври

Ўзбек адабиётига хос муҳим хусусиятдир.

У.Ҳамдам романларидаги миллий ва умуминсоний муаммолар ёзувчининг ривоя тарзи, қаҳрамонлар талқини, сюжет қурилиши, бадиий деталларнинг функционалиги, ижодий ўзига хослигида намоён бўлиб изоҳланади. Демак, биз ишимизда ёзувчи асарларидаги ғоя, ривоя тарзи, қаҳрамонлар талқини, сюжет қурилиши, ижодий ўзига хослигини таҳлил ва тадқиқ этишни кўзлаймиз.

Шубҳасиз, ишда ўрни билан У.Ҳамдам дунёқараши ва услубини шакллантиришга таъсир этган ижтимоий давр, услубий юксалишига таъсир этган бадиий-эстетик омиллар, ёзувчи билан адабий-эстетик тамойиллари муайян даражада яқин бўлган айрим ижодкорлар услуби билан муштарак жиҳатлар ҳам қузатилади. Бу ҳол бизга мустақиллик даври романлари услубига хос хусусиятларни, яъни адабий жараён тенденцияларини ҳам ойдинлаштириш имконини беради.

У.Ҳамдам ижоди адабий анъаналар заминидан туғилган, жаҳон романчилигига хос илғор анъаналарни миллий асосда ўзлаштириш натижасида такомиллашиб бораётган ҳодисадир. Бинобарин, унда адабий анъаналар давом қилибгина қолмай, муайян даражада янгиланаётганлиги ҳам ақс этади. Англашиладики, У.Ҳамдам романларидаги шаклий-услубий ўзгаришларни ўрганиш, пировардида истиқлол даври адабий жараёни, жамиятимизнинг бадиий-эстетик талаб-эҳтиёжларига алоҳида ижодкорнинг муносабати, кенг маънода эса, замондошларимизнинг умуммаърифий ва маданий савияси, эстетик дидларини ўрганишдир. Тадқиқотнинг долзарблиги ана шундай жиҳатларда намоён бўлади.

Тадқиқот объекти: Бугунги ўзбек насрида жиддий ижодий изланишлар олиб бораётган Улуғбек Ҳамдам қаламига мансуб “Ёлғизлик” (1998), “Мувозанат” (2004), “Исён ва итоат” (2003), “Сабо ва Самандар” (2009) ҳикоя, қисса ва романлари тадқиқотнинг объекти вазифасини бажарди.

Тадқиқот предмети: Улуғбек Ҳамдам романларидаги миллий ва умуминсоний муаммолар талқинининг муштарак ва хусусий манзилларини ўрганиш диссертациянинг предмети ташкил этди.

Мавзунинг ишланганлик даражаси: Улуғбек Ҳамдам романлари

адабиётшунослигимизда М.Қўшжонов, У.Норматов, С.Содиқов, Қ.Йўлдошев, Й.Солижонов, З.Пардаева, И.Ёқубов, М.Пирназарова¹ сингари турли авлодга мансуб адабиётшуносларимиз томонидан муайян даражада ўрганилган.

Биз тадқиқот объекти сифатида танлаган ёзувчи У.Ҳамдам ижодиёти айрим тўплам ва вақтли матбуот нашрларидаги обзор мақолалар, роман жанри атрофидаги баҳс-мунозараларда объект вазифасини бажарган.²

Адабиётшуносликда миллий ва умуминсоний муаммолар талқини билан боғлиқ тарзда илгари сурилган фикр-мулоҳазалар, илмий-назарий умумлашмалар тадқиқот мавзуини ёритишда муайян даражада таянч вазифасини бажаради. Адабий муҳитнинг фаол носирларидан бири У.Ҳамдам ижоди кенг тарзда ўрганилмаган эди. Миллий истиқлол даври ўзбек романчилигидаги миллий ва умуминсоний муаммолар талқини масаласи адабиётшуносликда монографик аспектда ўрганишни тақозо қилаётган эди. Сўнгги босқич ўзбек насрининг кўзга кўринган, умидли вакили У.Ҳамдам романларини яхлит адабий жараён тизимида тадқиқ этиш ана шу илмий маънавий эҳтиёжни қондиришга муайян ҳисса қўша олса, ўз ниятимизга етган деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, сўнгги йилларда ўзбек романчилиги муаммолари бўйича ёзилган бир қатор диссертацияларда ҳам муаммонинг у ёхуд бу жиҳатлари муайян даражада тадқиқ этилган³ бўлса-да, уларнинг ҳеч бирида муаммо

1 Норматов У. Насримиз тамойиллари. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978; Норматов У. Умидбахш тамойиллар. –Тошкент: Маънавият, 2000; Содик. Санжар. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси. –Тошкент: Шарқ, 2005; Пардаева З. Ўзбек романи поэтикаси. –Тошкент: Халқ мероси, 2003; Куронов Д. Адабий жараёнда «Мом синдроми», - Тошкент: Академнашр, 2010; Ёқубов И. Ўзбек романи тадрижи. Тошкент, Фан ва технология, 2006.; Ёқубов И. Бадиий-эстетик сўз сеҳри. Тошкент: Фан ва технология, 2011.ва б.

2 Саримсоков Б. Абсурд маънисизликдир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2002, 22 июнь; Норматов У., Ҳамдамов У. Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи // Жаҳон адабиёти. - 2000. - №12. –142-166 б; Норматов У. Энг муҳим муаммо // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2003, 21 март; Эркин ижод имкониятлари (Давра суҳбати) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2003, 22 август; Солижонов Й. Роман кашфиётлар манбаидир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2003, 5 сентябрь; Содиқов С. Романми ёки рисола // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004, 30 январь; Қодиров П. Маънавият, модернизм ва абсурд // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004, 16 март; Абдуллахонов Ж. «Мувоzanат»ни ўқиб // Жаҳон адабиёти. – 2003, №1. – 207 б; Расулов А. Тарих, фалсафа, роман // Жаҳон адабиёти. – 2003, №9. –154-165 б.

3 Рахимов А. Ўзбек романи поэтикаси. Филол.фанлари д-ри... дисс.автореф. –Тошкент: 1993.; Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси (70-80-йиллар). Филол.фанлари д-ри... дисс.автореф. –Тошкент: 1994.; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60-80-йиллар). Филол.фанлари д-ри... дисс.автореф. –Тошкент: 1994.; Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси. Филол.фанлари д-ри... дисс.автореф. –

айни тарзда қўйиб, яхлит тизим сифатида тадқиқ этилмаган. Шунинг учун биз ушбу магистрлик ишимизда мазкур масалани тадқиқ этишга ҳаракат қилдик.

Тадқиқотнинг мақсади: Улуғбек Ҳамдам асарларида миллий ва умуминсоний муаммоларни намоён қилувчи ёзувчининг ривоя тарзи, қаҳрамонлар талқини, сюжет қурилиши, бадиий деталларнинг функционалиги, ижодий ўзига хослиги, бадиий воқеликни яратиш тамойиллари мисолида ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалар: Тадқиқотнинг мақсадини амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

- Миллий ва умуминсоний муаммолар талқини масаласини бадиий асар ғоясини белгиловчи омил сифатидадаги ролини кўрсатиш;
- Бадиий асар ғоясида намоён бўлувчи миллий ва умуминсоний муаммолар талқинини Улуғбек Ҳамдам асарлари мазмуни ва бадиий матнида намоён бўлишини кузатиш;
- Ёзувчи романларида шаклий ва мазмуний унсурларини яхлитликка бириктириш, ҳар бир унсурнинг бутун таркибидаги моҳияти ва вазифасини белгилашдаги ролини аниқлаш;
- Ёзувчининг ижодий ўзига хослигини Улуғбек Ҳамдам асарларидаги ғоя, ривоя тарзи, қаҳрамонлар талқини, сюжет қурилиши билан изоҳлаш;
- Улуғбек Ҳамдам дунёқараши ва услубини шакллантиришга таъсир этган ижтимоий давр, услубий юксалишига таъсир этган бадиий-эстетик омилларни ўрганиш;
- Мустақиллик даври романлари услубига хос хусусиятлар мисолида адабий жараённинг айрим тенденцияларини ойдинлаштириш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: Мазкур тадқиқотнинг асосий масалалари ва таҳлил натижалари юзасидан илгари сурилган илмий фаразлар қуйидагиларда акс этди:

- Улуғбек Ҳамдам ижодида миллий ва умуминсоний муаммолар талқинида ўзига хослик;
- Улуғбек Ҳамдам бадиий тафаккурида муаммога индивидуал ёндашув хилма-хиллиги;
- Инсоннинг руҳий олами акс эттиришда поэтик талқин ва ифоданинг ўзига хослиги;
- Улуғбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик”, “Мувозанат”, “Исён ва итоат”, “Сабо ва Самандар” асарларига адабий танқидий нуқтаи назаридан муносабат билдириш.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили):

Диссертацияда жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида бадиий ижод назарияси, миллий ва умуминсоний муаммолар талқини, хусусан, ўзбек насрининг ўзига хослигига бағишланган монографик тадқиқотлар ҳамда Улуғбек Ҳамдам ижодига бағишланган илмий мақолалар атрофлича ўрганиб чиқилди. Шунингдек, ёзувчи ижодини қиёсий типологик таҳлил қилинишида кўрсатилган адабиётларга мурожаат қилинди.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг тавсифи: Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида ҳамда диссертациянинг назарий асосини белгилашда миллий истиқлол ғояси, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклиги ҳақидаги баёнотлари, Аристотел, Гегел, В.Г.Белинский, А.Ф.Лосев, М.Бахтинларнинг бадиий ижод поэтикаси хусусида методологик аҳамиятга молик мулоҳазаларига таянилди. Шунингдек, О.Шарафиддинов У.Норматов, И.Ғафуров, А.Расулов, Б.Саримсоқов, Қ.Йўлдошев Н.Раҳимжонов, С.Мелиев, У.Ҳамдамов, М.Йўлдошева, Б.Фазлиддин, Д.Қуронов, И.Ёқубов каби ўзбек олимларининг бадиий адабиётнинг поэтик моҳияти, бадиий сўз эстетикаси масалаларига бағишланган асарларидаги илмий-назарий қарашлари тадқиқот учун илмий-методологик асос вазифасини ўтади.

Хусусан, адабиётшунос олимларнинг ўзбек насри ҳақидаги

тадқиқотларига ва илмий мақолаларига, Улуғбек Ҳамдам ижодларига таянган ҳолда адабий талқиндан кенг фойдаланилди. У.Ҳамдам асарларини, хусусан, романларини таҳлил қилиш жараёнида ижодкорнинг поэтик талқин, бадиий ифода мутаносиблигига ва ўзига хослигига алоҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари, диссертацияда адабий таҳлил, структурал талқин усулларига мурожаат қилинди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти: Ушбу магистрлик диссертацияси У.Ҳамдам асарларида миллий ва умуминсоний муаммолар талқини масаласини ўрганишга бағишлангани билан илмий аҳамият касб этади. Унинг натижалари келгусида амалга ошириладиган тадқиқотлар учун муайян аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлаймиз.

Магистрлик диссертациясининг назарий хулосаларидан олий ўқув юртлари ва академик лицей ҳамда коллежлар, ўрта умумтаълим мактаблари учун мустақиллик даври ўзбек адабиёти тарихи фани бўйича дарслик ва қўлланмалар яратишда, услубий тавсияномалар тузишда, талабаларга махсус курслар ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Ишимизнинг илмий янгилиги Улуғбек Ҳамдам романларининг миллий ва умуминсоний муаммолар талқини поэтика, бадиий талқин нуқтаи илк маротаба ўрганилаётганида кўринади. Биз мазкур масалани ўрганиш орқали адиб бадиий маҳоратини ёритишга ҳаракат қилдик. Ишимизнинг илмий янгилиги шу жиҳатларда намоён бўлади.

Умуман, диссертацияда мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги ва фарази, тадқиқотнинг манбаалари, илмий-назарий ва илмий амалий аҳамияти, объекти, тузилиши ёритилган бўлиб, У Ҳамдамов романларидаги замонвий ўзбек ва жаҳон романчилигига хос шаклий-услубий изланишлар ўрганилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги, аввало, муаммо дастлабки бор истиқлол даврида шаклланаётган янгича бадиий-эстетик қарашлар асосида махсус объект сифатида ўрганилаётганлигида қабариб кўринади.

Диссертацияда ўзбек насридаги поэтик талқин ва бадиий ифоданинг

қуйидаги қирралари ёритилади:

- Замонавий наср янгилашишида миллий поэтик анъаналар;
- Насрда услубий янгилашиш ва жанр табиати;
- Поэтик талқин ва бадиий ифода тадрижи кузатилди;
- Насрда поэтик талқин ва бадиий ифода ўзига хослиги;
- У.Ҳамда ижодида янги адабий тажрибалар;
- Поэтик талқин ҳамда бадиий ифодада умумийлик ва хусусийлик;
- Бадиий тафаккур такомиллигида поэтик талқин ва бадиий ифода;
- Тасвир ўзига хослиги ва талқинлар;
- У.Ҳамдам бадиий маҳорати билан боғлиқ жиҳатларга назар ташланди;

Тадқиқотнинг тузилиши. Диссертация кириш, асосий қисми ташкил этган ҳар бири иккита фаслни ўз ичига олувчи учта мустақил боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар кўрсаткичидан иборат. Диссертациянинг ҳажми титул варақ, мундарижа, адабиётлар рўйхати, иловадан ташқари бетдан иборат.

БИРИНЧИ БОБ

ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ БАДИИЙ ТАЛҚИН ИМКОНИАТЛАРИ КЕНГАЙИШИДА У.ҲАМДАМ АСАРЛАРИНИНГ ЎРНИ.

1.1. Бадиий талқиннинг янги имкониятлари.

Жаҳон романчилигининг нодир намуналарида жанрининг янги-янги талаб ва имкониятлари кўзга ташланади. услуб ва шаклларнинг хилма-хиллиги, ҳаётий зиддиятларнинг теран ва ҳаққоний очиб берилиши кузатилади. Масалан, француз натурализи оқими вакили Э. Золя меҳнат ва капитал муносабатлари масаласини («*Ҳамал*»), Ги Де Мопассан эса жамиятдаги айнишлар, хусусан манфаатпарастлик иллатини («*Ҳаёт*», «*Азизим*») теран психологик таҳлил этди. немис адиби Т. Манн ижодида инсонпарварлик ғоялари улуғланиши баробарида, сатира анча кескин тус олди. Унинг назарий қарашларида реалистик санъат тамойиллари ёқлаб чиқилди. АҚШ адабиёти вакили М. Твен («*Том Сойернинг саргузаштлари*») ахлоқий-тарбиявий муаммоларга эътибор баробарида қулчиликни қаттиқ қоралади. Жек Лондон («*Мартин Иден*», «*Уч қалб*») романларида дунёнинг ўзига хос сир-асрорларини жамият ва санъаткор тақдирини ёритиш орқали гавдалантирди.

Француз адабиётида Р. Роллан жамият инқирозининг маданий-маърифий илдизларини кўрсатган бўлса, АҚШ адабиёти вакили Э. Хемингуэй уруш мавзусини («*Алвидо, қурол*»), табиат ва жамият курашида инсон иродаси масаласини («*Чол ва денгиз*») қаламга олди. Унинг асарлари психологик таҳлил теранлиги, матндаги ботиний ички мазмун ролининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Т. Драйзер асарларида эса («*Бахти қаро Карри*», «*Америка фожиаси*», «*Женни Герхардт*») ижтимоий умумлашмалар теран ифодаланди. Оддий инсон тақдирига диққат қаратилди. Н. Гоголь, М. Лермонтов, Л. Толстой, Ф. Достоевский психологик романларида эса мазкур жанр ўзининг янги имкониятларини кашф этди. Унинг имкониятлари беқиёслигини гўзал ва бетакрор асарлар билан амалда намоён қилди.

Ж. Жойс, М. Пруст, Н. Саррот, А. Камю, М. Булгаков, А. Платонов ва

бошқа ноанъанавий услуб асосчилари ва намояндалари асарлари ўзбек китобхони ва ёзувчисини ҳам четлаб ўтмади. Улардан баҳраманд бўлиш ҳамда улар қўллаган услубларга мурожаат этиш истиқлол даврида яратилган романларимизда модернистик, полифоник, абсурд услубларининг намоён бўлишига сезиларли таъсир кўрсатди. Улар ўзбек китобхони маънавий-рухий оламини янада бойитди. Ж.Жойснинг «Улисс», М.Прустнинг «*Йўқотилган вақтни излаб*», Ф.Кафканинг «*Қаср*», «*Жараён*», А.Камюнинг «*Ўлат*», Жан Пол Сартрнинг «*Озодлик йўллари*» сингари шахс ва жамият муаммолари, ижтимоий зиддиятлар, маънавий бўшлиқ, рухий масалаларни модернистик талқин этган асарлари ўзбек китобхонининг инсон биологик гени билан боғлиқ мураккабликларни бадиий англашида яқин ҳамроҳ вазифасини ўтай бошлади.

Теран инсонпарварлик руҳи билан суғорилган бу асарларда юксак гуманизм, кўпинча, мажозий образ мазмун ва талқин ортига яширинган бўлади. Инсоний ҳақиқатга суяниш ва инсонга ишонч, уни бефарқлик, лоқайдлик, жаҳолат исканжасидан қутқаришга бўлган интилиш кучлилиги билан ажралиб туради. Аслида модернизмнинг моҳияти ҳам инсоннинг ички дунёсини янгича йўлларда кашф этишдан иборатдир. Ижодкор туйган туйғуларнинг, айти палладаги кайфиятининг янгича ва оригинал шаклларда тасвирланиши ҳосиласи ўлароқ юзага келган асарлар, У.Ҳамдамов таъкидлаганидай: «...бир вақтнинг ўзида ҳам реалистик, ҳам модернистик моҳиятда бўлади».¹ Дунёқарашларнинг бир-бирига пайвандлашиши ва синтезлашиши глобаллашув ҳамда цивилизациянинг бутун дунёда яхлит бир экспсихологик иқлим сари интилишининг натижасидир. Бинобарин, жаҳон тараққиётининг бир-бирига тобора яқинлашаётган босқичларида ёзилаётган романларда муштарак кайфиятларнинг акс этиши табиий жараёндир. Қолаверса, бадиий диднинг турфа хиллиги ҳар бир оқимнинг ўз танқидчиси ва ўз ўқувчисини юзага келтирганлигини ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозим.

¹ Ҳамдамов У. Турфа ранглар уйғунлиги. // «ЎзАС», 2000 йил 29 сентябр, №40 (3578).

Б.Рўзимухаммад таъбири билан айтганда: *«XXI аср бадий тафаккурдаги мислсиз ўзгаришлар даври. Ислохотлар даври... модернизм кириб бормаган адабий гўшанинг ўзи йўқ»*.¹

XX аср Ғарб романчилигида модерн романнинг юзага келиши ва назариясининг шаклланиши Х.Ортега-и-Гассет, В.Вульф, Х.Мартинсон, А.Арбазино, Э.П.Курциус, М.Мерри, У.Ойетти ва бошқа тадқиқотчилар асарлари мисолида З.Пардаеванинг докторлик ишида атрофлича ўрганилган. Олима анъанавий ва ноанъанавий романлар ўртасида зиддият кўрмайди. Услуглар синтезининг жанр динамикасини таъминловчи асосий омилгалар талқин йўлига айланганлигини эътироф этади.²

«Жаҳон адабиёти» журналида Пауло Коэлонинг *«Алкимёгар»*, *«Бешинчи тоғ»*, Явуз Баҳодир ўғлининг *«Хоразм ўт ичида»*, Амин Мааллуфнинг *«Самарқанд»*, Прем Чанднинг *«Фидойи»*, Таръей Весоснинг *«Қушлар»*, Франц Кафканинг *«Жараён»*, Абдурахмон Мунифнинг *«Олис йўлнинг сабоқлари»*, Морис Дрюоннинг *«Шато-Гайар асираси»*, Жадсон Филипснинг *«Қингир йўлдан»* каби қатор романларини чоп этди. АҚШ, Франция, Ҳиндистон, Чехословакия, Бразилия ва бошқа минтақаларда яратилган мазкур романлар аллақачон жаҳонга машҳур бўлган асарлардир.

Эътироф этмоқ жоизки, жаҳон адабиёти романчилиги инсоният олдида бугунги кун муаммоларини бутун кескинлиги билан қўйиб, жамиятнинг эстетик эҳтиёжини қондириш йўлида услубий-шаклий изланишлар қилиб, сезиларли муваффақиятларга эришган. Бугунги воқеликни тўла идрок этиш ва англаш йўлида бу тажрибалар ўзбек романнавислари учун ҳам маҳорат мактаби вазифасини ўтайди. Шу маънода романларимизда замонавий жаҳон адабиётидаги мавжуд тажрибаларга мувофиқ жиҳатлар бўлиши табиийдир.

Дарҳақиқат, ўзбек романчилиги бугунги кунда ранг-баранг ва маҳсулдор, кенг қамровли, мазмун, шакл- услуб, образлар олами борасида

1 Рўзимухаммад Б. Постмодернизмни нима деймиз ёхуд тақлидми, таъсирланиш? // «ЎзАС», 2004 йил 27 феврал, №8 (3735).

2 Пардаева З.Ж. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари. Филол. фанл. Доктори дисс... автореф. –Тошкент, 2003. –33 б.

янги жиҳатларни намоён этаётгани кузатилади. Унинг тасвир майдони теран ва чуқур бўлиб бормоқда. Романчилигимизда бадиий характер яратишнинг янгича усул ва шакллари вужудга келди. Инсонни атрофлича ўрганиш ва унинг руҳияти таҳлилига эътибор ортиши бадиийлик мезонига айланди. Қахрамон тасаввури, тафаккурига таъсир этган объектив оламга онгли муносабатнинг бадииятга айлантирилиши китобхонни ҳам баҳс-мулоқотга ундайди. Бу ҳол эса миллий насримиз жиддий изланишлар олиб бораётганини кўрсатади. Шубҳасиз, даврнинг ўзгариши, одамларимиз дунёқарашида улкан, XX аср аввалидан бери кўрилмаган тусланишларнинг юз бергани ўз-ўзидан романларда замондошимизнинг бугунги кайфиятини ифода қилишга бўлган уринишни кучайтирди. Изланувчан, талабчан адиблар ботиний оламида замонавийлик мезонлари янгиланди. Тарихий, замонавий, фантастик, мистик ва бошқа мавзу ёхуд тасвирлаш тамойилларида яратилаётган асарлар орасида ўқишли романлар пайдо бўлди. Демакки, ўзбек романнависларининг дунёқараши, интилиш маҳорати ҳам тобора янгиланиб бормоқда.

Бадиий тафаккурдаги янгиланишлар ҳақида тўхталар экан, У.Ҳамдамов ёзади: *«Янги шакл, ифода зўр бериш билан эмас, балки дунёқарашидаги, оламни идрок этишидаги янгиланиш билан, бадиий тафаккур тарзимиздаги, дилимиздаги янгиланиш билан, демакки, ижтимоий-тарихий, маънавий-психологик заминдаги улкан силжишлар билан дунё юзини кўради»*.¹

Бинобарин, ўзбек романнависларининг кўриш, кузатиш, идрок этиш, ифодалаш тарзи янгиланиб бораётир, дейишга тўла асослар бор. Эстетик тафаккур тараққиётининг мазкур босқичдаги бу ҳодисаси жаҳон адабиётининг илғор ютуқларини ўзлаштириш, миллий анъаналарни янада тараққий қилдириш орқали кечмоқда.

Миллий истиқлол даври жараёни жамият бадиий-эстетик тафаккурини инъикос эттириб, оламнинг бадиий моделини яратиш муаммоларига диққат

¹ Норматов У., Ҳамдамов У. Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи. // «Жаҳон адабиёти», 2002. –152 б.

каратиб, инсоннинг зоҳирий ҳамда ботиний дунёсига эътиборини кучайтирди. Ўзбек романнавислари тафаккури ва амалий фаолиятида роман жанрига бўлган муносабатнинг янгиланиши боис бу борадаги изланишлар сезиларли ижобий натижалар берди. Адабий йўналишлар бирмунча муайянлашиб, давр романчилиги тараққиётининг асосий тамойилларини белгиловчи монографик изланишлар юзага келди.¹ Жанрларнинг айрим намуналари ҳақидаги илмий таҳлилу баҳс-мунозаралар, турли ракурсларда анча жонланиб қолди. Янгиланиш даври ўзбек романчилигида У.Ҳамдам бадиий услубий изланишларининг ўзига хос ўрни бор.

Истиқлол даври ўзбек романларининг тараққиётига таъсир этган омилларни санар экан, З.Пардаева қуйидагиларни қайд этади:

1. *Бадиий сўз ва ижод эркинлиги.*
2. *Истиқлол воқелиги.*
3. *Олдинги давр ўзбек романлари мантиқий тадрижининг давомийлиги.*
4. *Етук жаҳон романчилиги.*
5. *Халқ оғзаки ижоди.*²

Биз У.Ҳамдам бадиий талқин услубининг эътиборга молик янги – модерн жиҳатларини кузатишни муҳим деб санаймиз. Зеро, ноанъанавий услубда яратилаётган романлардаги турли хил услубларнинг ўзига хос кўринишлари ҳар бир муайян романда ўзини тадрижан ўзгартириб, жамият тараққиёти таъсирида янгиланаётган инсон онги ва тафаккурини ифода этмоқда. Романнинг синкретик услуби шаклланмоқда. Роман жанрининг таркибий қисмлари вазифаси нуқтаи назаридан мудом ўзгарувчандир.

Демак, У.Ҳамдам услубига хос бадиий талқин ва тасвир йўлланиши орқали муайян роман мазкур жанрнинг янги имкониятларини намоён этади. Истиқлол даври ўзбек романининг ўзига хос хусусиятларидан бири эса модернизм бадиий талқин услубларининг тамойил сифатида

1 Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари. Филол. фанл. доктори дисс...автореф. –Тошкент, 2003; Нурматов А. Бадиий асарда полифонизм. Филол. фанл. номзоди дисс..автореф.. –Тошкент, 1996.

2 Пардаева З. Ўша манба автореферати. Тошкент, 2003. –27 б.

шаклланаётганлигида ҳам намоён бўлмоқда. Бугунги кунда алоҳида ёзувчининг санъаткорлиги ва эстетик камолоти билан китобхон эстетик диди ўртасида сезиларли номутаносиблик мавжуд бўлса-да, янги давр романчилигидаги шаклий-услубий изланишлар уни тушунувчи, англаб етувчи эстетик дидининг шаклланишига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Бошқачароқ айтганда, тафаккур тарзи янгиланган интеллектуал китобхон ҳамда илмий таҳлил ва талқиннинг герменевтик-структурал, психобиографик, имманент йўналишларида тадқиқот олиб борувчи олимларга ҳам кучли зарурат ва эҳтиёж юзага келди.¹ Шубҳасиз, бунинг муҳим сабабларидан бири ҳам ижодий услублар борасида пайдо бўлиб, тараққий этаётган ижодий янгиланишлардир.

Анъанавий услубларга янгича ёндашув ва янгича талқин услубининг юзага келиши роман ўзгариши ва ривожини таъминловчи қонуният ўлароқ, конкрет ёзувчи орқали амалга ошувчи жараёндир. Бу эса индивидуал кўринишда намоён бўлади, давр тамойилларига ҳамоҳанг тарзда кечади. Агар биз ўзбек романчилигини илғор жаҳон романчилик мактабларига қиёсан олиб қарасак, унинг шаклланиш ва тараққий қилиш жараёни адабий алоқалар таъсири билан ҳам чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрамиз. Албатта, салкам бир асрлик ижодий изланишларнинг самарадор натижаларини, миллий роман тадрижидаги динамик тараққиётни фақат адабий таъсир ёки таассуб доирасида кечди, дейиш фикридан тамомила йироқмиз.

Миллий истиқлол ғояси тамойилларининг барқарор бўла бориши маданиятимиз тарихига, хусусан, бадиий ижод босқичларидаги изланиш ва тажрибаларга янгича нуқтаи назардан қарашни кун тартибига қўйди. Ўзбек романчилиги ўзига хос тараққиёт босқичларини босиб ўтди, халқимиз ҳаётининг мураккаб жиҳатларига диққат қаратиб, ижтимоий-эстетик қиммат касб этди. Ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ яратилган жанрнинг Европа тушунчасидаги намуналари нафақат ижтимоий мазмуни, балки характерлар

1 Расулов А.Р. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси. Филол. фанл. доктори дисс... – Тошкент, 2002; Каримов Б.Н. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (Қодирийшунослик мисолида)- Филол. фанлари доктори дисс. –Тошкент, 2002..

тасвиридаги руҳий таҳлил теранлиги, миллий колорит ёрқинлиги, сюжет ва композиция мукамаллиги жиҳатидан ҳам Шарқ ва Ғарб анъаналарини ўзида мужассамлаштирди. Инсон ва жамият ҳаракатини образлар воситасида эпик планда кенг ва чуқур акс эттирувчи шаклга айланди. Бемалол айтиш мумкинки, ўзбек романчилиги адабий-эстетик ҳодиса мақомини касб этди.

Роман жанри ўз имкониятларининг кенглиги билан алоҳида ажралиб туради. Уни ўрганиш адабий-тарихий жараёнларни теранроқ тушунишгагина эмас, алоҳида ёзувчининг мазкур жараёнга қўшган ҳиссасини ҳам аниқлашга имкон беради. Адабиётшунослигимизда ўзбек романининг туғилиши ва тараққиёти масалалари махсус ўрганилган.¹ С.Мирвалиев тадқиқотида романнинг туғилиш манбалари, шаклланиш жараёни, ижодий изланишлар, жанр атрофидаги баҳс-мунозаралар, унинг ўзига хос тарзда такомиллашиб бориши, маҳоратнинг теранлашуви, жанрнинг янгича кўринишлари, қаҳрамон муаммоси сингари ўнлаб масалалар атрофлича тадқиқ этилган эди. А.Каттабековнинг «*Тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат*», «*Олис юлдуз жилоси*», «*Тарих сабоқлари*» асарларида ўзбек тарихий насрига хос бадиий эстетик тажрибалар назарий жиҳатдан умумлаштиришга ҳаракат қилинди. Бу тадқиқотлар бугунги кунда ҳам ўз қимматини сақлаб келмоқда. Шу авлодга мансуб бўлган А.Раҳимовнинг «*Ўзбек романи поэтикаси (сюжет ва конфликт)*» монографияси таҳлилларнинг илмий-назарий теранлиги жиҳатидан қимматлидир. XX асрнинг 70-йилларида юзага келган С.Мирвалиев изланишларининг барча ютуқларини эътироф этган ҳолда, давр адабиётшунослигининг ўша пайтдаги мезонлари билан изоҳланувчи айрим камчиликлардан ҳам холи эмаслигини таъкидлаш ўринлидир. Адабиётни мафкуравий қурол деб тушуниш оқибатида дунё адабиётининг модернистик йўналишдаги изланишлари кескин инкор қилинганлиги, инсон концепциясига муносабатда мавжуд қолиплар доирасида фикр юргизилганлигининг натижаси эди. Шубҳасиз, бу XX асрга хос сиёсий

¹ Мирвалиев С. Ўзбек романи. –Тошкент: Фан, 1969.

зиддияту ихтилофларнинг адабиётшуносликдаги инъикоси эди. Умуман, С.Мирвалиев тадқиқотларида инсон ва жамият муаммоси кенг тарзда таҳлил этилади. Асосий эътибор жанр намуналарининг давр нафасини нечоғлиқ акс эттирилишига қаратилади.¹ Шунинг учун ҳам олим Ғарбдаги «янги роман» ижодкорлари ҳақида тўхталиб: «М.Пруст, Д.Джойс, Ф.Кафка сингари ёзувчиларни байроқ қилиб кўтараётган А.Роб-Грийе, Натали Саррот, М.Бютор, Бернар Дор сингари модернистлар яратган «янги романлар»да инсон образи, унинг ҳаёти, кураши, идеали эмас, балки олди-қочди воқеалар, нарсалар ҳақида тушунчалар асосий ўринни эгаллайди, шахс билан жамият ўртасидаги ўзаро боғланишни тасвирлаш, жамият масалаларини кўтариб чиқиш улар учун ётдир»,² деб ёзади.

Ваҳоланки, XX асрда «онг оқими» ва психологик таҳлил методи билан боғлиқ ҳолда юзага келган йўналишнинг дастлабки вакилларида Жеймс Жойс, Марсель Пруст, Франц Кафка ижодига хос асосий хусусиятлар: инсоннинг ўзлигини англаш жараёнини тадқиқ этиш, руҳий оламнинг ботиний жиҳатларини ёритишга интилиш, инсоннинг маънавий дунёси тасвири орқали ҳаётнинг муҳим муаммоларига ишора қилиш, шаклий-услубий изланишларни кучайтириш характерли эди. Маъно серқатламлиги, туйғулар теранлиги, ёзувчи тимсолий дунёсининг ўзига хослиги, психологик таҳлил чуқурлиги жиҳатидан бу асарларни тушуниш анча қийин кечади. Ҳатто муайян даражада мавҳумлик мавжуддай туюлади. Шубҳасиз, адабий тажрибалар ҳамиша ҳам мукамал бўлавермайди. Бироқ бу ҳол уларни буткул инкор этиш, айрим муваффақиятларини кўрмасликка асос бўла олмайди.

XX асрда реалистик адабиёт самарадор ва ҳаётбахш йўналиш бўлди. Реалистик адабиётда улкан бадиий кашфиётлар яратилди, давр руҳини акс эттириш йўлидаги изланишлар натижасида адабиётнинг гуманистик мазмуни теранлашди. У шўро мафкураси таъсирида пайдо бўлган синфийликдан

1 Мирвалиев С. Роман ва замон. –Тошкент: Фан, 1983.

2 Мирвалиев С. Ўзбек романи. –Тошкент: Фан, 1969. –3 б.

бутун инсоният бахти, тақдири учун масъуллик сарҳадлари томон интилди. Унда инсоннинг маънавий камолоти масаласи асосий муаммолардан бири даражасига кўтарилиб, универсал тасвир, тарихийлик, ижтимоий-психологик детерминизм объектив тамойиллари қулоч ёйди. Бадиий адабиёт сиёсий тарғиботчиликдан қутулиб, инсоннинг маънавий баркамолликка эришувини унинг мислсиз азоб-уқубатлари жараёни орқали бадиий талқин қилиш йўлида тинимсиз изланишлар олиб борди. Т.Маннинг «*Доктор Фаустус*», «*Сеҳрли тоғ*», Г.Маркеснинг «*Юз йил танҳоликда*», «*Ошкора қотиллик тарихи*», Ч.Айтматовнинг «*Асрга татиғулик кун*», «*Қиёмат*» сингари асарлари юзага келди.

Давр тақозосига биноан истиқлол даври ўзбек адабиётида ҳақиқат ва адолат туйғуси анча теранлашди. Ўзбек адабиётидаги романчилик ҳам буни яққол намоён этди. Бугунги кунда адабиётимиз тараққиётининг муаммо, мавзу, қаҳрамон, услуб, шакл, тасвирий воситалар каби ҳар бир соҳасида тинимсиз изланишлар жараёни кечмоқда. Унинг тараққиётини турли авлодга мансуб бўлган ёзувчилар ижоди таъмин этмоқда. Айниқса услублар, шакллар ва тасвирий воситалар соҳасидаги изланишлар ҳар қачонгидан ҳам ранг-баранглашиб бормоқда.

Санъат асари ҳар бир даврда ҳаётнинг муайян қиррасини акс эттириб келган. XX асрнинг охири- XXI аср тонгида ўзига хос давр, демакки янги бир руҳий иқлим, кайфият туғилди. Инсон ва унинг маънавий-руҳий дунёси тасвирига эътибор ортди. Бинобарин, романчиликда ҳам янгиланиш масаласида ўзига хос тушунча ва белгилар пайдо бўлиши шубҳасиздир. Жанрга бўлган муносабатнинг ўзгаришини нафақат давр, балки қалам аҳли изланишлари, тўлғонишларининг тинимсиз ўзгаришда, янгиланишда эканлиги ҳам белгилайди. Жаҳон адабиётидаги янги жараёнлар билан танишиш йўллари кенгайгани, ранг-баранглик касб этгани адибларимизни маънавий-адабий ҳаётни синчковлик билан кузатиш, адабий тажрибалару эстетик тамойилларни ўзлаштиришга ундади. Бу эса замонавий Европа адабиётининг адабий-бадиий оқимларига хос услубий изланишларнинг

муайян даражада ўзбек романчилигида намоён бўлишига омил бўлди. Зеро, хайрихоҳлик назари билан қараш ва янгиликка чанқоқлик билан интилиш адабий-бадиий ҳаётда ўзига хос талқинларни юзага чиқариши табиийдир.

Давр етилтирган ижтимоий-психологик шароит тафаккур ва ижод эркинлиги иқлимини, демакки дунёқарашни ҳам янгилади. Замонавий янги адабиётга хос изланишлар жаҳон адабиёти оҳангларига ҳамоҳанг бўлиб, кенг ва теран маъно-моҳият касб этаётганлиги ташқи дунё сари кенг йўллар очилганлиги, етук адабиёт намуналари билан танишиш билан ҳам боғлиқдир. Давримиз ижодкорлари юксак санъат асарлари яратиш йўлида астойдил изланмоқдалар. Ноанъанавий романларни ҳазм қилиш жараёни осон кечаётгани йўқ. Миллий маданият, қадриятларни улуғлаб, эркин ижодий тафаккур маҳсули бўлган изланишларга нисбатан бир қадар хушламайроқ қараш эса глобаллашув жараёни моҳиятини етарлича илғамаслик ва онг-шууримиздаги эскича ақидаларнинг яшовчанлиги билан боғлиқ.

Инсоннинг қизиқиш ва интилишлари, феъл-атвори, дид-хоҳиши, дунёқарашни диалектик тарзда тадрижий тараққиётдадир. Адабиётшунос А.Улуғов таъбири билан айтганда, «...одамзод табиатнинг тасдиқ ва инкор қутбли исқанжасида яшашга маҳкум қилингандир. Одам авлодларининг феълу атвори худди табиат фасллари сингари зимдан ўзгарувчан... Кишилар санъат ва адабиётга муносабатда ҳам мана шу илоҳий ҳукмга қатъий итоат билан яшашади».¹ Демакки, янги асарлар ва уларга хос услубий изланишлар атрофидаги муносабатда ўтиш даври кишисига хос, унинг руҳиятига монанд бўлган жиҳатлар ўз ифодасини топмоғи муқаррардир. Маънавий-руҳий иқлимдаги қаноатланмаслик кайфияти охир-оқибат янгича шакл ва услуб, ифода тарзи, образлар олами билан яратилаётган ноанъанавий асарларнинг анъанавий йўналишдаги романлар билан ёнма-ён ҳолда яшашга тўла ҳақли эканлигини эътироф қилиш билан якун топади. Оҳиста бошланган мазкур жараён миллий адабиётнинг салмоқли ва оғирқарвон тури насрнинг

1 Улуғов А. Ўзгараётган адабиёт манзаралари. // «Шарқ юлдузи», 1998 йил №6. –138 б.

роман жанрига хос хусусиятларини англашга китобхонларда ҳам умумий кайфият туғдираётгани адабиёт ва санъатни дунёвий андозаларда тушуниш, англаш ва англатиш кучайганлигини кўрсатади. Зеро, жаҳон адабиёти бадиий тажрибаларининг миллий адабиётларга кўчиб, янгича шароитда ривожланиши, ўзига хослик касб этиши табиий жараёндир. Айниқса, фикрлаш тарзимиз, яшаш шароитимиз, маънавий-руҳий эҳтиёжимиз глобаллашув таъсирида янгиланаётган бир даврда ҳаётини эҳтиёж ва зарурат тақозосига кўра мазкур жараён анча тезлашгандир. Проф. У.Норматов таъкидлаганидай, «...плюрализм адабий ҳаётнинг табиий ҳодисасига айланган, хилма-хил адабий оқимларнинг амал қилиши табиий бир ҳол бўлиб қолган, қолаверса, энг муҳими ноанъанавий янгича йўллар аллақачон бу замонда нашъу намо топган, миллий ҳодиса тусини олган, унинг муайян ютуқлари адабиётшунослик томонидан эътироф этилган».¹

XX асрнинг 90-йиллари миллий адабиётимизнинг алоҳида босқичи. Истиқлол адабиёти ўзига хос эстетик ҳодисадир. Бу ҳол унинг кўп асрлик миллий адабиётимизнинг мантиқий давоми ва қонуний меросхўри эканлигини инкор этмайди, балки давр адабиётига хос белгиларнинг анча қабарик намоён бўлишини кўрсатади. Проф. Қ.Йўлдошев таъбири билан айтганда: «Истиқлол даври ўзбек адабиёти тубдан ўзгарган миллий онгининг, тамомила янгиланаётган эстетик тафаккурнинг маҳсули... миллат ижодий даҳосининг самараси сифатида дунёга келди».² Унинг ўзига хос хусусиятлари: илмий-эстетик қарашлар хилма-хиллиги, эркин ижод имкониятлари кенглиги, инсон руҳияти тадқиқига эътибор ортгани, қаҳрамонлар табиатан ўйловчи, фикрловчи, нозик туйғулар соҳиби бўлиб бораётганлиги, бадиий тасвир теранлиги, оммавийликдан халос бўла бориши, сезимлардаги мавҳумликларни ҳам моддийлаштира олиши сингарилар адабиётшуносликда эътироф этилди.³

Янги адабиёт оламнинг пайдо бўлиши, ҳаёт ва яшашнинг маъно-

1 Норматов У., Ҳамдамов У. Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи. // Жаҳон адабиёти, 2002 йил, №12. –146 б.

2 Йўлдошев Қ. Дастлабки довол белгилари. // Шарк юлдузи, 2001 йил, №1 –5 б.

3 Йўлдошев Қ. Ўша жойда. –5-6 б.

моҳиятини янгича идрок этар экан, якин ўтмишга кўпроқ мурожаат қилади. Алданган, маънисиз қисмат сўқмоқларида адашган ёҳуд шу қисматга мубтало этилган шахс фожиасини таҳлил этиш орқали фикр ва кўнгилдаги тўлғонишларни ранг-баранг шаклий-услубий кўринишларда мушоҳадакорлик билан ифода этиб, баҳс-мунозарага ундайди.

1.2. Полифоник талқин бадиий унсур сифатида.

Ўзбек романи поэтикасида янги услуб ўзгаришларининг пайдо бўлиши воқелик ва оламни, қаҳрамон ботиний кечинмаларини янгича идрок этиш, асар структурасида кўп овозлилик ва кўп қатламлиликиннинг юзага келиши билан ҳам боғлиқдир. Достоевский услуби ва бадиий полифония поэтикаси ҳақида тўхталган Михаил Михайлович Бахтин: *«Биз ишонамизки, у бадиий тафаккурнинг янги типини яратди. Буни биз шартли равишда полифоник тафаккур деб атаймиз... унинг аҳамияти романий тафаккур доирасидан четга чиқиб, Европа эстетикасининг айрим асосий тамойилларига дахлдорлик билан белгиланади. Ҳатто бемалол айтиши мумкинки, Достоевский оламнинг янги бадиий моделини яратди...»*¹ деб қайд этади. Демакки, М.М.Бахтин тадқиқотида бадиий полифония поэтикаси роман жанрининг янги модели сифатида таҳлил этилган. Унинг фикрича, Достоевский романлари (*«Жиноят ва жазо»*, *«Ака-ука Карамазовлар»*, *«Телба»*) асосий ўзига хослиги: *«мустақил, туташмаган онглар ва овозлар кўплиги ҳамда чинакам маънода бирданига жарангловчи кўп овозлилик, кўп қатламлилиқда намоён бўлади»*.²

Ҳатто М.М.Бахтин ҳам полифоник роман билан боғлиқ муаммоларни яхлит ўрганишга даъво қилмайди. Шу маънода биз ушбу фаслда бадиий полифонияни ўзлаштиришда, ўзбек романчилигида жанрнинг модернистик типи юзага келишида талқин жараёнида пайдо бўлаётган айрим полифония унсурлари ҳақидагина тўхталишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Зеро, тадқиқот объектимиз бўлган ёзувчилар ижодида полифоник тафаккурни

1 Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. Издание четвертое. –М.: 1979. –3 ст.

2 Ўша жойда.

тўлиқ мужассам этган романлар деярли учрамайди. Балки, полифоник талқин унсурлари кўзга ташланади. З.Пардаева ҳақли равишда таъкидлаганидай: «...талқин жараёнида айрим ўринларда полифониянинг зоҳир бўлиши романи жанр сифатида полифоник деб аниқлик киритиш учун имкон бермайди».¹

Бинобарин, полифоник талқин бадиий унсурларини ўрганиш айти пайтда бугунги ўзбек романларига умумжаҳон романчилиги анъаналари ҳамда ижодий имкониятлари, бадиий талқин услублари таъсирини ўрганиш ҳамдир. Жанр ички динамикаси ижодий янгилашни сари юз буриб, умумбашарий ғоялар талқинидаги бадиий мантиқ моҳиятини англаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлган бизнинг кунларимизда бу ниҳоятда долзарблик касб этади.

У.Ҳамдамнинг «Мувозанат» (1997) романида инсоннинг маънавий-руҳий мувозанатга эҳтиёж сезиш изтироби унинг кўнгил тубидан ва жамиятдан изланади. Муҳит сувратини акслантириб шаклланган онг ва руҳдаги эврилишлар қаламга олинади. «Исён ва итоат»² (2002-2003) романида эса эътиқод ва иймон, тирикликнинг мантиғи ва руҳ ҳаловати сингари инсон ҳаётининг энг муҳим масалалари хусусида сўз боради. Ҳар иккала роман қаҳрамонлари Буюк Мувозанатни излашади, ўзликни англашга, идрок этишга астойдил уринишади. Адабиётшунос олим У.Норматов «Мувозанат» романини рус адиби В.Войновичнинг «Монуменгал тарғибот», ўзбек адиби Т.Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» сингари романлари билан қиёсан ўрганишга интилади. Шахс эътиқоди ва фожиаси талқинида Аглая, Ботир фирқа, Амир характериға хос муштарак ҳамда ўзига хос жиҳатларни кўришга ҳаракат қилади. У роман қаҳрамонларини шартли равишда «китобий одам» (Амир), «табиий одам» (Юсуф) каби ажратади. Бизнингча, роман қаҳрамонларига нисбатан бундай умумийроқ тарзда

1 Пардаева З. Бадиий-эстетик тафаккур ривожини ва ўзбек романчилигини. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 26-27 б.

2 Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат. Жаҳон адабиёти, 2002 йил, № 5-6; Ўша муаллиф. Исён ва итоат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.

ёндашув улар қисмати туб моҳиятига тўла етиб бормасликка, баъзан эса характер мантиғига мос келмайдиган мана бундай талаблар қўйишга олиб келган: *«Холбуки, устоз кўрмаган чаласавод бу одам чиллага ўтирмасин эди; телба бир ҳолатда дарбадар тоғ сафарига чиқиб, ногаҳон дўзах азобига дуч келади, ўғрилиқда гумон қилиниб, шармандаларча сазойи этилади...»*¹

Амир образининг романдаги ўрни ва мақоми ўзига хос эканлигини эътироф этган олим уни муаллифнинг *«бадиий ютуғи»* деб баҳолайди. Шунга қарамасдан, юқоридаги каби фикрлар хаёлот ва реаллик ичра мувозанатини йўқотиб аросат кимсага айланган, туғма табиатига кўра қайсар Амирнинг ожиз бир банда эканлигини англаш сари етакламайди. У.Норматовнинг тажрибали адабиётшунос сифатидаги кузатувчан нигоҳи романдаги таъсирчан лавҳалар, ёрқин деталлар, қаҳрамон тақдирининг сўнгги дамлари – ўлим тасвири талқини хусусидаги кузатишларида, А.Камюнинг *«Бегона»* қиссасидаги лоқайдлик ҳолати талқини қиёсланган ўринларда айниқса яққол намоён бўлади.

А.Расулов *«Мувозанат»*да Шарқ фалсафаси чуқур ва ишонарли талқин қилинганлигини эътироф этади.² Олим ўзбек адабиётида Т.Маликнинг *«Шайтанат»* асаридан кейин ўқишли, китобхон диққатини тортиб, баҳс-мунозараларга сабаб бўлган роман яратилмаган эди, деб ҳисоблайди. Бу фикр бирмунча баҳсталаб бўлса-да, у романнинг ютуғи сабабини: *«...унда жонли, тирик, изланувчи, хом сут эмган бандалар тимсоли тиниқ тасвирлангани»* асарда яхлитлик, бир бутунлик руҳи борлигидан, деб тўғри хулоса чиқара олади.³ А.Расуловнинг ёзувчи концепцияси, роман шакли ва услуби ҳақида билдирган фикрлари ҳам қимматлидир.

Бироқ, назаримизда, тадқиқотчи бош қаҳрамон характериға аҳамият қаратар экан, Эргаш, бош чўпон сингари У.Ҳамдамнинг ғоясини тўлдирувчи образларға нисбатан бир қадар бирёқлама муносабатда бўлади. Унга Эргаш *«саёқ, бетайин одам»*, бош чўпон эса *«Амирга жисмоний азоб берган*

1 Норматов У. Энг муҳим муаммо. // «ЎзАС», 2003 йил, 21 март, № 12 (3695).

2 Расулов А. Янгиланаётган роман. // «ЎзАС», 2003 йил, 21 март.

3 Расулов А. Тарих, фалсафа, роман. // Жаҳон адабиёти, 2003 йил, №9. –163 б.

бетаффиқ»¹ кишилар бўлиб кўринади. Олимнинг «...қаҳрамонлар ўйлари, тушунчалари, ҳаётга қарашлари билан тезоқар вақт аро баҳс бўлаётганлиги очиқ-ойдин сезилади... «Мувозанат» романи анъанавий йўсинда ёзилган асар. Лекин ўйлаб кўрилса, унда модерн романнинг кўп хусусиятлари кўзга ташланади... бош қаҳрамон қарашлари зинҳор ёзувчи концепциясини акс эттирмайди. Ровий образи қаҳрамонларнинг эмин-эркин ҳаракат қилишларини, ўзларини намоён этишларини таъминлайди. ...ёзувчи концепцияси ўсишда, ўзгартиришда, ҳаракатда»² сингари қимматли фикрларига таянсақ, романга жалб этилган барча қаҳрамонлар носирнинг концепциясини акс эттириши ойдинлашади. Ўз қарашлари, ҳаётий муносабатлари, дард ва армонлари билан муҳит ҳақидаги тасаввурларни янада мукаммаллаштириши аён бўлади. Бинобарин, «Мувозанат» романининг китобхон дилига яқин пафоси ҳам, таъсирчанлиги ҳам ҳар бири ўз йўли, ҳаётий қарашларига эга бўлган ранго-ранг персонажлар орқали таъминланган, эътибор топган.

Бизнингча, тадқиқотчи олимларимиз роман қаҳрамонларининг реал ҳаётда эришган камоли масаласига бирмунча ортиқча маҳлиё бўлишгандай туюлади. Ботиний ва зоҳирий мувозанатнинг бузилиши тақдирлар фожиасини келтириб чиқарган экан, демакки, фожеий қаҳрамонларни англаш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Юсуф ёки Амир характерида романнинг етакчи ғояси акс этган. Одил ака, Саид, Миразим, Захро, Манзура, Эргаш, бош чўпон ва бошқа қишлоқ одамлари тақдири ҳам романда салмоқли ўрин тутади.

«Юсуф машинадан тушиб қолганда соат ўн иккига чоракта бор эди. У секин юриб трамвай бекатида келди. Бекатда кимдир трамвай кутиб ўтирарди. Юсуф ўриндиқнинг иккинчи четида омонатгина чўкди» (роман, 42-бет). Ўриндиқнинг икки четида омонатгина ўтирган бу икки кишининг айни пайтдаги ҳоли бир-бирига яқин. Дафъатан улар бир-бирини танишмаса-да,

1 Расулов А. Ўша жойда, Б:154-165.

2 Расулов А. Ўша жойда, -154-165 б.

Юсуф сўнги сигаретасини унга илинади. Унинг дастлабки таассуроти хамроҳининг ташки қиёфасидаги хароб ҳолдан пайдо бўлади. Ҳатто унинг тезроқ нари кетишини истаб қолади. Шунга қарамасдан, эски таниши бўлиб чиққан Эргашдан кўра қай манзилга боришининг-да тайини йўқ Юсуфнинг холи айни фурсатда аянчлироқ эди. Шаҳар кўчаларида ярим кечада сарсон юриши жихатидан ҳам, манзил-маконсизлик, кўнимсизлик маъносида ҳам бу фикрда жон бор. Зеро, Эргаш аниқ манзилга – ўз кулбасига бора олади. Юсуфда эса бу имкон йўқ. Алламаҳалда Валерийнинг эшигини қоқиб бориш ўнғайсиз ва хунук. Вокзалда тунашдан кўра Эргашнинг уйи қулай. Юсуф шу боис ҳам бу манзилни танлайди. «*Эски таниши*»ига кулбасидан жой берган Эргашда бечоранинг аҳволига ачиниш туйғуси мавжуд. Албатта, Юсуф бадбўй ва ипириски хонадаги жулдур ўриндикда ухлай олмай, тонггача ўтириб чиқади. Бироқ ҳар на бошпана-да. Шубҳасиз, булар масаланинг зоҳирий томони.

Ботинан эса, Юсуфнинг кўзига уйқу қўндирмаётган нарса нафақат моғори чиқиб кетган бир хонали уйдаги жулдур ўриндик ва уй ичининг ипирискилиги, балки Эргашнинг аччиқ тақдири ҳамдир. Зеро унинг қисмати Юсуфникига уйқаш. Фақат Юсуфнинг Эргаш янглиғ бутунлай маҳв бўлмаслик, тақдирини ўзгартириш имкони мавжуд. Эргашнинг ҳолига тушмаслик учун тун бўйи ичи сидирилиб, алам билан ўз келажаги ҳақида жиддий ўйлашига сабаб ҳатто кўча кийимини ҳам ечмасдан эски диванда хуррак отиб ётган лоқайд Эргашнинг ҳолидир. Ўз ғурурини йўқотган, аламзада Эргаш тақдири Юсуфни ўз-ўзини англашга, ўнгланишга ундайди. Бу эса қаҳрамон фаолиятининг энг остки қисмидан англашилади.

Эргашнинг бефарқу лоқайд, истикболдан умидсиз кишига айланишига беш-олти йил бўлган. «*Ичини ёритиб турган чироқ ўчган*» (46-бет) Эргаш ҳам жисмонан, ҳам руҳан маҳв бўлган. Шу учун ҳам У.Ҳамдам бу икки персонажни юқорида танишганимиздай, «*икки четда*» ва «*омонат*» ўтирган ҳолда тасвирлайди. Юсуфнинг манзилга етиб бормаганлигида ҳам тағмаъно яширин. Чунки у ўз мувозанатини батамом йўқотмаган. Бу мувозанатни

ўнглаш, ўзлигини англаб етишга астойдил уринади, имкон топа олади. Кўнгил ичида – ботинда кечган ўзгариш аянч аҳволга тушмаслик истаги, демакки эртанги кун умидидан туғилади. Бошқачароқ айтганда, агар ўнглолмас, Эргаш қиёфасидаги эртасини кўриб хушёр тортади. Муаллиф бир вақтнинг ўзида маънавий-руҳий жихатдан икки қутбда бўлган қаҳрамонлар тилидан сўзлайди. Ўз нутқи билан нафақат роман ғоявий йўналишини, балки қаҳрамонлар характерини ҳам очади. Эргаш ва Юсуфнинг маълум бир вазиятдаги ҳолати, миллий шароит таъсирида руҳиятида содир бўлган ўзгаришларни бадиий ифода этади.

Аслида, Эргаш обрўли университетлардан бирининг физика муаллими, фан номзоди. Довруғи дунёга кетган кашфиётлар, мақола ва қўлланмалар муаллифи эди. Тинч-тотувгина оиласи, хотини ва учта фарзанди бор эди. Еб-ичиш, кийинишу ҳар йилги дам олиш саёхатлари иқтисодий бутунликдан гувоҳлик берарди. Бунинг устига истиқболдан умидлари ҳам бир олам. Ўғилчасига атаб икки хонали алоҳида уй ҳам олиб қўйишганди.

Ўз касби туфайлигина яшаб келаётган, замон ўзгариши туфайли моддий қийинчиликка мубтало бўлган рўзғордан барака, оиладан тотувлик кўтарилади. Эртадан умидвор сабр кишиси бўлган Эргаш ўз севган касби билан шуғулланиб оилани тебрата олмай қолади. Жамиятдаги мувозанатнинг бузилиши туфайли оддий бир оиладан барака кўтарилиши аҳилликка путур етказди. Бугун ҳам айнан кечаги ишини бажаргани ҳолда, меҳнати эвазига етарлича ҳақ ололмаётган, бошқа соҳада ишлашга эса укуви йўқ Эргаш инсон меҳнатига эътиборсизликнинг қурбонига айланади. У хотинига қарата дейди: *«Мани қўлимдан нима келади? Сабр қил, ҳаммаси тагин изга тушиб кетар. Эсимни танибманки, физика-математика билан шуғулланган одамман. Кеча менга шу меҳнатим эвазига етарли пул тўлаётганди, бугун тўламаётган экан, айб мендами? Мен кеча нима иш қилган бўлсам, бугун ҳам ўшани бажаряпман. На сан, на санга ўхшаган товуқ миялар тушунмаёттики, ман бошқа соҳада энди ишлай олмайман. Ман буни неча марта айтишим керак. Балиқ сувдан ўзга жойда яшолмаганидек, ман ҳам*

бошқа жойда қўлсиз-оёқсизман, тушунсанг-чи!» (роман, 46-бет)

Шу ўринда муаллифнинг нутқи Эргашнинг нутқи билан қўшилиб кўп овозлиликини таъминлайди, сўзнинг таъсир кучини оширади. Эргашнинг нутқи адибнинг ижодий ниятини юзага чиқаради. Эргашнинг олимона ўй-фикрлари аслида муаллифнинг қарашларига ҳамроҳланган. У.Хамдам дунёқарашини, ғояларини, эзгу ниятларини ифода қилади. Давр воқеаларига муносабатини ифода қилади.

Бизнингча, персонажнинг сўзларида китобхонга ҳам қарата айtilган кучли залвор мужассам. Аслида, севимли касбинини ташлаб мингларга қўшилиб бозорга чиқиб кетолмаган зиёлини айбсйтиш мумкинми? Маърифатли бир инсоннинг бозорма-бозор қоп орқалаб юриши мувозий бир ҳол бўлмай, маънавий-руҳий синишдир. Агар биз шу мантиққа таянсан, болалар боғчаси тарбиячиси бўлган Эргашнинг аёли Латофатнинг бозорни ихтиёр этишида ҳам қандайдир асос бордай туюлади. У атрофига боқиб, фарзандларининг улғаяётгани, нарх-наво билан даромад номувофиқлигини кўради. «*Шундай юриверсак ҳолимиз не кечади?*» деган истихолода эрини пул чиқадиган бирор ишнинг бошини тутишга ундайди. Оиладаги ноаҳиллик болаларга таъсир қилаётганидан сиқилади. Мингларга қўшилиб, эрининг иродасини етмаган ишни қилади. Хуржун кўтариб бозорга чиқади ва тарбиячилиқнинг баҳридан ўтади.

Ўшанда энди ёши қирқ олтига чиққан Эргашни оиласи, бола-чақаси, ҳамкасблари тушуниши мумкинми? Оиладаги аҳволни кўриб баттар эзилаётган, ҳатто университетга ҳам оёғи тортмай қолган Эргаш манфаатли меҳнатдан эъзоз топмай, ҳеч қачон ўнганмаслигини тушуниб, оилада ортиқча эканлигини ҳис қилиб, боқиманда бўлишни истамай даҳшатга тушади. Ўзини тобора мискин ва ожиз сезган персонаж хотинини билан ўртасидаги тобора совугандан совуб бораётган муносабатларни ўнглай олмайди. Жилла курса оталиқ шаънини сақлашдан умидвор бўлиб, алоҳида яшаган ва буткул ёлғизланиб қолган Эргаш ички оламида кечган ғалаёнлар ташқи фаолиятига салбий таъсирини ўтказиши муқаррар эди. Чунки у бор-

йўғидан буткул ажралган, на оиласию бола-чақасига, на жамиятга кераксизлигини ҳис этганди. Ёлғизлик, аламзадалиқ, нафрат туйғуларини майга чўктирмоқчи бўлган Эргашнинг ғурури ва шаъни буткул синади. Инсон ва жамият муносабатларининг мувозанатдан чиқиши рухий изтироблар ичра ўртанган персонажни мавҳ этади. Бемалол айтиш мумкинки, У.Ҳамдам услуби, ғояси ва туйғуси «Мувозанат»да ҳаракат қилувчи ҳар бир қаҳрамоннинг характерида мужассамлашади.

Демак, Эргаш чинакам маънода жожеий тақдир эгасидир. Уни дабдурустдан *«саёқ ва бетайин»* деб ҳисоблаш авваламбор персонаж ботиний оламини илғамаслик, инсон образи орқали тасвир предметига айланган полифоник романлар поэтикасига хос бадиий талқинга етарлича эътибор бермасликдир. Қалбидаги барча эзуликлар олис хотирадагина қолган, бегоналиқ туйғуси тобора теранлашиб, ичкиликка берилган Эргаш руҳан парчаланишга маҳкум персонаж. Қолаверса, Эргаш тақдири романда тутган мавқеига кўра Юсуф характерининг шаклланишига таъсир этувчи омил вазифасини ҳам ўтайди.

Эргаш жожиаси қиёфаси ўзгарган замон табиатини, шиддат билан ўзгараётган воқелиқ янги ижтимоий-сиёсий муҳитни яратиб улгурганини англамасликдан келиб чиқади. Янги муҳит янгича ёндашув ва ўзига хос қадриятларни талаб қилардики, фақат маънавиятни танлаб моддиятни менсимаслик ёхуд Латофат сингари моддият йўлида маънавиятни қурбон қилиш нафақат алоҳида шахс ёки оилани, балки жамият ва ҳатто дунёни маҳв этиши мумкин, дейди У.Ҳамдам. Бу фикр романнинг аксарият қаҳрамонлари тақдирида, ботиний оламида кечган ғалаёнларда бўй кўрсатади. Юсуф мушоҳадаларида қатъийлашиб руҳига енгиллик, иродасига куч, фикрига қувват, ҳатти-ҳаракатларига қатъият ва шахд бағишлайди. Чинакам инсоний ҳаётга ташна қалбини хаёл ва туш каби гўзал дунёга жалб этади.

«Ҳаромнинг бир чимдимни ҳам ҳаром» (54-бет) деб билиб хотини, укалари икки ҳафтада машаққат билан колхоз даласидан йиққан сомонни қайтариб ўз ўрнига ташиган, оиланинг яккаю ягона ғунажини сотилиб

авайлабгина сақланаётган пулига «демона»ни сийлаб, Улуғтоғ сафарига йўлга чиққан Амир чўпон ва унинг ўғиллари томонидан ўғри гумон қилиниб, аёвсиз равишда калтакланади:

«- Мана, ҳароми ўғрини тутдик!»- деди учовлондан бири.

- Қанақасига мен ўғри бўлай, оддий йўловчиман. Ким биландир адаштиряпсизлар!»- Амир аҳволни оз-моз тушунтиргандек бўлди.

- Ҳой, ит эмган аблаҳ, қилгиликни қилиб қўйиб, яна ёлгон гапирасанми?»- бошқа бири тортиб олинган таёқ билан Амирнинг қаншарига тушириб қолди. Амир оғриқдан ихраб юборди.

- Ўғирланган қўйларни нима қилдинг, пасткаш?»-урган киши Амирнинг юзига яқин келиб, тупугини сачратиб бақирди.

- Менга қара, ҳей аламзада! Амир ундан ҳам баланд овозда қичқирди, - мен қўй ўғирлаганим йўқ, умримда ўғирлик кўчасига кирмаганман. Сен олдин айбдорни топ, айбини бўйнига қўй, кейин ур-да!

- Унда бу ерларда нима қилиб тенгиб юрибсан қош қорайганда? - боядан бери жим турган қария аралашди.

- Тоққа кетяпман, Улуғтоққа.

- Нима ишинг бор у ерда, сен ахир чўпонлардан эмассанку? - давом этди қария.

- Чўпон эмасман, лекин ўғри ҳам эмасман!

- Хўш, тоғда пишириб қўйибдимми кечаси? Яна ёлғизсан?

- Боргим келди, вассалом.» (роман, 55-56-бетлар)

Амирни «ҳароми», «ўғри», «аблаҳ», «ёлгончи», «пасткаш» деб ҳақорат қилиб калтаклаётган, унинг умрида ўғирлик кўчасига кирмаган, оддий йўловчи эканлигига астойдил ишонмаган кишиларнинг НАФРАТли ва АЛАМЗАДАлигининг боиси нимада? Нега Амирнинг гапи чўпонлар учун худди чўпчакдай туюлади? Нима учун Амирни шир яланғоч қилиб ечинтиришдай «уятсиз»лик, «инсофсиз»лик содир бўлди? Наҳотки, навқиронидан қариясигача бир-биридан баттар ёвуз бўлишса? Бу шармандали аҳволдан эркагу аёл заррача уят туйғусини ҳам сезишмаслиги

мувозий бир ҳолми? Инсоннинг ўз қондошини тушунмаслик, унга астойдил ишона олмаслик даражасида уят, андиша, номус, инсоф, диёнат, орият каби муқаддас шарқона туйғулардан йироқлашиб, алам ва нафрат исқанжасида ёвузлашиши лоқайдлик, худбинлик уруғи урчиши бу эврилган оломон қаршисида, ёвуз ғоя олдида Амирни ноилож қолдириши табиий эди.

Табиатан қайсар бўлган Амир чўпонларни ишонтирадиган жўяли сабаб қидирмайдигина эмас, бундай ёлғон билан жонини авайлашни ҳатто ўзига эп кўрмайди. Ҳадеб «айби»га иқроқ қилиш илинжида бўлган, ҳатто шафқат қилмаган чўпонларга нафратини сукут орқали изҳор қилишни афзал билади. Кечагина беш вақт намозни ўқиб юриш учун бор-будини беришга қодирдай кўринган Амир бир култум сув учун дунёни алишиб юборишга тайёр, булутларга сув илинжида термилувчи, ўт-ўланлар баргини ётиб олиб шимиди-да оддий бир одамга айланади. Эътиқодидан қайтмайдиган, таваққалчи Амир ҳам ҳаёт зарбалари олдида баъзан ожиз қолади. Бундай ҳолда у уят, хўрлик, калтак азобларидан ҳам кўра ташналиқдан мислсиз азият чекади. Ёмғир сувидан боши гир айланар даражада чексиз лаззат туйганида, ҳар қанча қайсар ғоя одами бўлмасин, инсон боласи- ожиз банда сифатида намоён бўлади. Ёзувчи Амир ички дунёсини очиш, аниқ ҳолатдаги руҳий кечинмаларини ёрқинроқ ифодалаш, кайфиятидаги ўзгаришларни кўрсатишда ташқи олам манзараларини унинг кўзи билан кўради. Руҳият манзараларининг нутққа кўчишида индивидуал услуб ҳам намоён бўлади. Лекин барибир у моҳият эътибори билан тақводорлигича қолади. Ўжар табиатини ҳаёт сабоқларидан хулоса чиқариб, ўзгартиришга уринмасликнинг ўзи аслида Амирнинг бош фожиаси.

Бинобарин, Амирни-ку тушуниш мумкин экан, кекса чўпонни англаш унча мушкул кечмайди:

«-Ўғлим..- чолнинг овози титраб, гапиришдан тўхтади. Амир ҳайрон бўлиб, кўзларини очди. Чолнинг қорачиғида йилтиллаб ёш ўйнади.

- *Икки ҳафта ичида элликка яқин қўйимизни ўғирлатдик. Бу ҳазилакам нарса эмас, замонди кўриб турибсиз.* - Амир чолнинг ҳатто «сиз»лаётганига ҳайрон

қолди.

- *Анавилар- менинг ўғилларим. Биттаси уйланган, иккита боласи бор. Биз билан бирга туради. Унга иморат солишим, қолган иккитасини эса уйлашим, гарданимдаги қиёмат-қарздан қутулишим керак. Бутун оиламизнинг даромади фақат шу қўйлардан. Элликта қўй эса ҳаммамизнинг икки йиллик заҳматимиз зое кетди, дегани. Жон ўғлим,- чолнинг юзларидан ёш шашқатор бўлиб оқди, бўғзига йиғиси тиқилиб, аранг сўзини тугатди,- бу агар сизди ишиз бўлса, бизди қон қақшатманг, айтинг, ҳатто эллик қўйнинг ўнтасидан воз кечдим, қолганини қайтаринг...» (роман, 59-бет)*

Икки ҳафтада элликта қўйдан ажралиб, бутун оиласининг икки йиллик даромадидан мосуво бўлиб, қон қақшаган, уч нафар ўғил, битта келин ва иккита невараси билан каталакдай ҳовлида яшаб, энди уй-жой қиламан, иккита ўғлимни уйлантираман, деб турган чолнинг Амирни «*жон ўғлим*» деб, «*сиз*»лаб гапираётган ҳолатига аҳамият берайлик. У худди Амир сингари жабрдийда, мунглиғ ва хокисор киши экани англашилади. Чол ўз гарданидаги қиёмат-қарздан қутулиш илинжидаги икки дунё саодатини ўйлаётган эътиқод одами. Шунинг учун ҳам унинг нутқида энди нафрат туйғулари ўрнини вазминлик ва мулоҳазакорлик эгаллайди. Демак, муаллифнинг қиёфаси ҳар бир образнинг ҳолати, изтиробларида акс этади. Адиб (*ҳикоячи*) асар қаҳрамонлари билан баб-баравар ҳаракат қилади. Айни дамда чўпон бу дунё мушкулотлари олдида ожиз, замондан норизо, диёнатсизликлардан аламзада. Демак, уни «*бетавфиқ*»қа чиқариш мумкин эмас. Ундаги зоҳир бўлган нафрат ва аламзадалиқ, ғазабноклик ва ёвузлик теран ботиний илдизларга эга эмас. Чўпон Амирдан фарқли ўлароқ, содда ва жайдари тоғ одами. Шу боисдан ҳам у ярим кечаси Улуғтоғни бориб кўриш, тонгни ўша ерда қаршилашдай хаёл қадар юксак мақсадлар ҳам борлигидан беҳабар. У ўзи ва фарзандлари, оиласи ташвишлари билан яшайдики, Амирнинг сойирлиги чўпоннинг мантиғига сиғмайди. Ҳаётга реал қаровчи чол Амирга ўхшаб фақат истакнинг ўзи билангина мақсадга интилмайди. Йиллар суронида тобланган тафаккури эртанги кун азобини олдиндан

чамалашга одатланган.

Чўпон онгига ташқи муҳит таъсирида андишани енгиш, ҳаёт учун кураш ғояси кириб келган. Демакки, инсофу диёнатнинг йўқолишига жамият сабаб. Адолатсизликларга кўникиш лоқайдликка етаклаганидай, лоқайд чолнинг назарида нафрат ва ёвузлик аламзада кўнгилга таскин берувчи адолат бўлиб туюлади. Ёвузликнинг ҳар бир кўриниши ҳам зулм эканлигини, шу томон қадам ташлаётганлигини тушунмайди.

Илло, руҳиятга кирган ёвузлик айни бир вужудда бешафқатлик ва зулмни юзага келтиради. Унинг қалбидаги эзгуликларни янчиб ташлайди. Бизнингча, чўпон ва фарзандларининг Амирни калтаклашдан муайян қониқиш ва лаззат олганликлари шундан - икки ўртада пайдо бўлган бегоналик туйғусидан келиб чиқади. Гоҳ қаҳру ғазабли, ёвуз, гоҳида мунглиф ва хокисор кимсага эврилувчи қария ички оламида руҳан ўзини бир неча бўлакка бўлиб ташлаган ғоя етовида баъзан дунё одами бўлиб андишасизликка, баъзан эътиқод одами бўлиб виждон азобига гирифтор бўлади. Пировардида ёвузлик руҳи устун келиб, бешафқатлик эзгуликни маҳв этади. Бошқачароқ айтганда, романда тафаккур ва талқин жиҳатидан полифоник кўп овозлилиқ, кўп қатламлилиқ акс этади. Чўпоннинг сўқир қалбида алангаланган ўч олишу интиқом инсоннинг инсонга тажовузи тарзида намоён бўлар экан, бир реал шахс тимсолида икки хил одам, икки хил онг турланиши кўзга ташланади.

Шуниси муҳимки, поэтик талқин ривожидан ёвузлик ғояси чўпон ва унинг болалари онгидан бошқа ҳолатга кўчади. Жала қуйиб, кучли сел келганида чолнинг иккита ўғли ва қўйларнинг учдан икки қисмини ямлаб ютиб бўтанага кўмиб ташлайди. Бу гуноҳлар эвазига келган муқаррар жазоми ёхуд бегуноҳ Амирнинг «*Кўзларингга сув тўлсин сенларнинг!*» деган қарғиши оқибатими? Қайтар дунёнинг сир-синаотлари билан боғлиқ умуминсоний масалалар романда юксак мақомда тасвирланган:

«...қариянинг миясида қарғиш чақнади. У сапчиб ўрнидан туриб кетди. Ахир, ўша йигитни бир томчи сувга зор қилишмаганмиди? Наҳотки у

қарғанган бўлса? Наҳотки у чинданам ўзри бўлмаган? Унда ким?» (роман, 40-бет). Кўринадики, У.Ҳамдам қахрамонларининг индивидуал-психологик киёфасини ифодалаш, маънавий-руҳий дунёсидаги драматик ҳолатларни яққолроқ кўрсатишга эътибор берган. Эҳтимол, ўзига паноҳ излаётган қария ушбу паришон ҳолатида тавбага яқин бир мақомда ўз-ўзини тафтиш этаётган, гуноҳга йўл қўймадиммикин?» деган мулоҳазага бориб истиғфор қилаётгандир. Агар шундай бўлса, унинг қарғишга қолдим, Оллоҳнинг ғазабига дучор бўлдим, деб ўйлаши табиий. Бироқ энди кеч. Ичига чирок ёксанг-да ёришмайдиган қария ўн гулидан бир гули очилмаган шўрлик болажонларининг жонини нисор айласа-да қайтара олмайди.

Яхлит роман мантиғидан келиб чиқилганда эса, ёвузликнинг турланиб, тусланиб туриши яъни табиатга кўчиб, қайта намоён бўлиши «Мувозанат»да кўп овозлилиқ ва кўп қатламлилиқни юзага чиқаради. М.М.Бахтиннинг ҳақли равишда таъкидлашича: *«Полифоник роман буткул диалогик асосга қурилади. Роман таркибининг барча унсурлари аро диалогик муносабат мавжуд бўлиб, улар кўповозлилиқ (контрапунктический.- Д.Х.) тамойилига мувофиқ тасвирланади. Маълумки, мазкур диалогик муносабат хийла кенгроқ ҳодиса. У одатдаги диалогдан деярли фарқли тарзда, бутун инсон хатти-ҳаракат ва фаолиятининг маъно ва мазмун касб этувчи муносабатлари шиддатини қамраб олган универсал ҳодисадир».*¹

Демак, «Мувозанат» романи тафаккури мантиғидан жамият тафаккурининг даражасини келтириб чиқариш мумкин. Роман ғояси, мавзу ва манбаи кўпқатламлилиги икки овозлилиқ асосига қурилган бадий талқин орқали ҳам англашилади. Носоғлом муҳит ва жамиятнинг чўпон шахсиятига нисбатан адолатсизлиги ва зулми мавжуд ақидаларнинг инқирози ҳамдир. Ана шундай жиҳатлари билан «Мувозанат» Ч.Айтматовнинг «Кунда», Э.Самандаровнинг «Дарёсини йўқотган қирғоқ», Х.Дўстмуҳаммаднинг «Бозор», Ш.Бўтаевнинг «Кўрғонланган ой» сингари романларидаги

¹ Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. –М.: Советская Россия, 1979. –49 ст.

полифоник тасвир нуқтаи назаридан айрим услубий изланишларни эсга солади.

Биобарин, У.Ҳамдамнинг бадиий тафаккурида полифоник тафаккур унсурлари, фалсафий мушоҳадакорлик, психологик таҳлил услубининг қатор қирралари намоён бўлади.

ИККИНЧИ БОБ

У.ҲАМДАМ РОМАНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МУАММОЛАР ТАЛҚИНИДА РИВОЯ ТАРЗИ

2.1 Рамзий-мажозий романда ривоя тарзи ва миллий ва умуминсоний муаммолар талқини.

Бадиий ижоднинг муҳим назарий масалаларидан бири асар композициясидир. Академик М.Қўшжонов композицияни шундай таърифлайди: «Композиция асарда ижодкор диққат марказининг яққоллиги, бадиий ғоянинг аниқлиги, шунга нисбатан асардаги катта ва кичик қисмлар ҳамда образларнинг жой-жойига қўйилиши ва уларнинг тасвир меъёри ва мақсадга мувофиқлигидир».¹

Қадим замонлардан бери «*Ҳар бир нарсанинг ҳажми унинг моҳияти билан белгиланади*».² Асар воқеалари мантиқий жиҳатдан узвий боғлансагина яхлит силсилани ташкил этади. Асарнинг барча қисмлари ягона ва аниқ нуқта (фокус- Д.Х.)га марказлаштириб муносиб равишда жойлаштирилса мақсад равшанлашади. Зеро, тасвирланаётган воқеалар динамикаси, санъаткорнинг улар мағзини чақиши билан белгиланади.

Ҳозирги ўзбек романларини кузатар эканмиз, унда жанр имкониятларининг анча кенгайганлиги намоён бўлади. Бу ҳол биринчи навбатда истиқлол даври берган имконлар туфайли турғун ақидалардан қутулишга интилиш кучайгани, муҳит билан алоқаси узилган шахс тақдирига эътибор ортгани, жанрнинг ички ва ташқи воситалари аро уйғунлик ҳамда мувофиқлик (гармония- Д.Х.) ни сақлаган ҳолда воқеа-ҳодисаларни эстетик яқунлашни эмас, унинг ҳаётийлигини муҳим деб санаш кучайгани билан белгиланади.

Бугунги роман турли жанрларда ўз табиатига мос келадиган жиҳатларни синтез қилиш орқали ҳаётий материални ўзлаштириш ва тасвир, талқин имкониятларини кенгайтириш орқали ҳам ривож топмоқда.

1 Қўшжонов М. Асар композицияси. Адабиёт назарияси. Икки томлик, 1-том. –Тошкент: Фан, 1978. –265 б.
2 Аристотель. Поэтика. –М.: 1961. –63 ст.

Бинобарин, муайян асар ёхуд ёзувчи услуби ҳақида сўз кетар экан, унинг роман ички қурилишини уюштириши масаласига индивидуал ёндашиш зарур.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов: *«Маърифат йўлида одамларнинг қалбига чуқур кириб бориш орқали уларда эзгу интилишлар, орзу-умидлар уйғотиш мумкин»*,¹ - деган эди. Бу фикрлар муайян маънода бадиий адабиёт ва адабиётшуносликка ҳам дахлдордир. Бу фикр тасдиғини Шарқ, хусусан, Ислом фалсафаси, инсон маърифати ва маънавияти, бурч ҳамда масъулияти ҳақидаги қарашларини теран талқин қилган Улуғбек Ҳамдамнинг *«Мувозанат»*² романи мисолида ҳам кузатиш мумкин. Ёзувчининг ўзи бугунги ўзбек романлари ҳақида тўхталар экан: *«... роман мавзуи, тасвирлаш принципи қандай бўлишидан қатъий назар, у энг юксак, энг бугунги, энг замонавий.. даражадан туриб ёритилган бўлиши лозим... ёзувчининг ижодкорлик даражаси ҳам унинг руҳий ҳаётга нечоғли алоқадорлиги, қобиллиги билан ўлчанади,»*³ - деб ёзади. Муаллиф роман материалининг, айниқса, асар ёзилиш жараёнида ижодкор руҳиятига ҳамоҳанг бўлиши, унда *«руҳий машғулот»*га табиий мойиллик бўлиши зарур деб билади.

У.Ҳамдамов фикрича, санъат ва бадиий диддаги янгилаанишлар ҳозирча яхлит бир йўналишни ташкил этганича йўқ. Чунки инсоннинг ижтимоий ва руҳий ҳолатида мувозанат етарлича таъминланмаган. Чинакам бадиий дурдоналар эса кўнгил фаоллашган, руҳий ҳаёт баланд мақом касб этган даврларда яратилади.

Бизнингча, *«Мувозанат»* романи У.Ҳамдамовнинг ана шундай масъулиятни теран англаши, роман масаллиғини кўнгил мулкида тоблаши туфайли ҳам муваффақият қозона олди. Проф. У.Норматов ҳақли эътироф этганидай: *«Ҳаёт ҳодисаларига, инсон шахси, маънавияти, тақдирига қутилмаган янги томондан ёндашуви, янги ифода йўлларини қидириши»*

1 Каримов И.А. Буюк алломага эҳтиром. // «ЎзАС», 2003 йил, 28 ноябр, №48 (3724).

2 Ҳамдамов У. Мувозанат. // «Жаҳон адабиёти», 2002 йил, №5-6.

3 Ҳамдамов У. Ижтимоий фаоллик даври. // «ЎзАС», 2003 йил, 22 август, №34.

жиҳатидан носир китобхон қалбига теран кириб бора олди. Мазкур роман миллий адабий анъанага асосланиб яратилганлигини эътироф этиб, унга катта қизиқиш ва қониқиш билан қараган П.Қодиров: *«Шахсан мен «Мувозанат»ни сўнгги ўн йилда чиққан ўзбек романларининг энг яхшилиридан бири деб ҳисоблайман»*,¹ -дея таъкидлайди.

Шубҳасиз, бугунги бадий дунёнинг бутун ранг-баранглигини кўра билмоқ учун янгича нигоҳ лозим. Истиклол даври адабиётшунослигининг вазибалари ҳақида сўзлар экан, О.Шарафиддинов: *«Бизга ўзининг юксак савияси билан халқни ортидан эргаштира оладиган, унда юксак сифатлар ва фазилатлар шаклланишига йўл очадиган, ўзини теранроқ танишига, бу борада юксакликка кўтарилишига ва бутун ҳаётини шу юксаклик ўлчамлари билан қайта кўриб чиқишига сафарбар қиладиган адабиётшунослик керак»*,² деб ёзади.

Англашиладики, глобаллашув даври ижтимоий-адабий суръатига ҳамқадам бўлмоқ шунга мувофиқ кайфиятнингина эмас, шунга мувофиқ ижтимоий-тарихий, адабий-бадий тафаккурни ҳам талаб этади. Чунки ҳар бир давр адабиёти аввалгиларига ўхшамайдиган кайфиятнингина эмас, талабларни ҳам акс эттиради. Шу жиҳатдан қараганда, «Мувозанат» романининг ҳикоя усули ўқувчига яқин ва тушуниш нисбатан осонроқ кечади. У.Ҳамдамовнинг талқин қилишича, мувозанат даставвал инсоннинг ботинида бўлиши, зоҳирдаги жамият мувозанати унга ҳамоҳанг келишининг асосий мезони маърифатдир. Ташқи ҳаёт инсоний фожиа ёхуд камолотга сезиларли таъсир қилганидек, ботиний оламида мувозанатни сақлай олмаган инсон зоҳирий дунёда ҳам мўрт бўлади. Бошқачароқ айтганда уйғунликни таъминлай олмайди, мувозанатини йўқотади. Ана шундай жиҳатларни назарда тутган олим Й.Солижонов роман ҳақида тўхталиб: *«Унда замондошимизни уйлантирадиган дард, юрагини ларзага соладиган,*

1 Қодиров П. Маънавият, модернизм ва абсурд. // «ЎзАС».2004 йил, 26 март, №12 (3738)

2 Шарафиддинов О. Фикр эркинлиги- зарур эҳтиёж. // «Ўз.АС» 2004 йил 14-май №19(3745)

фикрлашга ундайдиган залворли гап бор»,¹ деб таъкидлайди.

У.Хамдамов бугунги кунда бадиий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик асосларини теран тадқиқ қилаётган адабиётшунос олимларимиздан бири, шоир, таржимон, носир сифатида қалам тебратмоқда. Усмон Туроннинг «*Туркий халқлар мафкураси*» (1995), Жалолиддин Румийнинг «*Ичиндаги ичиндадир*» (1997-2001) сингари асарларини таржима қилиш жараёнида унинг руҳият дунёси шубҳасиз янада юксалди. Мазкур асарлардан қалб туйғуларига ҳамоҳанг кўплаб жиҳатларни топган адибда бугунги замондошимиз кайфиятини акс эттириш, даврнинг қайноқ нафаси – ўзига хос эврилишларни қаламга олиш эҳтиёжини туғдиргани шубҳасиз. «*Мувозанат*» романи қаҳрамонлари ҳар бирининг ичида омонсиз жанг, аёвсиз кураш кечади. Ижтимоий муҳит сувратини акслантирган онги ва руҳида маънавий-руҳий мувозанатни асраш қийноқ-изтироблари содир бўлади. Мувозанатга улкан эҳтиёж туйган қаҳрамонлар эврилишлар даврида ҳам жамият аро, ҳам ўз кўнгиллари ичра Буюк Мувозанатни қидирадилар.

«*Мувозанат*» романидаги марказий образ Юсуф-замон кишиси. У диний эътиқодни, азалий қадриятлар аҳамиятини рад этмаган ҳолда давр ўзгаришларини теран ҳис этиб яшайди. Ўз ҳаётини илм-фан йўлига тиккан, ўзлигини йўқотмаган шахс. Юсуф миллат ва юрт қайғуси ҳақида ўйловчи, давр тўфонларининг бешафқат синовлари гирдобида ўртанган қаҳрамон. Уни акаси Амирдан фарқловчи жиҳат ҳам диний-исломий эътиқодда ҳаддидан ошмаслик-меъёрни билишидир. Бошқачароқ айтганда, Юсуф Амир каби кўр-кўрона таассуб қилувчи мутаассиб эмас.

Демак, романда инсон моддий-маънавий мувозанатга катта эҳтиёж сезади. Модда ва руҳ мувозанати таъминланса мақсадни амалга оширмоқ мумкин бўлади, деган фикр илгари сурилган. Ёзувчи мазкур фикрни турли дунёқарашдаги, эҳтиёжу мақсадлари ҳар хил, турлича тарбия кўрган, моддий мавқеи ҳам бир-биридан фарқланувчи персонажлар орқали кўрсатади. Бу

1 Солижонов Й. Роман кашфиётлар манбаидир. // «ЎзАС», 2003 йил, 5 сентябр, №36 (3715).

жихатдан ака-ука Амир ва Юсуф суҳбатини кузатиш характерлидир:

« - Қанийди қўлингдаги иш кўнглингдагига мувофиқ келса... Ҳозирча шошганим йўқ. Тавба, одамлар бир-бирлари билан уришиб юришса, мен доим ўзим билан ўзим жанг қиламан. Бошқалар билан олишишга менда на фурсат бор на разбат...

- Тўғри айтасан, ҳамма нарса аслида бизнинг ўз ичимизда. Чин дунё ҳам, ҳақиқий жанг ҳам, чинакам ғалаба ҳам. Ўша ерда золиб бўлсанг, бас. Улоқ менда кетди, деявер. Қолгани бир пул.

- Фақат, ака, ўша ердаги муваффақиятнинг натижаларини ташқарига- дағал дунёга муҳаққақ олиб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиши зарур. Токи бу нарса оч одамнинг нон, ишсизнинг иш, дардманднинг шифо, даҳрийнинг ишонч... топишига кўмак берсин. Ана шундагина муқаддас Мувозанатга эришамиз. Назаримда, менга зарур бўлган бахт шу.

- Майли, ука, -деди Амир юзини кафтлари билан силаганча кўзғолиб, - сен йўлингдан боравер, мен ўзимникидан». (роман,22-бет)

Ҳаким Имом Абу Ҳомид ал-Ғаззолий ҳазратларининг муборак сўзларидан иқтибос келтирган Муҳаммад Нуриллоҳ Сайфо ал-Жазарий ёзади: *«Билки, ҳақ йўлига кирмоқни хоҳлаганларнинг иршод этувчи бир мураббийга эҳтиёжлари бор. Токи, бу мураббий тарбия асносида ундаги ёмон хулқларни олиб ташлаб, уни гўзал ахлоқ ила безанишга ёрдам берсин».*¹

Нурли йўл одобини ўргатувчи муршид ёрдамисиз ўз билимларигагина ишониб нафсини ислоҳ қилиш ҳаракатига мустақил равишда киришган Амир кўнглидаги фикрлар васвасаси ва ғамлар илдизи моҳиятини англай олмай, мақсадга етиш йўлини тополмай паришон бўлади. Унинг аҳволидаги жоҳиллик тўсиқларни енгиб ўтишга қодирман деб ўйлаб кибр ва худбинликка берилганида намоён бўлади. Орифи раббоний Абдулваҳҳоб аш-Шаҳроний таъбири билан айтганда: *«Кимки ўзини бу «васф»лар (яъни кибр, худбинлик каби.- Х.Д.) чангалидан қутқарувчи бир муридга мурид бўлмаган*

¹ Муҳаммад Нуриллоҳ Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. Биринчи китоб. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000, –21 б.

*экан, Аллоҳ ва Расулга исён этган бўлади».*¹ Маҳмуд Асъад Жўшоннинг ёзишича, нафсни ислоҳ қилишда: «*Ориф бир зотни ўзига раҳбар қилиб олиш ва унга таслим бўлиш, ўз айби нуқсонини унинг кўрсатмаларига биноан тузатиш энг мақбул ва кенг тарқалган йўл*».²

«Мувозанат» романидаги Амир шу боис ҳам ўз ботиний оламининг пастқам буржлари-пучмоқларида қолиб, ўзини ниҳоятда ёлғиз сезади. Юксак даражасига мувофиқ катта руҳий-маънавий эҳтиёжларга муносиб равишда тобора кўпроқ билмоқни ихтиёр этган персонаж динда чуқур кетиб йўлини йўқотиб қўяди. У.Ҳамдам таъбири билан айтганда: «...*таянч ва таскин, ҳамроҳ ва ҳамдард топа олмай, ўз ёлғизлиги изғиринида муз қотди*» (роман, 59-бет). Ижтимоий-маънавий, руҳий жиҳатдан яккаланиб қолган, нажот излаб топа олмаган Амирнинг ақлдан озиши табиий эди.

Эътиқод қурбони бўлган бу персонаж фожиаси дин ишларида ҳаддан ошиш натижасида аҳли оиласи, бола-чақаси, ота-онаси, ҳатто ўз бадан ва нафсининг ҳам унда баъзи ҳақлари борлигини унутгани – мувозанатни йўқотганидадир. Дунё ишларидан, кундалик ташвишлардан буткул юз ўгириб тақво, тоат-ибодатни ихтиёр этган Амир ўзгаларни ҳам шу йўлдан юришга даъват этади. Натижада аҳли оиласи, ота-онаси, ака-укалари, фарзандларини ниҳоятда мушкул аҳволга солиб қўяди.

Проф. У.Норматов: «*романдаги энг ёрқин, концептуал персонажлардан бири*»³ деб баҳолаган Амир образига шу боисдан кенгроқ тўхталмоқдамизки, У.Ҳамдам диний-илоҳий ва тасаввуфий фикр- мулоҳазаларни қахрамонлар характер-хусусиятлари, ўй-фикрлари, диалог ва монологларига сингдириб юборганлигини бир образ мисолида кўрсатишни кўзлаган эдик. Билдирилган фикр-мулоҳазалар кўзлаган муддаомизнинг нақадар тўғрилигини тасдиқ этади. Романда Юсуф тилидан айтилган «*Назаримда, сизнинг шу тобдаги ҳолингиз пайгамбаримизнинг «динда ўрта йўлни тутинг» ҳадисидан кўра, тасаввуфий ҳолга яқинроқ*» (роман, 20-бет), «*Ахир пайгамбаримиз ҳеч қачон*

1 Ўша манба. –25 б.

2 Маҳмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. –Тошкент, 2001. –22 б.

3 Норматов У. Энг муҳим муаммо. // «ЎзАС», 2003 йил, 21 март, №12 (3695.)

ўлмайдигандек дунё учун, эртага ўладигандек охираат учун яша, деб бежиз айтмаган» (21-бет) сингари ҳадис ва ҳикматларни учратамиз. Қаҳрамонимиз акаси Амир билан очик баҳс-мунозарага киришар экан, асосли манбаларга таяниб ҳукм-хулосалар чиқаради. Рухий сокинликка интилиб, дилдаги ишқни рўёбга чиқариш йўлларини усулларини тополмай тасаввуф саҳросида эсанкираб қолиб, мақсадга етолмаган Амир фожиаси; ўзини толесиз сезиб, хаёлидаги ҳаётни реалликка кўчиришни тилаган, хиёнат изтиробларида ўртанган Захро турмушини; ижтимоий- маънавий жиҳатдан яккаланиб, рухий кийноқлар ичра ўртанаётган Саид тақдирини; барча хаваслари рўёбга чиқса- да, юраги хувиллаб қолган Миразим танҳолигини теран англаб етади. Башариятнинг ёруғ келажагини илм-маърифатдагина кўрадиган, маънавий- рухий кутбларни уйғунлаштириш зарурлигини тушунган етук инсонга айланади. Юсуф жамият аъзоларининг психикасини ўрганиш, демакки жамиятлар тақдирини тарихан таҳлил этиш орқали шу хулосага келадики, ҳар бир инсоннинг ботиний оламида ёвузлик устидан эзгулик ғалаба қилиши лозим. Акс ҳолда қиёмат ер юзида эмас, балки инсон ички оламида содир бўлади. Замон долғаларидан ўзликни қутқариб башариятнинг улуғ орзулари билан ҳамнафас тарзда курашадиган инсоннинг шаклланиш йўли ҳақида мулоҳазалар «Мувозанат» романида, Қуръони Карим кўрсатмалари, ҳадислар, илми қол ва илми ҳол (зоҳирий ва ботиний илмлар.- Х..Д.), Жалолиддин Румий ижоди, шунингдек дунёвий фалсафага таянган ҳолда илгари сурилади.

Масалан, Амир нутқида инсоний сабр-бардош ҳақидаги ғоялар Муҳаммад пайғамбар ҳаётидан мисоллар келтириш орқали илгари сурилади: *«Одамлар моддий бойликка эмас, маънавияту хокисорликка қараб интилсин. Пайғамбаримиз бутун ислом дунёсининг раҳбарига айланган вақтда ҳам жуда фақир ҳаёт кечирганлар. Уйларида кунда бир марта қозон қайнаган ё қайнамаган, емишлари хурмою сув бўлган. Биз-чи?.. Астағфуриллоҳ, астағфуриллоҳ»* (14-15- бетлар).

Оламнинг ўзгарганлигини тушунмай, тақвою мискинликдан иборат

зоҳидлар йўлини бутун халққа тавсия этаётган Амир руҳий дунёсини кўрсатишда бундай киритмалар муҳим аҳамият касб этади, образнинг ишончилигини таъминлайди. Амир ва Юсуфнинг эътиқодий қутбланишини кўрсатишда уларнинг ислом фарзларига муносабатини белгиловчи ушбу типдаги диалоглар ҳам характерлидир:

«Амир Юсуфдан сўради:

- *Намоз ўқимай қўйибсан деб эшитдим. Шу ростми?*
- *Мусулмончиликда бирламчи нима, ака?- саволга савол ила жавоб*

этди Юсуф.

- *Иймон.*
- *Нега унда сизнинг биринчи саволингиз иймон ҳақда эмас?*
- *Чунки иймонли одам намоз ўқийди.*
- *Лекин намоз ўқиганларнинг ҳаммаси иймонли, дегани эмас-ку. Шу*

билан бирга, намоз ўқимаганнинг ҳаммаси иймонсиз, деган ҳукм ҳам йўқ исломда.

- *Бу нарса намоз ўқимаслик учун сенга ҳуқуқ бергани йўқ- ку.*
- *Тўғри, ака, қанийди менам сизга ўхшаб намоз ўқисам ва бунга ич-*

ичимдан эҳтиёж сезсам» (роман, 19- бет).

Демак, Юсуф шариат аҳкомларини яхши билади. Бунинг илм, амал ва ихлос асосига қурилишини истади. У юксак маърифат ва пок ахлоқ кишиси бўлишга интилар экан, диннинг моҳияти ва маърифатини ифода этади. Ҳар бир нафасда Оллоҳнинг изми ва ибодатида бўлишни ўзича тушунади. Барчанинг номидан гапиришга ўзини ҳақсиз сезган Юсуф учун Оллоҳ билан руҳий алоқада бўлишдан келадиган кўнгилдаги тасалли ёд олинган сураларни муайян вақтдагина қуруққина қайтаришдан юксакроқ туради. Юсуфнинг дунёга қиймат бериш ҳоли рўзғор ташвишлари, фарзандлар тарбияси, оила таъминотига хоҳиш билдирмай, қуруқ ибодатга берилган Амирдан анча юқори туради. Чунки у юксак инсонийлик Олий Низомининг ҳамма жойда қарор топишига имкон қадар ўз улушини кўшишга интилади. Бинобарин, Юсуфни ўша низомни бузувчи ҳам, унга лоқайд ҳам дейиш

мумкин эмас.

У.Ҳамдам Юсуфнинг фикрларини далиллаш, роман ғоясини тасдиқлаш мақсадида баъзан Жалолиддин Румий ижодига ҳам мурожаат этади. Бу ҳол аксарият ҳолларда фикрни мантиқий ва ижодий ўзлаштириш тарзида кечса, айрим ҳолларда тўғридан- тўғри кўчирмалар келтирилади: Одамлар Каъбага турли хил томондан келишаркан, йўлда бир-бирлари билан *«Менинг йўлим ҳақ, сеники ботил...»* дея баҳс- мунозара қилиб келишади. *Каъбага келгач, уларнинг мақсадлари ҳосил бўлади ва ҳаммаларининг истаклари бир- Оллоҳ эканини билишади. Шунда тортишувлар ҳам барҳам топади.* (роман, 23-бет)

Мазкур киритма роман персонажлари ўртасидаги турли англашилмовчиликлар улуғ мақсад учун танланган йўлларнинг ҳар-хиллигидан келиб чиққанлигини изоҳлашга хизмат қилмоқда. Фарз амалларни бажаришни ўз шаклу шамойилида удалашга ҳаракат қилаётган Амир ва уни мажозий маънода тушуниб, асл моҳият яхшилик ва эзгуликдир, деб талқин қилувчи Юсуф истак-интилишларини тушунтириши жиҳатидан характерлидир.

У. Ҳамдамнинг *«Мувозанат»* романида диний-илоҳий киритмаларни ўзлаштириш публицистик услубга кенг йўл очган бўлса, муаллифнинг *«Исён ва итоат»*¹ романида бирмунча бошқача йўлдан борилади. Мўъжазгина романнинг ўндан ортиқ ўрнида Оламнинг яратилишидаги илоҳий мувозанат, Яратувчисини идрок этувчи инсоннинг илоҳий шамойилда бунёд этилиши, яхши ва ёмонни билиш дарахтининг меваси *«таъқиқланиши»*, Ҳаввонинг яратилиши, Одам ва такаббур Шайтон муносабатлари, Одам ва Ҳаввонинг кўнгил хоҳишларига эргашиб *«таъқиқ»*ни бузишгани, қасоскор Иблиснинг фитнаси туфайли азалий макондан чиқарилиши боис Одамнинг чеккан изтироблари, итоатга келиб мағфират қилиниши воқеалари Қуръони Карим сура ва оятлари, шунингдек ривоятлар орқали берилади. Бу киритмалар

¹ Улуғбек Ҳамдам. Исён ва итоат. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.

роман воқеаларидан мустақил тарзда ёндош ҳолда берилган. Лекин, асарнинг ғоявий-бадиий мақсадини очишда улар ниҳоятда кучли равишда уйғунлаштирилган.

Аслида «*Исён ва итоат*» замондошларимиз қисматини ифода этган роман. Бироқ У.Ҳамдам инсон зотининг кучли ва ожиз жиҳатларини хилма-хил нуқтаи назарларда акс эттиради. Айниқса, башариятнинг илк тарихи билан қиёсий таҳлил этишда илоҳий мазмундаги киритмалардан фойдаланиш ижобий натижалар берган. Одам зотининг тавба, англаш, ҳис этиш йўлини ўтиб итоатга келиши, ҳақ йўлдаги бандасининг ҳидоят қилиниши билан боғлиқ илоҳий-фалсафий фикрлар бирмунча хаяжонли ўй-мулоҳазалар орқали Акбар образи мисолида илгари сурилади. Проф. Санжар Содиков «*Исён ва итоат*» романига шахсга ижтимоий муносабатларнинг маҳсули деб қараш ибтидоий ақидасидан келиб чиқиб қиймат беришга уринади.¹ Ваҳоланки, романда кимсанинг кимсага тобелиги ва итоати ҳақида сўз бормайди. Аксинча, «*ижтимоий мезонлар*» қолипига сиғмайдиган инсон қалбининг нозик жилолари: феъл-атвори, руҳияти, кўнгил талпинишлари бадиий талқин этилади.

Демак, «*Исён ва итоат*» илм ва амалнинг теран ихлос асосига қурилиши лозимлиги, Оллоҳ билан руҳий мулоқотда бўлишдан келадиган кўнгилдаги фароғат, «*Олий Низом*»га итоат ҳақидаги фалсафий-психологик романдир. Бизнингча, «*Исён ва итоат*» романидаги бадиий-фалсафий хулосалар кўлами у қадар кенг ва салмоғи етарлича теран эмасдай туюлади. Ҳар иккала романни яхлит олиб кузатилсагина, ана шундай салмоқли кўламдорлик намоён бўлади. Бу фикрни тўла маънода адиб услубий изланишлари, хусусан, илоҳий мазмундаги киритмалардан фойдаланишдаги ўзига хослиги маъносида ҳам қўллаш мумкин.

¹ Содиков С. «Исённинг худуди борми... итоатнинг-чи?» // ЎзАС, 2004 йил. 12 ноябрь.

2.2. Характерлараро зидият ҳамда миллий ва умуминсоний муаммолар талқини.

У.Ҳамдамнинг “*Сабо ва Самандар*”¹ романидаги ўттиз йиллик хижронга сабр-бардош билан чидаб келаётган бош қахрамон Самандар нафақат ошиқ, балки шоир ва носир ҳам. Маълумки, “*Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам*” халқ достонида қул қилиб сотилган Ғариб ҳам “*созанда ва ошиқ*” эканлиги боис унинг нархи жайдари қулдан минг чандон ортиқ эди. Донишманд халқ “*хос қул*”нинг баҳосини фақат маъшуқа - Шоҳсанамгина кадрлай олишини гўзал поэтик идрок эта олганлиги кишини хайратга чулғайди. Ҳа, чин ошиқлар куй-мадҳиясида фақат ишқ тараннум этилажак. Англашиладики, Самандар ҳам муродга етмоққа қасд қилган азалий сойирлар сафида.

Хўш, Самандарнинг кўнгил нидоси не ва талпинган маъвоси қай манзил? Кўшиқларининг қахрамони ким? Юрагидан ситилиб оқаётган шаршара қай манзилга шошади? Сабо аталмиш маҳвашнинг тотли оғуши шунчаки ширин хаёлми ёки...? Наҳотки, ҳамон хаёл каби олис ўтмиш лаҳзалари соғинчи ичра яшаётган бу ошиқ интилган Ватан ҳам ишқнинг азалий маскани – ўлим бўлса. Унинг узун ҳаёт йўли, машаққатларга лиммо-лим умри шараф ва сурурга эшми?

Дарҳақиқат, Самандарнинг севгани рост. Бироқ у ҳам севилганми? Ўлимга тик боқаётган бу ошиқ ўлимни ўлдириб, мангуликка йўл солмоқ тилагида эмасми? Йўқ, “Самандар ўлмасликнинг йўлини қидираётган “*озодлик*” соғинган зот бўлмаганидек, ҳурлик орзусидаги “*исёнкор*” ҳам эмас”². Демак, У.Ҳамдам бугуннинг маърифати даражасида туриб, муҳаббат ва маҳбуба мадҳини куйлайди.

Шунинг учун ҳам муаллиф замондош китобхонни ўтган асрнинг 80-йилларида ўз ҳақ-ҳуқуқсизлиги боис айни кун муаммолари - тирикчилик ташвишлари билангина андармон яшашга маҳкум этилган дилкаш қишлоқ

1 Ҳамдамоа У. Сабо ва Самандар. Роман. Тошкент., “Мухаррир” нашриёти., 2009.

2 Ёқубов И.А. Бадий эстетик сўз сеҳри. Тошкент., “Фан ва технология”, 2011., Б. 291.

одамлари ночор турмушига олиб киради. Қора меҳнатдан косаси оқармаган эл, айнаи ўйнаб-куладиган ўспиринлик даврида рўзгор ташвишларига мубтало бўлган шўрлик ёшлар дардига ошно қилади. Ўзини ўтдан олиб, чўққа ургани боисгина шаҳарда таҳсил ола билган Самандар тақдири мисолида не-не истеъдодлар ўша эзувчи заҳмат исканжасида хароб бўлганлигига ҳам урғу берилади. Романда чор тарафга тарикдек сочилиб кетган раввотлик ҳамқишлоқлар: Самандар, Шердил ва уларнинг ота-оналари, қисман эса Ҳамид ва Азиза тақдири марказий ўринда туради. Умидли кўнглида куртак очиб, кулф урган муҳаббатини изҳор қилолмай, бир умр қалбида пинҳон асраган, ширин ўй-изтиробларидан воз кечмаган, кечолмаган Азиза ҳаё ва андиша маъбудаси сифатида китобхон ёдида қолади. Чунки Азиза қалбидаги мунис бир соғинч, маъюс бир ғусса китобхон туйғуларини мувозанатдан чиқаришга қодир. Таассуфки, Самандар қалбининг теран пучмоқларида Азизага ўрин йўқ эди.

Романда тасвирланган Нодир ва Нилуфар қиссасининг Сабо ва Самандарга нечоғлик дахли бор? Бизнингча, қалб амрини азиз, ишқни муқаддас деб билган бу икки дилнинг маҳзун достони ота-она истаги ва фарзандлар тилаги,- аталмиш биз қадрият деб сановчи, ўзбек романи Қодирийдан то ҳануз тафтиш этаётган тушунчаларга бориб тақалади. Романда ўлим-да бир-бирдан ажрата олмаган, тақдирга тик бориб қовушган бокира ошиқлар тақдири инсоннинг кўнгил тилаклари етовида яшашини тасдиқлайди. Қаҳрамонлар дилидаги асов ишқ ва некбин умидворлик уларни улуғвор пояларга юксалтириши жиҳатидан асар етакчи пафосини белгилаб беради.

Нилуфар келажагини яратиб бермоқчи бўлган Камол раҳбар азалий удумлар измида. У номус, қон софлиги, фарзандлар келажаги олдида масъуллик сезади. Камол раҳбар мантиғига кўра: Абдуғани ака нафақат камбағал ва содда деҳқон, балки “қорача”дан чиққан. Демак оқсуяк эмас. Ҳоким тўра ўзидек “хўжа”лар авлодидан. Боз устига, ҳоким билан куда бўлиш улкан иқтисодий имкониятлар эшигини ҳам очиши мумкин.

Бинобарин, Толибжон ва Нилуфарнинг бўлажак никоҳи ҳар жиҳатдан оқлашга арзигулик. Ахир оддий дехқон ўғли Нодир ҳаминқадар рўзғори билан келажакда қизига бундай тўқис ҳаётни ваъда этишини ҳаёлга сиғдириб бўлармиди. Шунинг учун ҳам, замон ва одамлар ўзгарганлигини тан олишни бу мантиққа сиғдириш душвор.

Демак, икки ёшнинг чорасиз қолиши ижтимоий ноҳақлик, ақидапарастларча жоҳилликда. Мусибатлар сабаби икки ёш кўнгилнинг дарди, ғам-ташвишларини менсимасликда. Ошиқ маъшукнинг ақл-хушдан бегонашуви покиза орзу-умидлар оёқости қилиниши, яшаш илинжи сўниши билан боғлиқ. Дарҳақиқат, умидсиз ишқ гирдобига тушган икки дил на ҳаёт қувончлари, на ширин жон ташвишини қилишади. Демак ёзувчи *характерлараро конфликтни етакчи қаҳрамонлар дарди-дунёсига тамомила қарама-қарши бўлган олам билан зиддият, яъни ижтимоий конфликт даражасига кўтара олади.* Ишқ фарёди ва зорлари, жудолик изтиробларини сатрларга муҳрлашга интилади. Дарҳақиқат, романда дастлаб мақсадсиз, умидсиз яшашни тиламаган, турмуш кўргуликларига қарши бир қадар заифона тарздаги исён намоён бўлади. Кейин эса ёзувчи уни икки ёшнинг оломонга, оломонлик оламига қарши исёни даражасига юксалтиришни уддалайди.

Аянчли севги қисасини мутолаа қилар экансиз, ўз манфаатларининг қули даражасида тубанлашган, қутурган, нобакор ва беномус оломон билан юзлашасиз. Севишган ғамли дилларнинг покиза туйғуларини англашга ожиз, тафаккурдан маҳрум, жоҳил ва ғазабнок оломонга қарши нафратингиз ортади. Беихтиёр, муаллиф сизга: Бу дунёда ҳар кимнинг ўз карвони, ўз йўли ва манзил-муддаоиси бор. Демакки, ўзганинг фикр-қарашини, кўнгил тилагини, кайфият-ҳолига душман назари билан қараш зинҳор мумкин эмас,-дея уқтираётганлигини ҳис этасиз, англайсиз. Гувиллаб оқаётган пўртанавор дарё ҳайбати, ютоққан асов тўлқинлар қудрати, сув оқимининг шиддати эмас, балки жазавага тушган оломон қалбидаги ҳиссизлик, фикрсизлик, бемехрлик қалбингизни тирнаганлигини туясиз. Оломон дарёси ва гувиллаётган чин

дарё оралиғида саросар кезиб, умид ва муҳаббатли кўзлари ёнган икки дилнинг нажоткори бўлишга шайланасиз. Ниҳоят, сиз: Исёнкор ошиқлар муҳаббатига чанг солган аслида жоҳил оломоннинг ботил эътиқодидир,- деган қарорга келасиз.

Висолга етмаган ошиқлар учун дунё нега қимматини йўқотди,- деган саволга ич-ичингиздан жавоб топасиз. Асов дарё уларни маҳв этдимикин ёхуд меҳрибон қучоғига олиб нажот бағишладимикин,- дея ўйлаб қоласиз. Нега улар ўзларини қутқаришга заррача ҳаракат қилмай, меҳрибон оқим ихтиёрига топширишди. Омонат жон нега кўзларига кўринмади. Нега бир-бирларининг қучоқларида фарқ бўлаётиб кечинилган масъуд лаҳзаларда бу икки бош бу қадар мағрур кўринди. Чунки, севишганлар ҳатто дарё бағрида ҳам бахтдан сармаст бўла билдилар.

Ҳа, Нодир ва Нилуфар муҳаббатлари қиссаси ширин ва қайғули эртаққа, мунглиғ ва дилрабо дostonга менгзайди. Бу афсонавий ошиқлар севгисига бўйлашадиган муҳаббат бормикин. Романда тасвирланган параллел тақдирлар - Сабо ва Самандар муҳаббати орқали бу саволингизга жавоб топасиз.

Кўкрагида ишқ туйғуси мавж урган, миясида муҳаббат ғалаён қилган, қон-қонида ишқ исён кўтарган ошиқ Самандар шунчаки шеър ўқимайди, балки эмранади. Йиллар давомида миясида чарх урган *“мисраларни лаблари билан аллалайди.”* (роман, 3-бет) Унинг ичи ишқ олови тафтидан қуяди. Шиддатли дард изтироби эса бағрини ёндиради. Жавобсиз нолаю афғонлар бўзлашга дўниб, ҳаёт чорловига айланади. Машуқа хаёли билан бўлиб, турланишга мойил замон ва алдамчи ҳислар-ла қовушишга иштиёқманд оломондан ажралган ошиқ маконсизликдан қийналади. Илло, кўнглида ишқ дарди чайқалган ҳижронзада сойирнинг ҳис қилгани, ўйлагани, ўнгию туши фақат ва фақат ишқдан иборат. Ошиқ ишқсиз тирикликда мазмун ҳам, моҳият ҳам, инсонийликдан ифтихор ҳам кўрмайди. Токи юрагида ўша ширин хаёл мавжланар экан, барча моддий неъматлар абас туюлади. Алдамчи ҳислардан тийилиб, ўзини саодатманд сезади. Дардларининг қули

бўлмиш бу кимса ўша “дардисар” малҳамига эҳтиёжманд. Зотан, ягона маъвога талпиниб, ўзаро бир-бирларини англаш чин ошиқлар аъмоли. Шу боис унинг наздида муҳаббатсиз дунё ғоятда дағал, яланғоч ва мазмунсиз. Бинобарин, муҳаббат ёруғ оламга келиш ва кетишнинг энг муҳим шарти, ардоқланишга лойиқ қадриятдир.

Роман воқеалари баҳор тасвири билан бошланиб, куз манзаралари билан тугайди. У.Ҳамдам баҳорий мусаффоликда “энди тетапоя қилиб, тили чиқаётган боладек ширин, масъум”ликни кўради. (роман, 9-бет) Роман қаҳрамони Самандар муҳаббатни дағал дунёдан юлиб олиб юрагига бекитган. Шу боис унинг маъшуқаси яратилганларнинг барчасида жилваланади. Самандар шафқатсиз турмуш ва оқибатсиз дўстлардан озурда бўлган кезларида табиат бағридан нажот ахтаради ва юрагини унга очади - юкунади. Соҳир борликдан инган бир қатим нур унинг руҳига таскин, ҳаракатларига таҳрир, ҳар бир кунига мазмун бағишлайди. Ёзувчи таҳайюл кенгликларидан тинглаган ва туйган гоҳ маҳзун, гоҳ ширин ва гоҳида тахир наволарга бурканган соҳир қалбининг кўнгил нидоси бўлмиш ушбу дил достонини сизу бизга илинади. Севиш ва севилиш, ҳар бир нафасини покиза туйғулар шодасига буркаш билан ҳазрати инсон мубораклик касб этади,- деб билади. Бинобарин, сизу бизни майда ва арзимас юмушлардан юксалтирмақ, энтиктиргувчи маъволар лаззатидан огоҳ этмоқ, дилимизга бир қатим нур индирмоқ тилагида қалам суради. Ўтли ҳарорат-ла кечинилган туйғулар самимиятига йўғрилган ушбу роман назмдек кўнгилга туғён сола билади.

Ишқ дардини қисмат деб билган ва ҳуснда замона офати ҳамда нозик кўнгил соҳибаси бўлмиш Сабо муҳаббати йўлида девоналик сифатидан ор қилмаган Самандар - чин ошиқ. Роман қаҳрамонларининг дард ва ўртанишлари, оху фиғонлари, маъсуд дамларда ишғол этган юксак поялари, асарнинг тилига хос жозиба бир томондан, уни классик достонларга яқинлаштиради, айни пайтда улардан ажратиб ҳам туради. Чунки, У.Ҳамдам “Лайли ва Мажнун” туркум достонлари замонавий типини яратиш мақсадини кўзламайди. Аксинча, ханузгача олам саҳифасида бўлмаган ва

маънавий-рухий нафосати билан замондошимиз ақлини лол қолдиргувчи, хослар қалбига яқин муҳаббат алқовини яратиш тилагида кўлига қалам олади. Қалбида яратиш иштиёқи билан ёнган муаллиф ўз юрак қонидан бўлган азиз ўқувчиси (*хос китобхон*) кулоғига шивирлайди.

Хўш, то хануз адабиётшуносларнинг бирлари тан олиб, иккинчи бирлари инкор этаётган хос китобхон сифатлари нималарда кўринади. Бизнингча, биринчидан, ушбу романда ифодасини топган муҳаббат аталмиш олий неъматнинг сирли-сеҳрли баҳри кенглиklarини тасаввур ва таҳайюл кудрати-ла қамраб олишда. Иккинчидан, ишқ гулхани оташи тафтини ҳис қила билишда. Учинчидан, висол, хижрон ва айрилиқ шевалари кучоғида дунё хавасидан кечиш мумкинлигига имон келтиришда. Анашу айтилган фазилат-хислатларга эга бўлган ўқувчигина У.Ҳамдам шивирлари бағридаги ларзакор кудрат залворини англай олади. Ўтли нолаю оҳларини ҳис этади. Бинобарин, роман воқелигининг туб моҳиятида акс этган улкан туйғулар уни ҳам “*кичик одам*”ликдан маънавий-маърифий жиҳатдан юксалтиради ва дидини ингичкалаштиради.

Нега Сабо ва Самандар қалби ишққа мойил бўлди ва у айнан шу икки юракдан жой олди. Назаримизда, башарий қатрадан униши лозим бўлган ишққа айнан ўша кибрдан йироқ - “*ўзга олам кишилари*”нинг пок манзил (*қалб*) лари ва сабр-бардошли мижозлари керак эди. Жунунваш ўтда ёнган бу икки дил амаллари эндиликда юрак амри ихтиёрида. Биз ўрганган ақидага кўра, уларга на мансаб-мавқе, на зеб-зийнатли ҳаёт, на йўқчилик тўсиқ бўла олмаслиги лозим эди. Бироқ романда севишганлар айрилиғига айнан моддий тафовутлар сабаб бўлади. Ҳа, дардманд ва мискин қаҳрамонларимизнинг ғам-фироқ ўтида ўртанишлари, мубталоликда нола-фигон чекишлари, чорасизликни чора деб билишлари бир жиҳатдан ўша оилалар ўртасидаги иқтисодий фарқланишга ҳам бориб тақалади.

Ахир, ота-она орзусига бош эгган Сабо кўнгил кўрғонинини ишқ забт этмаганмиди. Нега у Толибжонни тиламай Нодирга талпинган Нилуфар каби жондан кечиб, муҳаббатини ҳимоя қилмади. Ёки мубталолик дардини ичига

яширган қиз муҳаббати арғувоний уфқлардан қаро ерга қулаганмиди. Ахир у ҳам ўзининг одам эканлиги, унда ҳам кўнгил борлигини пеш қилиши мумкин эмасмиди. Нега у бир умр кўнгилсиз киши билан яшашдек дўзах азобини ўзига раво кўрди. Эҳтимол, у ҳам йиғлаб-сиқтаб азалий удумларимизга кўниб кетаверадиган жўн қизлардан бири бўлгандир. Сабонинг кўнгил кишиси экани қаерда намоён бўлади. У томирларида оққан азим дарёни жиловлаш, юрагидаги саркаш кучни бўйсундириш кудратини қаердан олди. Ноҳақлик мусибати залворига ожиз елкаларини тутган Сабони моддий тўқислик дунёдаги энг бахтли аёлга айлантира олдим. Умуман, у бутун орзу умидларини қурбонликка тикканини англаб етганмиди. Қисмат палахмонига тош бўлишга ризолик уни не кўргуликлар саҳросига итқитди. Сабо хувиллаган вужуд билан тақдирга аччиқма-аччиқ яшаш учун қаердан куч топди. Сабр ва бардош унинг дардларига малҳам бўла олдим. У ҳол кишиси сифатида синовлардан қандай ўтди. Қаҳрамонимиз пурмаъно ҳикматлар мағзини чақиб, уларга риоя этиб яшайвердим? Ахир у бир умр ўзини идора қилишга қурб топа олдику. Ундай бўлса, Сабо амаллари ақл бошқарувидами ёхуд кўнгил тилаклари етовида. Чин ошиқлар ақли ўрнида ҳам ишқ олови гуриллаб, ўз ҳарорати-ла эгасининг жизғанагини чиқариб юбормайдими. Моддий оламни танлаган Сабо қандай қилиб ўзлигидан кечиб, ишққа борлигини бахшида эта олди экан. Ахир у севган дард, у йўлиққан хасталик фақат ва фақат ишқ эмасмиди?

Лайлисаро Сабо жимгина куйишлари, сукут сақлаб севишлари билан дилпора маъшуқа эди. Айнан шу жиҳати билан у зинҳор ва зинҳор Низомий, Деҳлавий, Жомий ва Навоийлар олқишлаган Лайлидан жиндай пастрок пояни ишғол қилмагай ва қилолмагай. Ажабки, шу ҳолида ҳам Сабо ҳайратланиш, севишиш ва ҳатто қулишга-да имкон, жой, ҳатто сабаб ҳам топа олди. Демак, ҳамиша ҳам олам унинг кўзига тор ва фалак зулмкор бўлиб туюлмади. Қизик, қаҳрамонимиз озурда қалбига роҳат бағишлаган куч нима эди. Бу мобориз йўлчининг мудом талпинишдан тўхтамаган нолон қалбига покиза туйғуларни қай ёмғирлар сачратди экан. Сабони муҳаббатда

умидлантириб, эътиқодда собит этиб, дунё қийматини Самандарда кўришдек чўнг куч қаердан келди. Бу рух жавҳари ва ички розлар маҳрами бўлмиш СЎЗ эмасмиди. Ҳа, У.Ҳамдам устозлар базмида тотган бир парча насиба, у не азоблар билан бунёд этган мухташам қасрнинг ҳар ғишти, адабиёт аталмиш гўшадан топган ганжинаси, у сайр этган гулзорнинг ҳар бир гиёҳи ҳароратли ва мулоҳазакор СЎЗдир.

Дарҳақиқат, СЎЗ қудратигина жонсиз вужуд билан яшашга маҳкумлиқни танлаган мазлума қалбига инган қатра нур қудратини дарахтнинг титроқ барглари янглиғ байроқ қилиб кўтара олди. Озурда дилларнинг мадорсиз вужудларига лаҳзалик хуррамлик нашъасини олиб кирди. Сизу бизни олами кабирда улардан бахтли ва айни пайтда, улардан-да бебахт севишганлар йўқлигига имон келтирмоқ, оқибатдан сабабни ахтармоққа ноил этди.

Шу СЎЗ ҚУДРАТИ ботил эътиқодли, сувда чўкмас, ўтда куймас, кутурган ва суллоҳ оломон жирканч аъмоллари устидан “*юраксиз ва ақлсиз махлуқ*” деган қатъий ҳукм чиқарди. Совуқ ҳисоб-китоблар кули бўлган, инсоний ҳис-туйғудан йироқ манфур табиатли кимсаларга тавқи лаънат тошларини отди. Эҳтимол, не-не кўнгиллардаги муз тоғларини эритди. Моддиятнинг ишққа ғов ва дом бўлишидан огоҳ этди. Севишган диллар ягона борлиқ ва уларнинг кутли дамлари ғанимат, комронлик онлари табаррук эканлигидан онгу шууримизга хабар, руҳиятимизга илиқ тафт берди. Ўнлаб дилларда ушбу мунг ва дилрабо куйлар қоришиқлигидан яралган ажиб симфония оҳангларига бўйлашиш, яъни қойиллатиб севиш мумкинлигига ишончни мустаҳкамлади. Назаримизда, романнинг муваффақияти У.Ҳамдам аталмиш феномен алоҳида одам шу қадар кашф этилмаган хилқатки, у бани инсон боласи тўплаган жамийки ҳикматлар шодасини-да чиппақка чиқариб, мутлақо ўзига хос ва ўзига мос тарзда яшайвериши мумкинлигини кўрсата олди. Муаллиф жаҳоншуъмул ўзгаришлар даврига кирган инсон боласи ҳақидаги бор ҳақиқатни ифода этишда лирик-романтик ва рамзий мажозийликни уйғунлаштириш

тамойилига амал қилди.

Шу боис ҳам ёзувчи пировардида асл тилаги - Сабо ва Самандар ишк достонига диққат қаратади. Самандар ўқишни тугатиб, университетда ўқитувчилик қиляпти. Аллақачон уйланиб, бола-чақалик бўладиган ёшдаги бу йигит ҳаётини қисматнинг ажабтовур ўйинлари чирпирак қилиб юборади. Ўз талабаси Сабони учратгач, кўнглида сабо шиддатидек туғён мавжланади. Жони шавқ ўтида ёниб, руҳи изтироб алангасида коврилади. Қиз жамолига боқмоқ тилаган кўнглида ўт ловуллаб, вужуд хирманига оташ пуркайди. Йигит қиздан ўзга борликни фаҳмлаш қудратидан мосуво ва ихтиёрсиз ҳолга тушади. Юрагига билдирмасдан кириб олган муҳаббатнинг ширин оғриқ ва изтироблари таъсирида олам янги-янги маънолари билан жилвалана бошлайди. Самандар ўз кўнглини ўғирлаган малакдан уни қайтиб ололмай қийналади. Ихтиёрсиз тарзда унинг қошига ошиқади. Қизни кўрмоқ ва овозини эшитмоққа талпинади. Бошқачароқ айтганда, Самандар ботинида илгари туюлмаган, аллақандай тушуниксиз бир ўзгариш - ўзига хос инқилоб содир бўлади. Натижада, унда яшаш иштиёқи ортиб, ўзини онадан қайта туғилгандай ҳис қила бошлайди. *“Ҳайҳот, бу қандай туйғуки, бутун дунёни тўплаб келтириб икки кишининг оёқлари остига ташлади!.. Ҳайҳот, бу қандай дунёки, шу тобда йигит ва қизнинг нигоҳлари учрашиб пайдо қилган оламга безакликка ҳам ярамайди...”* (роман, 109-бет) Дарҳақиқат, олам ичра юз очган ўзга олам Сабо аталмиш малак борлиғидан нур олиб, зиёга чулғанган мунаввар ва сержило маскан эди. Кўринадики, роман адабиётнинг энг кўҳна ва энг ўтли мавзуси бўлган муҳаббатнинг ўзга диллардаги янги мавжлари мадҳига бағишланган.

Бошларига ёққан саодат ёмғиридан баҳра олган икки дил бахтдан қанот боғлаб кўкка учмоққа шай. Зотан, севиш – бир олам, севилиш эса - икки олам бахт. Севгингни кўз ва сўзлар ила изҳор айлаш ўзига хос саодат. Ошиқ нигоҳлари қиличидан вужудинг тигланиши баробарида, руҳий борлигинг юксалиши тақдир инъоми. Унинг ширин гуфторидан учган изҳори дил номаларидан қулоқларинг эркаланиши – севилишингни эшитиш бошқа бир

саодат. Шунинг учун ҳам, ишқ тўфони ботин кемасини фарқ этишга қасд этган онларда, кўринмас ришталар билан боғланган кўнгилларнинг шиддат билан олға талпиниш бахтига мушарраф бўлишгани билан боғлиқ сатрларни коралаётган муаллиф ҳам беихтиёр: *“Вой, Худойжоним-эй, сен инсон боласини севги учун, севиш учун яратган экансан... Ҳайҳот, дунёда, бизнинг дунёда бундан ортиқ бахт бўлса, айтинглар, токи мен...ёзгучи, бу ерда умримни беҳудага сарф қилмай, шошиб ўша иқболнинг қошига чопай, унга термулай, уни алқай, кўкларга кўтарай”* (роман, 111-112 бетлар) кабилидаги эътирофдан лангар яшашга мажбурият сезади. Ҳа, адиб Яратганнинг одамзодга раво кўрган ягона ва тенги йўқ муруввати – муҳаббат пойида мусалламлик мақомида туради.

Биз кўпинча романда наср ва назм мутаносиб бўлиши керак деймиз. Орий рост. Афсуски, аксар ҳолларда мазкур эътирофда миқдор масаласи назарда тутилади. Бироқ *“Сабо ва Самандар”* да бир қадар ўзгачароқ ҳолат ҳам бўй кўрсатади. Ишқ аталмиш ўтли туйғудан юраги куйган адиб баъзан соҳир фироқнома қаҳрамонлари кўнгил ҳоллари, назар ишига мағлуб икки қалб туб-тубида милтиллаб турган улкан ҳамда улуғвор муҳаббат, муқаррар фожиадан дарак бергучи титроқ туйғулар дардчил баённи наср шодаси-ла ифодалашга ожиз қолади. Худди шундай кезларда У.Ҳамдам иқтидорининг шоирлик сифати ёрдамга келади.

Демокчимизки, романдаги назмий узиндилар мутаносибликни таъминлаш ниятида шунчаки келтирилган эмас. Зотан улар шоир тўлиққан юрагидан такмил топиб, ташқарига фаввора янглиғ отилиб чиққан оҳ, шеър шаклидаги фиғонлар. Илло, унда аксланмиш дард насрий баёнга қўшилиб-сингиб, ишқ тасвири ҳароратини янада юксалтиради. Шунинг учун ҳам улар ишқ номига жўмардларча ичилган қасам, унинг шарафига кўтарилган рангин ва аччиқ шароб мақомини касб этиб, ифода таъсирчанлигини янада орттириш, китобхон қалбига таскинлик туйғусини индиришга хизмат қилади. Бинобарин, ўша парчаларсиз роман моҳияти тўла очилмайди.

Таъкидлаш ўринлики, муҳаббат ва маҳбуба мадҳи бугуннинг маърифати

даражасидан куйланганлигигина “*Сабо ва Самандар*” романи моҳиятини тўла очмайди. Зотан асарда асримизнинг қатор долзарб муаммоларига ҳам поэтик муносабат билдирилган. Маълумки, XXI аср инсоният тарихига технология ва ахборотлар, шунингдек цивилизациялараро мулоқот асри сифатида кириб келди. Шубҳасиз, бу жараён ижтимоий тараққиётга улкан таъсир кўрсатди. Аммо у маънавият соҳасида бир қатор салбий оқибатларнинг юзага чиқишига ҳам омил бўлди. Жумладан, ақлий ҳамда ҳиссий дунё ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши яъни одамлараро мулоқот ва ҳиссийётлар оламига нисбатан технократик ёндошув жараёни жамоавийликни кадрловчи халқимиз табиатига ўзаро меҳр-мурувват ришталарининг камёблашуви иллатини ҳам олиб кирди.

Дарҳақиқат, бугун роман жанрида қалам тебратаётган адиблар ўтган асрда миллий романчилигимиз кўп эътибор қаратган инсоннинг ижтимоий моҳиятига. ўзгача ракурслардан ёндошишмоқда. Шубҳасиз, улар ҳам цивилизациянинг инсон ҳаётидаги ролдан кўз юмишаётгани йўқ. Илло, минг йиллар давомида мисқоллаб тўпланган цивилизация неъматларини назардан қочириш мумкин эмас. Аммо даврнинг ўзи замондош ижодкорлар қаршисига ўша “*кўп*” асарлардан қанчаси “*хўп*”лик мақомига юксала билди,- деган саволни кўндаланг қўйди. Чунки кейинги юз йилликда урбанизация даражасининг мислсиз ўсиши, демография муаммолари етарлича ҳал этилмаслиги, шунингдек инсон ақли сўнгги замонадан бино бўлган “*мўъжиза*” – нанотехникалар “*янги замон одами*”ни ўзлиги, ўз қалбидан, қолаверса оила ва дўст-ёрларига меҳр ришталари, қадимий қадриятларидан ажратиб қўяётганлиги – одам қадрли пасайиб кетиши ижод аҳлини ташвишга сола бошлади. Шунинг учун ҳам ёзувчилар шиддат билан олға интилаётган давр ва замонга инсон моҳиятининг намоён бўлишидан ўсиб чиққан ҳосила деб қарай бошлашди. Одам боласи табиатининг замонавий тараққиёт эврилишлари билан доим ҳам уйғунлашиб кетавермайдиган жиҳатлари, унинг шовқин-суронлари остида кўмилиб кетиш эҳтимоли кучайган нозик туйғулар – кўнгил ҳаёти ва азалий қадриятларга диққат қаратишди.

Роман қахрамонларидан бири “*келажак одами*” бўлмиш Шердил инсоният истиқболини совуқ ва сермулоҳаза ақл ғалабаларида кўрар экан, ҳар қандай ҳис-туйғуни ожизлик аломати сифатида тушунади. Уларни нафақат кераксиз, ҳатто куруқ сафсата деб билади. Шердилнинг мантиғига кўра, кўнгилдаги туйғулар, хусусан меҳр-муҳаббат аниқ фойда келтирмайди. Улар билан қоринни бутлаш ҳам имконсиз. Баски, севишганлар дилидаги висол ҳаёли - ягона дунёқараш, муҳаббат - чин инсон бўлишнинг асоси, тириклик маъноси ва ҳаёт жавҳари эканлиги ҳақидаги гаплар бемаъни алжирашдан ўзга нарса эмас. Чунки севги деган сўз - уйдирма ва хомхаёл. У фақат чўпчаклардагина бор. Реал ҳаётда эса мутлақо йўқ. Ишқий асарлар қахрамонлари бир-бирларига етолмай завол топиши севги инсонни толесиз кимсага айлантириши, ҳаёт ва соғлиқ кушандаси эканлигига кафолатдир. Эркагу аёл зотининг бир-бирига интилиши эса, насл қолдириш билан боғлиқ табиий зарурат ва жинсий майл туфайлидандир. Келажакда нафақат ўша майлларни лептоплар орқали бошқаришга эришиш, балки насл муаммосини ҳам ҳал этиш мумкин. Демак, бу даққионусдан қолган чирик ҳис-туйғуни юраклардан ҳайдаб чиқариб, унинг ўрнини соғлом дунёвий ва сиёсий қарашлар билан тўлдирмоқ лозим.

Зоҳиран қаралса, Шердилнинг одам боласи бажараётган ишларни мўъжаз техникалар зиммасига юклаш нияти эзгуликдан холи эмасдай туюлади. Аммо, инсоният тарихида янги эра очишни тилаган қахрамон ҳатто Яратувчини ҳам инкор этади. Унинг ўзи Худо бўлиб, куллари – роботларини яратиш иштиёқи билан ёнади. Яқин келажакда одамлар маъбуд, роботлар эса одамларга эврилишига қатъий ишонади. Шунинг учун Самандар отлиғ робот бунёд этиб, ўз амалидан руҳий лаззат олади. Кези келганда айтиш лозимки, У.Ҳамдам ота дуоибадига учраган Шердил тақдирини роман ниҳиясида тавба тазарруга олиб келишда бир қадар сунъийликка ҳам йўл қўйган. Дуоибаднинг чин кучини кўрсата олмаган.

Сабони Саидкамол ака ва Гулчеҳра опаларнинг ҳаёт тажрибаси, ақлу дониши, мулку сарватлар бахтли қилолмайди. Чунки улар севимли қизлари

кўлидан тақдир эшикларини очувчи кўнгил калитини тортиб олиб, ўрнига машина очқичини тақдим қилишган эди. Афсуски, бу билан Сабо елкасига ботмон-ботмон ғамлар юкини ортишга қасд қилишганини англаб етишмайди. Аниқроғи, улар оила моддий тўқислигини ўйлаб, онгли тарзда ўз қизларини тубсиз жарга қулатишади. Сабо эса падари бузрукворини ложарам ҳолатдан чиқариш, унинг эркаклик шаънини ҳимоя қилиш йўлида ўз жони ва номусини қурбонликка беришни ихтиёр этади. Тақдирнинг кўли баланд келиб, кўхна чарх ғилдираги ўз маромида айланишига изн берган Сабо бунинг эвазига бир умр ички дўзах оловида ўртанишини ҳам билар эди.

Дарҳақиқат, жисмини нобуд этса-да, роман сўнгигача ўз кўнгли – бокира туйғуларига хиёнат қилмаган бу Шарқ қизи жасорати китобхонни ларзага солади. Илло, ўзбек қизининг шахсий турмушидан оилани муқаддас санаши - соф миллий туйғу. Сабони улуғловчи сифатлар сирасига унинг иложсизликдаги қудратини ҳам киритиш адолатдан бўлар эди. Чунки ўзиники, айна пайтда ўзиники бўлмаган йигит билан боғлиқ барча истакларини юракка яширган бу соҳибжамол ўша орзуларидан зинҳор воз кечмаганидек, на эри, на фарзандларига иснод келтирувчи амаллардан-да тийила олади. Айтиш мумкинки, Сабо учун асл ҳаёт фарзанду оила давраси эмас. Балки руҳ ҳаёти, ҳис қилиш саодати эди. Шу боис ҳам романда ошиқ-машуқлар чин ҳаёти ҳаёл, тасаввур, туш ва ёлғизлик кунжида ўтади. Ботиний ва зоҳирий олам ўртасидаги аёвсиз курашда лаҳза тин олмай, озурда бўлган қалблар айрилиқ ва ҳижрон санжобида пажмурда бўлишади.

Романда борлиғини ўзига назр қилаётган қизчаси қудрати қошида оила сарвари бўлмиш отанинг қарздорлик ҳиссини туюши, “*эррайим бой*”га берган лафзни бузишга етмаган журъати мисолида кўрсатилади. Аслида, Саидкамол аканинг лаҳзалик хижолатпазлиги унинг моддиятга бўлган интилишларини жиловлай олиш даражасидаги қудратга эга эмасди. Анашу каби жиҳатлар асарда мутлақо ҳаётий ифодасини топган.

Кўринадикки, “*Сабо ва Самандар*” романида олий мақсад ва эзгу туйғулар оғушида яшаётган Сабо ва Самандар ўз-ўзини алдаб, ёлғонларга

ишониб яшашни мақсадсизлик деб биладилар. Қанчалик улуғвор бўлишига карамасдан, ота-она муҳаббати, эр ёки хотин, дўст ёхуд яқин дугоналар эътибори ва ҳатто фарзандлар муҳаббати ҳам бемақсад умрга нур олиб кира олмайди. Кундалик ҳаётда ижтимоий муҳит туғдирган ҳалокат тобора муқаррарлаша боради. Ҳаётларида маъно-мазмун топмаган, реал воқеликдан кўра ўз қалби буюргани, кўнгли тилаганини афзал санаган, хижрон азобларида беҳад қийналган қаҳрамонлар жамиятга бегоналик туйғусини сезишади. Уларнинг кўнгли ҳис туйғуларга лиммо-лим, қалби висолга ташна, муҳаббат эҳтирослари эса оламга татиғулик. Айнан ўша туйғу-интилишларнинг ўз зидди билан қиёсий йўсинда ифода этилиши романга ўзига хос мазмун ва оҳанг бағишлайди. Роман лейтмотивида инсон кўнгли ҳамиша меҳрга ташна, муҳаббат соғинчию кўнгил талпинишларидан улуғроқ кадрият йўқ,-деган фикр ётади.

Бинобарин, бугунги ўзбек романи эркин ва фаровон ҳаёт йўли юксак маънавият орқали кечишини таҳлилу талқин қилмоқда. Илло маънавиятли адибгина миллатимиз вакили сифатида нафақат ахлоқий масъулиятни чуқур ҳис қилади, балки глобал жараёнларни мулоҳазакорлик ва тафаккур қудрати билан таҳлил ҳам қила олади. Ўз эркинлигини Шарқона ахлоқ, урф-одатларимиз, дину диёнат, иймон-эътиқодимиздан келиб чиқувчи оила, маҳалла, давлат ва жамиятнинг ўзаро уйғунлиги асосида рўёбга чиқаради.

Жалолоддин Румий ва Алишер Навоий меросидан руҳий қувват олган У.Ҳамдам кибр-манманликка берилиш туфайли инсон кўнгли, сиғинган ақидаларига нисбатан адолатсиз муносабатда бўлишни зулм ва зўрлик деб биледи. Ўз-ўзини бетиним тафтиш этиб, изланиб-ўртанадиган, руҳияти мусаффо қаҳрамонларнинг реал ҳаётга сиғмаслиги ҳақидаги тасаввуфий маъноларни замондошимиз қиёфасига кўчиришга уринади. Бу эса роман тағматни моҳиятига рамзий-мажозийликни олиб киради. Ёзувчи қаҳрамонлар мақсад-муддаолари, қалб кечинмалари, руҳият манзараларига хос “мен”ликни тимсоллар тилида ифода этади.

УЧИНЧИ БОБ

УЛУҒБЕК ҲАМДАМ РОМАНЛАРИДА БАДИИЙ КОНЦЕПЦИЯ ҲАМДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МУАММОЛАР

3.1. Миллий ва умуминсоний муаммолар талқини ҳамда илоҳий тушунчаларнинг поэтик функциялари.

Бадиий ижоднинг муҳим назарий масалаларидан бири асар композициясидир. Академик М.Қўшжонов композицияни шундай таърифлайди: «Композиция асарда ижодкор диққат марказининг яққоллиги, бадиий ғоянинг аниқлиги, шунга нисбатан асардаги катта ва кичик қисмлар ҳамда образларнинг жой-жойига қўйилиши ва уларнинг тасвир меъёри ва мақсадга мувофиқлигидир».¹

Қадим замонлардан бери «...ҳар бир нарсанинг ҳажми унинг моҳияти билан белгиланади»,²-дея эътироф этилади. Асар воқеалари мантикий жиҳатдан узвий боғлансагина яхлит силсилани ташкил этади. Асарнинг барча қисмлари ягона ва аниқ нуқтага марказлаштириб муносиб равишда жойлаштирилса мақсад равшанлашади. Зеро, тасвирланаётган воқеалар динамикаси, санъаткорнинг улар мағзини чақиши билан белгиланади.

Ҳозирги ўзбек романларини кузатар эканмиз, унда жанр имкониятларининг анча кенгайганлиги намоён бўлади. Бу ҳол биринчи навбатда истиқлол даври берган имконлар туфайли турғун акидалардан кутулишга интилиш кучайгани, муҳит билан алоқаси узилган шахс тақдирига эътибор ортгани, жанрнинг ички ва ташқи воситалари аро уйғунлик ҳамда мувофиқлик (гармония- Д.Х.) ни сақлаган ҳолда воқеа-ҳодисаларни эстетик яқунлашни эмас, унинг ҳаётийлигини муҳим деб санаш кучайгани билан белгиланади.

Бугунги роман турли жанрларда ўз табиатига мос келадиган жиҳатларни синтез қилиш орқали ҳаётий материални ўзлаштириш ва тасвир, талқин имкониятларини кенгайтириш орқали ҳам ривож топмоқда.

1 Қўшжонов М. Асар композицияси. Адабиёт назарияси. Икки томлик, 1-том. –Тошкент: Фан, 1978. –265 б.
2 Аристотель. Поэтика. –М.: 1961. –63 ст.

Бинобарин, муайян асар ёхуд ёзувчи услуби ҳақида сўз кетар экан, унинг роман ички қурилишини уюштириши масаласига индивидуал ёндашиш зарур.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов: «Маърифат йўлида одамларнинг қалбига чуқур кириб бориш орқали уларда эзгу интилишлар, орзу-умидлар уйғотиш мумкин»,¹ - деган эди. Бу фикрлар муайян маънода бадиий адабиёт ва адабиётшуносликка ҳам дахлдордир. Бу фикр тасдиғини Шарқ, хусусан, Ислом фалсафаси, инсон маърифати ва маънавияти, бурч ҳамда масъулияти ҳақидаги қарашларини теран талқин қилган Улуғбек Ҳамдамнинг «Мувозанат»² романи мисолида ҳам кузатиш мумкин. Ёзувчининг ўзи бугунги ўзбек романлари ҳақида тўхталар экан: «... роман мавзуи, тасвирлаш принципи қандай бўлишидан қатъий назар, у энг юксак, энг бугунги, энг замонавий.. даражадан туриб ёритилган бўлиши лозим... ёзувчининг ижодкорлик даражаси ҳам унинг руҳий ҳаётга нечоғли алоқадорлиги, қобиллиги билан ўлчанади,»³ - деб ёзади. Муаллиф роман материалининг, айниқса, асар ёзилиш жараёнида ижодкор руҳиятига ҳамоҳанг бўлиши, унда «руҳий машғулот»га табиий мойиллик бўлиши зарур деб билади.

У.Ҳамдамов фикрича, санъат ва бадиий диддаги янгиланишлар ҳозирча яхлит бир йўналишни ташкил этганича йўқ. Чунки инсоннинг ижтимоий ва руҳий ҳолатида мувозанат етарлича таъминланмаган. Чинакам бадиий дурдоналар эса кўнгил фаоллашган, руҳий ҳаёт баланд мақом касб этган даврларда яратилади.

Бизнингча, «Мувозанат» романи У.Ҳамдамовнинг ана шундай масъулиятни теран англаши, роман масаллиғини кўнгил мулкида тоблаши туфайли ҳам муваффақият қозона олди. Проф. У.Норматов ҳақли эътироф этганидай: «Ҳаёт ҳодисаларига, инсон шахси, маънавияти, тақдирига кутилмаган янги томондан ёндашуви, янгича ифода йўллари кидириши» жиҳатидан носир китобхон қалбига теран кириб бора олди. Мазкур роман

1 Каримов И.А. Буюк алломага эҳтиром. // «ЎзАС», 2003 йил, 28 ноябр, №48 (3724).

2 Ҳамдамов У. Мувозанат. // «Жаҳон адабиёти», 2002 йил, №5-6.

3 Ҳамдамов У. Ижтимоий фаоллик даври. // «ЎзАС», 2003 йил, 22 август, №34.

миллий адабий анъанага асосланиб яратилганлигини эътироф этиб, унга катта қизиқиш ва қониқиш билан қараган П.Қодиров: «Шахсан мен «Мувозанат»ни сўнгги ўн йилда чиққан ўзбек романларининг энг яхшилиридан бири деб ҳисоблайман»,¹ -дея таъкидлайди.

Шубҳасиз, бугунги бадий дунёнинг бутун ранг-баранглигини кўра билмоқ учун янгича нигоҳ лозим. Истиклол даври адабиётшунослигининг вазибалари ҳақида сўзлар экан, О.Шарафиддинов: «Бизга ўзининг юксак савияси билан халқни ортидан эргаштира оладиган, унда юксак сифатлар ва фазилатлар шаклланишига йўл очадиган, ўзини теранроқ танишга, бу борада юксакликка кўтарилишга ва бутун ҳаётини шу юксаклик ўлчамлари билан қайта кўриб чиқишга сафарбар қиладиган адабиётшунослик керак»,² деб ёзади.

Англашиладики, глобаллашув даври ижтимоий-адабий суръатига ҳамқадам бўлмоқ шунга мувофиқ кайфиятнинггина эмас, шунга мувофиқ ижтимоий-тарихий, адабий-бадий тафаккурни ҳам талаб этади. Чунки ҳар бир давр адабиёти аввалгиларига ўхшамайдиган кайфиятнинггина эмас, талабларни ҳам акс эттиради. Шу жиҳатдан қараганда, «Мувозанат» романининг ҳикоя усули ўқувчига яқин ва тушуниш нисбатан осонроқ кечади. У.Ҳамдамовнинг талқин қилишича, мувозанат даставвал инсоннинг ботинида бўлиши, зоҳирдаги жамият мувозанати унга ҳамоҳанг келишининг асосий мезони маърифатдир. Ташқи ҳаёт инсоний фожиа ёхуд камолотга сезиларли таъсир қилганидек, ботиний оламида мувозанатни сақлай олмаган инсон зоҳирий дунёда ҳам мўрт бўлади. Бошқачароқ айтганда уйғунликни таъминлай олмайди, мувозанатини йўқотади. Ана шундай жиҳатларни назарда тутган олим Й.Солижонов роман ҳақида тўхталиб: «Унда замондошимизни ўйлантирадиган дард, юрагини ларзага соладиган, фикрлашга ундайдиган залворли гап бор»,³ - деб таъкидлайди.

У.Ҳамдамов бугунги кунда бадий тафаккур тадрижининг ижтимоий-

1 Қодиров П. Маънавият, модернизм ва абсурд. // «ЎзАС». 2004 йил, 26 март, №12 (3738)

2 Шарафиддинов О. Фикр эркинлиги- зарур эҳтиёж. // «Ўз.АС» 2004 йил 14-май №19(3745)

3 Солижонов Й. Роман кашфиётлар манбаидир. // «ЎзАС», 2003 йил, 5 сентябр, №36 (3715).

психологик асосларини теран тадқиқ қилаётган адабиётшунос олимларимиздан бири, шоир, таржимон, носир сифатида қалам тебратмоқда. Усмон Туроннинг «Туркий халқлар мафкуриси» (1995), Жалолиддин Румийнинг «Ичиндаги ичиндадир» (1997-2001) сингари асарларини таржима қилиш жараёнида унинг руҳият дунёси шубҳасиз янада юксалди. Мазкур асарлардан қалб туйғуларига ҳамоҳанг кўплаб жиҳатларни топган адибда бугунги замондошимиз кайфиятини акс эттириш, даврнинг қайноқ нафаси – ўзига хос эврилишларни қаламга олиш эҳтиёжини туғдиргани шубҳасиз. «Мувозанат» романи қаҳрамонлари ҳар бирининг ичида омонсиз жанг, аёвсиз кураш кечади. Ижтимоий муҳит сувратини акслантирган онги ва руҳида маънавий-руҳий мувозанатни асраш қийноқ-изтироблари содир бўлади. Мувозанатга улкан эҳтиёж туйган қаҳрамонлар эврилишлар даврида ҳам жамият аро, ҳам ўз кўнгиллари ичра Буюк Мувозанатни қидирадилар.

«Мувозанат» романидаги марказий образ Юсуф-замон кишиси. У диний эътиқодни, азалий қадриятлар аҳамиятини рад этмаган ҳолда давр ўзгаришларини теран ҳис этиб яшайди. Ўз ҳаётини илм-фан йўлига тиккан, ўзлигини йўқотмаган шахс. Юсуф миллат ва юрт қайғуси ҳақида ўйловчи, давр тўфонларининг бешафқат синовлари гирдобида ўртанган қаҳрамон. Уни акаси Амирдан фарқловчи жиҳат ҳам диний-исломий эътиқодда ҳаддидан ошмаслик-меъёрни билишидир. Бошқачароқ айтганда, Юсуф Амир каби кўр-кўрона таассуб қилувчи мутаассиб эмас.

Демак, романда инсон моддий-маънавий мувозанатга катта эҳтиёж сезади. Модда ва руҳ мувозанати таъминланса мақсадни амалга оширмоқ мумкин бўлади, деган фикр илгари сурилган. Ёзувчи мазкур фикрни турли дунёқарашдаги, эҳтиёжу мақсадлари ҳар хил, турлича тарбия кўрган, моддий мавқеи ҳам бир-биридан фарқланувчи персонажлар орқали кўрсатади. Бу жиҳатдан ака-ука Амир ва Юсуф суҳбатини кузатиш характерлидир:

« - Қанийди кўлингдаги иш кўнглингдагига мувофиқ келса... Ҳозирча шошганим йўқ. Тавба, одамлар бир-бирлари билан уришиб юришса, мен доим ўзим билан ўзим жанг қиламан. Бошқалар билан олишишга менда на

фурсат бор на рағбат...

- Тўғри айтасан, ҳамма нарса аслида бизнинг ўз ичимизда. Чин дунё ҳам, ҳақиқий жанг ҳам, чинакам ғалаба ҳам. Ўша ерда ғолиб бўлсанг, бас. Улоқ менда кетди, деявер. Қолгани бир пул.

- Фақат, ака, ўша ердаги муваффақиятнинг натижаларини ташқарига- дағал дунёга муҳаққак олиб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш зарур. Токи бу нарса оч одамнинг нон, ишсизнинг иш, дардманднинг шифо, даҳрийнинг ишонч... топишига кўмак берсин. Ана шундагина муқаддас Мувозанатга эришамиз. Назаримда, менга зарур бўлган бахт шу.

- Майли, ука, -деди Амир юзини кафтлари билан силаганча кўзғолиб, - сен йўлингдан боравер, мен ўзимникидан». (роман, 22-бет)

Ҳаким Имом Абу Ҳомид ал- Ғаззолий ҳазратларининг муборак сўзларидан иқтибос келтирган Муҳаммад Нуриллоҳ Сайфо ал-Жазарий ёзади: «Билки, ҳақ йўлига кирмоқни хоҳлаганларнинг иршод этувчи бир мураббийга эҳтиёжлари бор. Токи, бу мураббий тарбия асносида ундаги ёмон хулқларни олиб ташлаб, уни гўзал ахлоқ ила безанишга ёрдам берсин».¹

Нурли йўл одобини ўргатувчи муршид ёрдамисиз ўз билимларигагина ишониб нафсини ислоҳ қилиш ҳаракатига мустақил равишда киришган Амир кўнглидаги фикрлар васвасаси ва ғамлар илдизи моҳиятини англай олмай, мақсадга етиш йўлини тополмай паришон бўлади. Унинг аҳволидаги жоҳиллик тўсиқларни енгиб ўтишга қодирман деб ўйлаб кибр ва худбинликка берилганида намоён бўлади. Орифи раббоний Абдулваҳҳоб аш-Шаҳроний таъбири билан айтганда: «Кимки ўзини бу «васф»лар (яъни кибр, худбинлик каби.- Д.Х.) чангалидан қутқарувчи бир муршидга мурид бўлмаган экан, Аллоҳ ва Расулга исён этган бўлади».² Маҳмуд Асъад Жўшоннинг ёзишича, нафсни ислоҳ қилишда: «Ориф бир зотни ўзига раҳбар қилиб олиш ва унга таслим бўлиш, ўз айби нуқсонини унинг кўрсатмаларига

1 Муҳаммад Нуриллоҳ Сайдо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. Биринчи китоб. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000, –21 б.

2 Ўша манба. –25 б.

биноан тузатиш энг мақбул ва кенг тарқалган йўл».¹

«Мувозанат» романидаги Амир шу боис ҳам ўз ботиний оламининг пастқам буржлари-пучмоқларида қолиб, ўзини ниҳоятда ёлғиз сезади. Юксак даражасига мувофиқ катта рухий-маънавий эҳтиёжларга муносиб равишда тобора кўпроқ билмоқни ихтиёр этган персонаж динда чуқур кетиб йўлини йўқотиб кўяди. У.Ҳамдам таъбири билан айтганда: «...таянч ва таскин, хамроҳ ва хамдард топа олмай, ўз ёлғизлиги изғиринида муз қотди» (роман, 59-бет). Ижтимоий-маънавий, рухий жиҳатдан яққаланиб қолган, нажот излаб топа олмаган Амирнинг ақлдан озиши табиий эди.

Эътиқод қурбони бўлган бу персонаж фожиаси дин ишларида ҳаддан ошиш натижасида аҳли оиласи, бола-чақаси, ота-онаси, хатто ўз бадан ва нафсининг ҳам унда баъзи ҳақлари борлигини унутгани – мувозанатни йўқотганидадир. Дунё ишларидан, кундалик ташвишлардан буткул юз ўгириб тақво, тоат-ибодатни ихтиёр этган Амир ўзгаларни ҳам шу йўлдан юришга даъват этади. Натижада аҳли оиласи, ота-онаси, ака-укалари, фарзандларини ниҳоятда мушкул аҳволга солиб кўяди.

Проф. У.Норматов: «романдаги энг ёрқин, концептуал персонажлардан бири»² деб баҳолаган Амир образига шу боисдан кенгроқ тўхталмоқдамизки, У.Ҳамдам диний-илоҳий ва тасаввуфий фикр- мулоҳазаларни қаҳрамонлар характер-хусусиятлари, ўй-фикрлари, диалог ва монологларига сингдириб юборганлигини бир образ мисолида кўрсатишни кўзлаган эдик. Билдирилган фикр-мулоҳазалар кўзлаган муддаомизнинг нақадар тўғрилигини тасдиқ этади. Романда Юсуф тилидан айтилган «Назаримда, сизнинг шу тобдаги ҳолингиз пайғамбаримизнинг «динда ўрта йўлни тутинг» ҳадисидан кўра, тасаввуфий ҳолга яқинроқ» (роман, 20-бет), «Ахир пайғамбаримиз ҳеч қачон ўлмайдигандек дунё учун, эртага ўладигандек охират учун яша, деб бежиз айтмаган» (21-бет) сингари ҳадис ва ҳикматларни учратамиз. Қаҳрамонимиз акаси Амир билан очиқ баҳс-мунозарага киришар экан, асосли манбаларга

1 Махмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. –Тошкент, 2001. –22 б.
2 Норматов У. Энг муҳим муаммо. // «ЎзАС», 2003 йил, 21 март, №12 (3695.)

таяниб ҳукм-хулосалар чиқаради. Рухий сокинликка интилиб, дилдаги ишқни рўёбга чиқариш йўлларини усулларини тополмай тасаввуф саҳросида эсанкираб қолиб, мақсадга етолмаган Амир фожиаси; ўзини толесиз сезиб, хаёлидаги ҳаётни реалликка кўчиришни тилаган, хиёнат изтиробларида ўртанган Захро турмушини; ижтимоий- маънавий жихатдан яккаланиб, рухий кийноқлар ичра ўртанаётган Саид тақдирини; барча хаваслари рўёбга чиқсада, юраги ҳувиллаб қолган Миразим танҳолигини теран англаб етади. Башариятнинг ёруғ келажагини илм-маърифатдагина кўрадиган, маънавий-рухий кутбларни уйғунлаштириш зарурлигини тушунган етук инсонга айланади. Юсуф жамият аъзоларининг психикасини ўрганиш, демакки жамиятлар тақдирини тарихан таҳлил этиш орқали шу хулосага келадики, ҳар бир инсоннинг ботиний оламида ёвузлик устидан эзгулик ғалаба қилиши лозим. Акс ҳолда қиёмат ер юзида эмас, балки инсон ички оламида содир бўлади. Замон долғаларидан ўзликни қутқариб башариятнинг улуғ орзулари билан ҳамнафас тарзда курашадиган инсоннинг шаклланиш йўли ҳақида мулоҳазалар «Мувозанат» романида, Қуръони Карим кўрсатмалари, ҳадислар, илми қол ва илми ҳол (зоҳирий ва ботиний илмлар.- Д.Х.), Жалолиддин Румий ижоди, шунингдек дунёвий фалсафага таянган ҳолда илгари сурилади.

Масалан, Амир нутқида инсоний сабр-бардош ҳақидаги ғоялар Муҳаммад пайғамбар ҳаётидан мисоллар келтириш орқали илгари сурилади: *«Одамлар моддий бойликка эмас, маънавияту хокисорликка қараб интилсин. Пайғамбаримиз бутун ислом дунёсининг раҳбарига айланган вақтда ҳам жуда фақир ҳаёт кечирганлар. Уйларида кунда бир марта қозон қайнаган ё қайнамаган, емишлари хурмою сув бўлган. Биз-чи?.. Астағфуриллоҳ, астағфуриллоҳ»* (роман, 14-15- бетлар).

Оламнинг ўзгарганлигини тушунмай, тақвою мискинликдан иборат зоҳидлар йўлини бутун халққа тавсия этаётган Амир рухий дунёсини кўрсатишда бундай киритмалар муҳим аҳамият касб этади, образнинг ишончлилигини таъминлайди. Амир ва Юсуфнинг эътиқодий кутбланишини

кўрсатишда уларнинг ислом фарзларига муносабатини белгиловчи ушбу типдаги диалоглар ҳам характерлидир:

«Амир Юсуфдан сўради:

- *Намоз ўқимай қўйибсан деб эшитдим. Шу ростми?*

- *Мусулмончиликда бирламчи нима, ака?- саволга савол ила жавоб этди Юсуф.*

- *Иймон.*

- *Нега унда сизнинг биринчи саволингиз иймон ҳақда эмас?*

- *Чунки иймонли одам намоз ўқийди.*

- *Лекин намоз ўқиганларнинг ҳаммаси иймонли, дегани эмас-ку. Шу билан бирга, намоз ўқимаганнинг ҳаммаси иймонсиз, деган ҳукм ҳам йўқ исломда.*

- *Бу нарса намоз ўқимаслик учун сенга ҳуқуқ бергани йўқ- ку.*

- *Тўғри, ака, қанийди менам сизга ўхшаб намоз ўқисам ва бунга ич-ичимдан эҳтиёж сезсам» (роман, 19- бет).*

Демак, Юсуф шариат аҳкомларини яхши билади. Бунинг илм, амал ва ихлос асосига қурилишини истайди. У юксак маърифат ва пок ахлоқ кишиси бўлишга интилар экан, диннинг моҳияти ва маърифатини ифода этади. Ҳар бир нафасда Оллоҳнинг изми ва ибодатида бўлишни ўзича тушунади. Барчанинг номидан гапиришга ўзини ҳақсиз сезган Юсуф учун Оллоҳ билан руҳий алоқада бўлишдан келадиган кўнгилдаги тасалли ёд олинган сураларни муайян вақтдагина қуруққина қайтаришдан юксакроқ туради. Юсуфнинг дунёга қиймат бериш ҳоли рўзғор ташвишлари, фарзандлар тарбияси, оила таъминотига хоҳиш билдирмай, қуруқ ибодатга берилган Амирдан анча юқори туради. Чунки у юксак инсонийлик Олий Низомининг ҳамма жойда қарор топишига имкон қадар ўз улушини қўшишга интилади. Бинобарин, Юсуфни ўша низомни бузувчи ҳам, унга лоқайд ҳам дейиш мумкин эмас.

У.Ҳамдам Юсуфнинг фикрларини далиллаш, роман ғоясини тасдиқлаш мақсадида баъзан Жалолиддин Румий ижодига ҳам мурожаат этади. Бу ҳол

аксарият ҳолларда фикрни мантиқий ва ижодий ўзлаштириш тарзида кечса, айрим ҳолларда тўғридан- тўғри кўчирмалар келтирилади: Одамлар Каъбага турли хил томондан келишаркан, йўлда бир-бирлари билан «Менинг йўлим ҳақ, сеники ботил...» дея баҳс- мунозара қилиб келишади. Каъбага келгач, уларнинг мақсадлари ҳосил бўлади ва ҳаммаларининг истаклари бир- Оллоҳ эканини билишади. Шунда тортишувлар ҳам барҳам топади». (роман, 23-бет)

Мазкур киритма роман персонажлари ўртасидаги турли англашилмовчиликлар улуғ мақсад учун танланган йўлларнинг ҳар-хиллигидан келиб чиққанлигини изоҳлашга хизмат қилмоқда. Фарз амалларни бажаришни ўз шаклу шамойилида уддалашга ҳаракат қилаётган Амир ва уни мажозий маънода тушуниб, асл моҳият яхшилик ва эзгуликдир, деб талқин қилувчи Юсуф истак-интилишларини тушунтириши жиҳатидан характерлидир.

У. Ҳамдамнинг «Мувозанат» романида диний-илоҳий киритмаларни ўзлаштириш публицистик услубга кенг йўл очган бўлса, муаллифнинг «Исён ва итоат»¹ романида бирмунча бошқача йўлдан борилади. Мўъжазгина романнинг ўндан ортиқ ўрнида Оламнинг яратилишидаги илоҳий мувозанат, Яратувчисини идрок этувчи инсоннинг илоҳий шамойилда бунёд этилиши, яхши ва ёмонни билиш дарахтининг меваси «таъқиқланиши», Ҳаввонинг яратилиши, Одам ва такаббур Шайтон муносабатлари, Одам ва Ҳаввонинг кўнгил хоҳишларига эргашиб «таъқиқ»ни бузишгани, қасоскор Иблиснинг фитнаси туфайли азалий макондан чиқарилиши боис Одамнинг чеккан изтироблари, итоатга келиб мағфират қилиниши воқеалари Қуръони Карим сура ва оятлари, шунингдек ривоятлар орқали берилади. Бу киритмалар роман воқеаларидан мустақил тарзда ёндош ҳолда берилган. Лекин, асарнинг ғоявий-бадий мақсадини очишда улар ниҳоятда кучли равишда уйғунлаштирилган.

¹ Улуғбек Ҳамдам. Исён ва итоат. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.

Аслида «Исён ва итоат» замондошларимиз қисматини ифода этган роман. Бироқ У.Ҳамдам инсон зотининг кучли ва ожиз жиҳатларини хилма-хил нуқтаи назарларда акс эттиради. Айниқса, башариятнинг илк тарихи билан қиёсий таҳлил этишда илоҳий мазмундаги киритмалардан фойдаланиш ижобий натижалар берган. Одам зотининг тавба, англаш, ҳис этиш йўлини ўтиб итоатга келиши, ҳақ йўлдаги бандасининг ҳидоят қилиниши билан боғлиқ илоҳий-фалсафий фикрлар бирмунча хаяжонли ўй-мулоҳазалар орқали Акбар образи мисолида илгари сурилади. Проф. Санжар Содиков «Исён ва итоат» романига шахсга ижтимоий муносабатларнинг маҳсули деб караш ибтидоий ақидасидан келиб чиқиб қиймат беришга уринади.¹ Ваҳоланки, романда кимсанинг кимсага тобелиги ва итоати ҳақида сўз бормайди. Аксинча, «ижтимоий мезонлар» қолипига сиғмайдиган инсон қалбининг нозик жилолари: феъл-атвори, руҳияти, кўнгил талпинишлари бадиий талқин этилади.

«Исён ва итоат» илм ва амалнинг теран ихлос асосига қурилиши лозимлиги, Оллоҳ билан руҳий мулоқотда бўлишдан келадиган кўнгилдаги фароғат, «Олий Низом»га итоат ҳақидаги фалсафий-психологик романдир. Бизнингча, «Исён ва итоат» романидаги бадиий-фалсафий хулосалар кўлами у қадар кенг ва салмоғи етарлича теран эмасдай туюлади. Ҳар иккала романни яхлит олиб кузатилсагина, ана шундай салмоқли кўламдорлик намоён бўлади. Бу фикрни тўла маънода адиб услубий изланишлари, хусусан, илоҳий мазмундаги киритмалардан фойдаланишдаги ўзига хослиги маъносида ҳам қўллаш мумкин.

3.2. У.Ҳамдам асарларида муҳаббат – муҳим маънавий-ахлоқий категория сифатида.

Дунё мўжизаларга бой. Борлиқдаги ҳар бир мавжудот – ўзига хос олам. Инсон яралишида жисму жонига пок ва муқаддас руҳ жо бўлади. Юракни ошиён айлаган руҳ бебаҳо гавҳар, уни мусаффо ва мунаввар ҳолда

¹ Содиков С. «Исённинг худуди борми... итоатнинг-чи?» // ЎзАС, 2004 йил. 12 ноябрь.

асраш кишини дунё ва охират саодатига мушарраф этади. Инсон фитратида муҳаббат, меҳр-оқибат, мурувват каби олий туйғулар мавжуд. Ботиндаги хиссиётнинг зоҳирий ифодаси кўп ҳолда бетакрор санъат дурдоналарида тажассум топади. Истеъдодга илҳом бахш этадиган муҳаббат азалий ва абадий мавзу бўлиб қолаверади. Навоий, Бедил, Фузулий яратган ишқ дostonлари, Шохжаҳон қурдирган Тожмаҳал қасри аслида юрак амри билан бунёд бўлган боқий мўъжизалардир.

Адиб Улуғбек Ҳамдам маънавий-ахлоқий, фалсафий-эстетик қарашларини асарларига нозик муҳраб боради. У хоҳ назм, хоҳ насрда қалам тебратмасин, кўнгил муждаларини турфа ранг, бетакрор оҳангда ёритишга муваффақ бўлади. Муаллифнинг «Сабо ва Самандар» романида муҳаббат янгича талқинда намоён бўлган. Асарда ижтимоий муҳит, шахс ва жамият муносабати кенг кўламда тасвирланади. Маълум соҳа кишиларининг тақдири, уларнинг руҳиятида кечаётган мураккаб жараён турли ракурсда бадиий тадқиқ этилади. Улуғбек Ҳамдамнинг «Сабо ва Самандар» романи ўзбек адабиётида ўзига хос янгича ҳодисалардан бўлди, десак янглишмаймиз. Адиб ўз романини мумтоз анъаналар руҳида, йўлида ёзишни маъқул кўрди. Асар қаҳрамонларидан тортиб, воқеалар тизими, хуллас, асарнинг бошдан-охир композитсиясида айнан шундай услуб қирралари юз кўрсатади. Адибнинг романи ёзишдан мақсади, назаримизда, янги замоннинг Лайли ва Мажнунлари образини яратиш эди. Самандарнинг ушбу дostonнинг ашаддий муҳлиси сифатида уни деярли ёддан билиши тасодифий эмас. «...Мажнун қисмати тасвирида бўлган каби Шайх тақдири, хатти-ҳаракатлари талқинида ҳазрат Навоий ўз қаҳрамонини асло танқид қилиш, фoш этиш йўлидан бормайди. Балки энгил, латиф бир табассум билан уни тушуниб, авайлаб, ардоқлаб қалам тебратади»,¹ - деб ёзади адабиётшунос Умарали Норматов. Бизнингча, Улуғбек ҳамдам ҳам худди Алишер Навоий сингари ўз қаҳрамонини ардоқлайди, уларниг ҳеч бири

¹ Норматов У. Ижод сеҳри. Тошкент, 2007. 46-б.

хатти-ҳаракатига эътироз билдирмайди, лурни борлигича тасвирлашга ҳаракат қилади. Асар шуниси билан характерлидир.

Адибнинг Самандари ҳам Навоий ижодига, хусусан, «Лайли ва Мажнун»га қайта-қайта мурожаат этади. Бу эса, Самандарнинг ишқини идеаллаштиради.

Дарҳақиқат, «Лайли ва Мажнун» достонида бўлгани каби, Сабо ва Самандар ҳам ёзувчининг индивидуал услуби ва маҳорати орқасида ўқувчига асар бошидаёқ бетакрор ошиқ-маъшук сиймосини намоён қилади. Самандар «Лайли ва Мажнун» достонидаги Мажнуннинг энг ёқтирган сўзларини шиор қилиб олади, гўё:

...Лайли ишқин танимда жон қил,

Лайли шавқин рагимда қон қил...¹

Бундан кўришиб турибдики, болалигидан жони-дилига айланган бу байтда Лайли ўрнида то Сабони учратгунига қадар Самандарнинг орзусидаги малика сиймоси бўлган.

Романда муҳаббат қиссасининг тугуни – Сабо ва Самандарнинг илк учрашуви ёзувчининг бетакрор услуби билан янада ҳаяжонли акс этади. Ҳали аудиторияда ўтирган Сабони кўрмасдан гапираётган гапини йўқотган Самандар уни кўради-ю танийди. Хаёлидаги гўзал, уни шу кунгача тинч кўймаган парирўй шу. Ҳамидулла Болтабоев айтганидек, «...инсон доим ўзлигини ахтариб яшайди. Мана шу ахтаришлар, изланишлар жараёнида ҳар бир нарсага—гулга, юлдузга, заминга юзланади. Кўзлардан, диллардан, ранглардан ўзини излайди. Ниманидир, кимнидир топгандай бўлади. Топганида топиниб яшайди². Бу эътироф худди Самандар учун айтилгандай гўё. Чунки Самандар ҳам излади, хаёлидаги, тушидаги маликани. Ва топди. Излади ўзини кўзлардан. Ва топди ўзини Сабонинг кўзларидан. Сабо ҳам ишқ гулзорида Самандардан кам кезмасди. ҳар иккаласи ҳам ҳаёт йўли қаерга бошласа, нимани уларга рўбарў қилса-да, топганларига

1 Ҳамдам У. Сабо ва Самандар. Тошкент, 2009, 15-б

2 Болтабоев Ҳ. Сўз сеҳри. Тошкент, 2006.

топиниб яшашди.

Романда Сабо ва Самандарнинг ишқида шундай дейди: «...агар мухаббат бахт бўлса, мен пойингга тиз чўкиб, ишқдан ўзга бахт сўрамайман!. Менга шуни бер ва то тирик эканман, мени ундан маҳрум айлама!. Мен ишқнинг уйида сўнгги нафасимгача қолишни истайман! Ишқ билан кўз очиб, ишқ билан кўз юмсам дейман! Мени шу эрда тўхтат, мени ҳаёт деб аталмиш узун йўлнинг ишқ бекатида тушириб ва унутиб қолдир, эй парвардигор!...»¹

Ошиқ ва маъшукнинг ишқдан мастона қиёфасини, руҳиятини шу услубда чиза олган адибнинг услуби бетакрорлиги бу билан яна бир бор ойдинлашади. «...Услуб – ёзувчининг адабиётдаги бетакрор қиёфаси, беазаги, ўзлиги. Услуб – ёзувчи фалсафаси инъикоси...»², деган эди адабиётшунос А.Расулов. Бизнингча, Улуғбек ҳамдам ҳам образ яратишда ўз услубидан боради. Сабони отаси вазирликка кўтарилишида моддий ёрдам берган бойнинг ўғлига беришга қарор қилади. Ўша қарзи эвазига товон Сабонинг бахти, тақдири, бевақт ўлими билан тўланади.

Самандар севгиси учун курашмади, балки курашганида Сабонинг кимга тегаётгани фош бўлиши ва Шердил ҳам ҳақиқатдан хабардор бўлиши мумкин эди. Бироқ асарнинг қиймати ва қиммати, асар конфликтининг кескинлиги, образлар характерининг тўла намоён бўлиши ана шу сирнинг асар сўнгига қадар сақланиши билан боғлиқ.

Самандар кўрқоқлик қилмади. Сабони ўйлади. Самандар вазирнинг қизига шоҳона ҳаёт ваъда қилолмас эди. Қолаверса, Сабо ҳам отасининг обрўйини ўйлади. Бир фарзанд сифатида ўз бурчини адо этди. Самандар аламини ичига ютди. Дунёни ағдар-тўнтар қилмади. Аммо кўнгли вайрон бўлди. Унга Сабонинг борливи борлиғини ҳис қилиш ҳам бахт эди. Самандар барча иш, хатти-ҳаракатларига холис баҳо бера олди, кўнгил ярасини вақт даволайди деб ўйлади, лекин вақт дардини даволамади – у

1 Ҳамдам У. Сабо ва Самандар. Тошкент, 2009, 87-88-б.

2 Расулов А. Бадиийлик – безавол мезон. Тошкент, 2007, 70-б.

Сабони унута олмади. Сабо ҳам Самандардан оиласини ва болаларини устун кўйгани билан ундан воз кечишни истамади. Унниг севгиси билан яшаётган юраги ўлим сари этаклашини билса-да, бу ахдидан қайтмади. У оиласига, фарзандларига кўмилиб кетолмади. Сабо бир аёлга хос матонат, нафосатнинг энг гўзал намунасини ўзида мужассам этди. Ваҳоланки, руҳиятида изтироб мужассам эди.

Асарда пок инсоний муҳаббат билан бир қаторда илоҳий муҳаббатнинг тараннуми ўз аксини топади ва шунинг орқали реалистик насрда романтик бўёқларнинг синтезлашган кўриниши намоён бўлади. Масалан ижодкор Сабо ва Самандарнинг ҳаёти, ўлими, туйғулари, кечмиши мисолида мажозий ишқ билан бир қаторда илоҳий севгининг ўзига хос бадий ифодасига эришади. Асар бош қаҳрамони Самандар тақдирига нигоҳ ташлаб, болалиги ўтган Андижоннинг Мингтепа қишлоғи аҳолиси турмуш тарзи, маданияти билан яхшироқ танишасиз. Адиб асаридаги гоҳ майин, гоҳ маҳзун оҳанг қаҳрамонлар руҳияти тасвирида, табиатнинг рангин бўёқларда акс этишида, лирик чекинишларда яққол сезилади. Моҳиятни теранроқ ёритиш мақсадида бадий матн таркибига севги қиссаси сингдириб юборилади. Бу қиссани Самандар ҳам тинглаган, икки ёшга куюниб ачинган эди. Қарангки, Нилуфар ва Нодирнинг завол топган муҳаббати ўзга кўринишда Самандар тақдирда рўй беради. Сюжет чизигидан бош қаҳрамоннинг Шердил, Ҳамид, Азиза билан муносабатлари ҳам ўрин олганки, булар воситасида жамиятдаги кишиларнинг ҳаёт маслаги, ўй-фикрларига ойдинлик киритилган. Ёш авлодга адабиёт фанидан таълим бераётган Самандар баҳор кунларининг бирида Сабо исмли талабани севиб қолади. Ошиқ Самандар болалигидан ихлос кўйган «Лайли ва Мажнун» достонини қайта-қайта ўқиб, уни сирдоши, дарддоши санаб асраб-авайлайди. Қиз ҳам бутун вужуди билан муҳаббатдан маст бўлади. Бирок улар турли муҳит, шароитда улғайган эдилар. Бойлик, мансаб, шахс манфаатини устун кўйган қизнинг ота-онаси бу муҳаббатни ёқламай, ўзларига муносиб хонадонга Сабони узатадилар. Самандар ҳам айрилиқ

азобига барҳам бериш мақсадида Солиҳа исмли қизга уйланади. Шу тахлит ишқ савдоси поёнига этган, иккиси ҳам ўз турмуш ўртоғи билан бахтиёрдек, ўғил-қизнинг тарбияси билан машғул, яъни кундалик ташвишлар билан оворадек туюлади. Бироқ улар зоҳиран бахтли, ботинан ёлғиз ва дардманд эдилар. Адиб қаҳрамонлар руҳиятидаги ишқ дарди, тафтини ҳақиқатга монанд тасвирлаш мақсадида ички монологдан, лирик чекиниш, туш ҳолатидан самарали фойдаланади. Самандар билан Сабо аслида ҳушида эмас, тушида бир-бирини суюб алқаб, қалбига ором бериб яшайди. Самандар умрининг сўнгги нафасида ҳам Сабога нома битиб, автоҳалокатда вафот этади. Хўш, Сабо-чи? Унга тақдир қандай тухфалар инъом этди? Дабдаба-ю асъасада яшаган аёл юрагидаги дардга малҳам топдими? Қалбдаги ишқ сўнмас, тиним бермас, гирдобига тортиб борарди.

Аёл киши оиласи шаъни, фарзандлари келажagini ўйлаб, дардини яқсон қилишга интилса-да, бунинг уддасидан чиқолмасди. Унинг иродаси ожизлик қилиб, кўп ҳолда тўғри йўлни топа олмайди. Бой, ақли, ҳар нарсани зумда муҳайё қиладиган умр йўлдоши хархаша-ю эркатойлигини кўтаради, хатоларини кечириб кўз юмиб кетади. Шундай бўлса-да, Сабо юрагидаги ишқ қасри калитини топа олмас, илк муҳаббат достони эса сира тугамасди. Эр-хотин моддий жиҳатдан бир-бирига мос бўлса-да, маънавий жиҳатдан ўзга олам эди. Шердил муҳаббатга ишонмас, туйғуларга эрк бермас, фақат ақли устун биларди. Сабо эса аксинча – ишқ суруридан маст, юрак асираси эди. Шу боис Самандарнинг сўзлари, дил изҳори, шеърий битиклари қалбига муҳрланиб бораверарди. Буларнинг барчасидан халос бўлиш учун ўзга юртга кўчиб кетса-да, хотираси пучмоқларидаги ширин дамлар қайта жонланарди. Муҳаббат ҳижронига юрак ҳам дош беролмай оғир хасталанади. Касалхонада Сабони даволаш мақсадида унга донор топадилар. Бироқ у қатъий қаршилиқ кўрсатади. Аслида у юраги, Самандарга бўлган ишқидан айрилишдан кўрқади, шу боис ўлимни муҳаббатга содиқ ҳолда кутиб олишдан чўчимайди. Икки севишган бир кунда, бир вақтда жон таслим қилади. Роман қаҳрамонларига танланган

исмлардаги рамзийликка ҳам аҳамият берайлик: Сабо – тонгги хузурбахш шамол, кайфиятни кўтариб, қалбга мусаффолик олиб киради (лекин у ўткинчи, доим ҳам уни ҳис қилиш қийин, масалан эрта баҳорда, ёмғирдан сўнг тафти ўзгача бўлади); Самандар – куш, дардини куйлаб, фиғон чекиб, ўз куйи оҳангида ҳалок бўлади, кейин яна ўз хокидан яралади. У эркин, бепоён осмонда парвоз қилади. Бироқ қалби кенгликларга сиғмайди. Дардига дармон топилмайди. Солиҳа – покиза, юмшоқ табиатли, итоатли, сабрли маъноларини англатади. Шердил – тошбағир, бемехр, шер каби такаббур, асов. Адиб Шердил образи орқали инсон тафаккуридаги мураккаб жараённи ўта назик тасвирлайди: совуққон, фақат ақлни кадрлаб, юракдаги ҳолатни, ҳиссиётни англашдан мосуво инсон. Бироқ Шердил хоҳ ақл, хоҳ юракка бўйсуниб ҳаёт кечирса ҳам, ота-она олдидаги бурчни унутмаслиги даркор. Ота-она таъзиясида қатнашмаслик – бу манқуртга хос ҳолат. Ўзтиқодсиз, иймонсиз оқпадар ўғил оилавий бахтдан маҳрум. Шердил ҳеч кимни севмади, меҳр бермади. Оқибатда бир умр ёлғиз қолди. Ақлли, билағон қаҳрамон ўзи ихтиро қилган роботгагина ихлос қўяди, аммо умри сўнггида бир ҳақиқатни: ясаган роботу гибридлари одам, эл бўлмаслигини англаб, Самандар қабри тепасида ночор аҳволини ошкор этади. Самандар ҳиссиётга берилувчан, юрак амрига бўйсунувчан, Шердил эса ақлу заковатга таяниб совуққонлик билан ҳаёт кечирувчи инсонлар. Бу шахслар орасидаги зиддият ҳам кўпинча мазкур туйғуларни англамасликдан келиб чиқади. Аслида, киши жисмидаги ақл ва юрак мувозанатини асраш муҳим экан, қаҳрамонлар тақдирдан кўринадики, фақат юрак амри билан ёхуд ақл йўриғи билан яшаш ўта мураккаб. Ҳар нарсада меъёр бўлганидек, риҳий мувозанатга эришган инсонгина ҳаёт гаштини туйиб, хотиржам, осуда яшайди, бахтли умр кечиради. Ҳар қандай талқин ва таҳлил асосида инсон тақдири, унинг моҳияти, тириклик ва ўлим фалсафасининг инсон ҳаётидаги ўрни ётади.

Улуғбек Ҳамдамнинг «Сабо ва Самандар» романида ҳаёт ва мамот оралиғидаги инсон қисмати тамомила фалсафий тус олади. Ундаги ўлим

фожиавий якун эмас, балки абадий висолнинг дебочаси ўларок қабул қилинади. Шу жихати билан роман воқеалари мумтоз асарларимизни ёдга туширади. Асарда инсоннинг муҳаббатга муносабати масаласи танлаб олинар экан, бу муҳаббат аввал ўтдек ёндириб, кейин ўзини кўниқиш, оила, рўзғор ташвиши ортига олган жисмоний майллар ила қондирувчи истак эмас, бу муҳаббат кун-кундан зиёда бўлувчи Навоий Самандари янглиғ қайта-қайта ишқ оловида янгиланувчи илоҳий сасдир. Сабо ва Самандар қисматида оддий севги эмас, илоҳий муҳаббатга талпинган кўнгил розлари ифодаси ҳам бўлган. Шу боис унда жисмоний майллар тасвири тарғиб қилинмайди. Асар бежиз ҳазрат Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони билан муқояса қилинмайди. Романда бугуннинг ҳаёти, ташвиши билан баробар ўз майлларидан юқори кўтарилган инсонларнинг муҳаббат фалсафаси тасвирга тортилади. Бу фалсафа қаҳрамон ҳаёти, унинг аъмолларига сингиб ўтади. Роман машҳур афсонанинг замондошларимиз ҳаёти мисолидаги такрори эмас, балки инсоннинг Илоҳни таниш йўлидаги интилишларидир. Илоҳга муҳаббат инсонга муҳаббатдан бошланади. Агар инсон жисмоний майллардан юқори тура олсагина Аллоҳни таний олади. Роман персонажларида айни шу ҳолат намоён бўлади. Сабо ва Самандар сиртдан ҳамма қатори яшаётгандай кўринса-да, аслида бир умр қалблари билан бетиним олишадилар. Асар сўнгида улар бир маҳалда, бир хил сабаб билан дунёдан кўз юмадилар. Уларнинг умр бўйи тортган изтироблари ўлим билан якун топади. Бу якунда фожиавийлик йўқ, аксинча, хотиржамлик бор. Бу хотиржамлик илоҳий висолга этишувдан умиддир. Романнинг моҳияти «Лайли ва Мажнун» достонидаги:

Сен бўлсангу мен жаҳонда мавжуд,

Бўлса яна коинот нобуд,

– мисраларида жам бўлган.

Дарҳақиқат, роман қаҳрамонлари висолига бу дунё халал беради. Чунки бу муҳаббат дунё ташвишларидан холи икки дил достонининг

бадий талқинидир.

Барча йўллар сен томон бошлар,

Ҳамда сенда топгай ниҳоя, –

мисраларида ўзини топган, ўзлигидан юқори кўтарилган инсоннинг Яратганга томон талпиниши зухур қилган. Ёзувчи ўз қаҳрамони Самандарнинг ички олами, унда кечаётган пўртаналарга алоҳида эътибор каратади, зеро, ички олам ташқи кўриниш учун ойнадир. Шу маънода Самандарнинг кундаликларига диққатимиз жалб этилади:

«Ё ишқ – мажнунлик! ё бўлмаса, дунё!

Одамлардек яшаш орзуси....

-Сени дея сенсиз яшадим...

-Дунё бошқа дунёдир, ахир,

Лекин кўнгил...

Кўнгил ўшадир

Севмоқ истар дунёдан кечиб

Сени дея уйғонсам ҳар тонг

Сени дея юмилса кўзим

Эй, Тангрига элтувчи Исён, -

каби мисраларда қалби билан бетиним курашаётган Инсоннинг мураккаб тақдири, ишқдан қочиб, ишқдан нажот кутаётган инсон қисмати яширинган. Асарни яқунлар эканмиз, роман эпиграфи этиб танланган Шавкат Раҳмоннинг:

«Фақат ишқ...Фақат ишқ...

Бошқаси сароб,

Бошқаси шамолнинг оний сурони»

мисралари қайта кашф қилинади.

Улуғбек Ҳамдам ижодини кузатар эканмиз, унда бош қаҳрамон ҳаётида кечаётган руҳий эврилишларга дуч келамиз. Бу ҳолат «Ёлғизлик» қиссасидан бошланиб, «Мувозанат»да Юсуф мисолида давом эттирилади ва «Сабо ва Самандар»да эса Самандар образида яна ҳам мукаммалашади.

Улуғбек Ҳамдамнинг деярли барча қаҳрамонлари ўзликни англаш, Яратганни таниш йўлида машаққат чекаётган инсонлар. Зеро, қаҳрамон умрининг қай бир лаҳзаларида ёзувчи умри яширинган:

Мен олим эдим-ку?!

Туб фитратимда,

Танграмнинг Зотини билай, деб элдим.

Суратни кечдим

Зот сийратида

Мен ўзим ўзимга юзма-юз келдим.

Улуғбек Ҳамдамнинг «Таржимаи ҳол»идан олинган сатрлар ҳам руҳиятдаги эврилиш, аввало, адиб умрида кечаётганини билдиради. «Таржимаи ҳол»нинг деярли ҳар бандида Улуғбек Ҳамдамнинг қаҳрамонлари тақдири жам бўлган:

Ошиқ ҳам бор эди –

Мажнуни даврон,

Лабиди шеър эди, бағрида оташ.

У ҳануз дилимни

Қилади вайрон,

У ҳануз ёрига сиғингай яккаш, –

мисраларида Самандарнинг қисмати яширинган бўлса:

Юрагимда яшар тагин бир киши,

Янги бир дунёни этай, дер бунёд.

Қўшниси Мажнунга

Йўқ унинг хуши,

Дилкаш қурувчининг исмидир Фарҳод, –

мисраларида Юсуф тимсоли намоён бўлади. Шу туфайли адиб бир ўринда «Улар тақдирида мен эдим-да жам, суриб қўёлмадим бирин нарига» дея хитоб қилади. Улуғбек Ҳамдам асарлари жанр жиҳатидан хилма-хил, аммо мана шу турфаликда яқраглик мавжуд. Бу ўзлигини топишга интилиш. Бу йўллар ҳаёт ва мамот оралиғида сарҳисоб

килинади. Шу боис унинг қаҳрамонлари ўлим юзига тик боқади ва ундан мурод излайди.

Мустақиллик насрида Аллоҳни таниш, ўз руҳиятини таҳлил қилиш, бир сўз билан айтганда, аналитик қаҳрамон қиёфасига эга бўлиш Улуғбек Ҳамдам ижодида бўртиб кўринади. Бу ҳолат XX аср бошларида «Кеча ва Кундуз» романида Мирёқуб мисолида уч берган эди. Кейинроқ «Улуғбек хазинаси» ва «Кўҳна дунё» романларида давом эттирилди ҳамда Улуғбек Ҳамдам ижодида ёрқин ифодаланди. Бадиий қаҳрамоннинг нафақат ижтимоий ҳаётини, балки руҳиятида кечаётган талотумларни ҳам бот-бот тафтиш қилишга уриниши, ўзини ва ўзгани тушуниб бориши ўзликни англаш йўлидаги содиқлигини билдиради. Содикнинг йўли руҳият иқлимидаги маънавият ва маърифат йўлидир. У.Ҳамдам яратган Самандар образи шу жиҳатдан илоҳий маърифат сирларига ошуфта бўлган, мажозий муҳаббатини илоҳий муҳаббатга восита қилган қаҳрамон қиёфасида гавдаланади. Шунинг учун Самандар ва Сабо ўлимнинг бир вақтда рўй бериши тасодиф туюлмайди. Шунинг учун уларнинг ўлими фожиавийликдан йироқ. Бу ўлим уларни мақсад сари туташтиради. Адибнинг «Узоқдаги Дилнура» ҳикоясида ўлим персонажлар қиёфасида ўзгариш ясайди. Кутилмаганда яқин инсонидан жудо бўлиш кишини довдиратиб ташлайди. Бунда инсон «Энди нима қиламан?», «Қандай яшайман?» – деган саволлар исқанжасида қолади. Шундай бўлиши табиий, чунки ўлим инсон табиатидаги чуқур изтироблар кўламини белгилаб беради. Изтиробга тушган инсон фикрлашдан бир муддат тўхтаб қолади ва Яратган қаршисида ўз ночорлигини тан ола бошлайди. Кўринадики, асрлар шиддати инсоният табиатини ўзичалик ўзгартиришга қодир эмас.

Ҳаёт ва ўлимни туташтирувчи манзил муҳаббат йўли эканлигининг бадиий мушоҳадаси У.Ҳамдам ижодида янги поғонага кўтарилди. Муҳаббатга тўлиқ кўнгил эгаси жисмоний майллардан юқори, ўзини англаган, фитратидаги зиддиятни энгиш майдонига кирган шахсдир. Бундай шахс учун муҳаббат умр мазмуни, ўлим – алоҳида манзилда муродга

этиштирувчи илоҳий туйғу. Мумтоз адабиётимизга хос анъаналарнинг мустақиллик насрида давом эттирилиши кўҳна мотивлардан нусха кўчириш бўлмай, балки инсонни ўзини англашга томон интилишининг замонавий бадиий талқинидир.

ХУЛОСА

Миллий романчилигимизнинг замонавий жаҳон адабиётидаги мавжуд тажрибаларга ҳамоҳанг ўзига хос шаклий-услубий кўринишларини Улуғбек Ҳамдамнинг “*Исён ва итоат*”, “*Мувозанат*”, “*Сабо ва Самандар*” романлари ифода услуби муаммоси атрофида имкон қадар кузатишларимиздан қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

Биринчидан, тадқиқот объектими бўлган У.Ҳамдам романларининг аксариятида теран фалсафий- маърифий залвор мавжуд.

Иккинчидан, уларга Шарқ адабиётига хос илоҳий мазмун, покиза руҳият, шоирона тил, нозик юмор ва тағдор жумлалар, теран руҳий таҳлиллар ўз ифодасини топган.

Учинчидан, бу романларда тафаккур ва тахайюлга асосланиш нисбатан теран. Туйғулар жўшқинлигига хос мавж, ҳаётсеварлик ва улуғворлик, беғуборлик ва бокиралик, кўламдорлик ва теранлик китобхоннинг басират кўзини очишга йўналтирилган. Бутун коинот ташвишларига астойдил куюнчаклик, ижтимоий-маърифий жараёнлар тадқиқига эътибор анча кучли.

Тўртинчидан, мазкур романларда поклик, гўзаллик, инсонпарварлик туйғулари зулм ва зўравонликка зид қўйилади. Манфаатпарастлик, худбинлик, ижтимоий адолатсизлик, қонунсизлик иллатлари қораланади. Истибдоднинг ҳар қандай кўринишига қарши озодлик, эрк сари интилишлар маъно серқатламлигида, аксарият ҳолларда содда ва лўнда тилда ифодаланади.

Бешинчидан, тадқиқ қилинаётган романларимиз услуби ўзига хос бўлиб, улар қайсидир маънода огоҳнома ва ҳикмат китоблари ҳамдир. Агар биз улардаги бадий рамзийлик моҳиятига эътибор берсак, реал ҳаётга мутлақо ўхшамайдиган тасаввурдаги ҳаётни кўрамиз. Шахснинг ўз-ўзини англаш жараёнини ҳис этамиз. Бу романларнинг қаҳрамонлари XX аср ниҳояси ва XXI аср боши замони руҳи ва дардини ташийди. Романларнинг асл моҳияти ва руҳига чуқурроқ кириб борган сари ўз ҳаёт йўлини, одамлар дардини, адашган авлод фожиасини таҳлил этиб, ўзликни англаётган,

калбимизга яқин юртдошларимизни кўрамиз.

Олтинчидан, У.Ҳамдамнинг «Мувозанат» романида жамият аъзоларининг психикаси англаб етилиб, жамиятлар тақдири тарихан таҳлил этилади. Муаллиф илоҳий мазмундаги киритмаларни гоҳ тўғридан- тўғри кўлласа, гоҳ мантиқий, бадиий ўзлаштиради. Инсоннинг шаклланиш йўли ҳақидаги мулоҳазалар, баҳс-мунозараларда Қуръони Карим кўрсатмалари, саҳиҳ ҳадислар, илми қол ва илми ҳол, Жалолиддин Румий ижоди, шунингдек, дунёвий фалсафага таянган ҳолда илгари сурилади. У.Ҳамдам бу романда ҳикоя усулини ўқувчига яқинлаштиришга, қаҳрамон руҳий дунёси ва образ ишончилигини таъминлашга эришган. Илоҳий мазмунли киритмалар талқинида публицистик услуб доминантлик (етақчилик) қилган.

Еттинчидан, муаллифнинг «Исён ва итоат» романида эса илоҳий киритмалар роман воқеаларидан мустақил тарзда ёндош ҳолда берилади. Бу асар матни билан параллел равишда китобхоннинг мустақил мушоҳадалари учун қўшимча бадиий майдон яратади. Қиёсий таҳлилга имкон беради. Илоҳий-фалсафий фикрлар баёнида муаллиф ўз ҳаяжонини яшира олмайди. Ҳар иккала роман яхлитлигида салмоқли кўламдорлик, услубий индивидуаллик тўлароқ намоён бўлади. Буларнинг барчаси бугунги ўзбек романлари поэтикасида илоҳий-мифологик киритмаларнинг ўрни салмоқли эканини кўрсатади.

Саккизинчидан, ўзбек адиблари сўнгги босқичда ижтимоий умумлашмалар ва психологик таҳлил теранлиги, матндаги ботиний ички мазмуннинг ўзига хослиги, шахс ва жамият муаммолари, ижтимоий зиддиятлар, маънавий-руҳий масалаларни ноанъанавий услубда талқин этишда жиддий изланишлар олиб бормоқдалар. Миллий истиқлол даврида яратилган романларимизда модернистик, полифоник, абсурд услублари намоён бўла бошлади. Инсоннинг ички дунёсини янгича йўлларда кашф этишга эътибор ортди. Бу асарларда бир вақтнинг ўзида реалистик ва модернистик тасвир унсурлари, услублари уйғунлашиб кетади. Бадиий тафаккурдаги ўзгариш ва ислохотлар давр талабига ҳамоҳангдир. Зеро,

услуглар синтези роман динамикасини таъминловчи асосий омил - талқин йўлига айланди. Изланувчан носир ботиний оламида замонавийлик мезонлари янгиланди. Бу жараён миллий анъана заминида жаҳон адабиётининг илғор ютуқларини ўзлаштириш орқали кечмоқда. Баъзан тақлидчилик ҳоллари ҳам кузатилади. Ижобий янгиланишлар бундай асарларга ёндашувда илмий таҳлил ва талқиннинг герменевтик-структурал, психобиографик, имманент йўналишларини қўллаш эҳтиёжи ва заруратини юзага чиқарди. Бинобарин, жанр динамикаси адабиёт тадريجига хос қонуният экан, жанр компонентлари ҳам вазифаси нуқтаи назаридан мудом ўзгарувчандир.

Тўққизинчидан, тадқиқот объектими бўлган романларда теран фалсафий-маърифий залвор, илоҳий мазмун, нозик юмор, тағдор жумлалар, теран рухий таҳлиллар мавжуд. Улар маъно серқатламлиги билан услубий ўзига хослик касб этади. Бадиий полифониянинг талқин унсурлари пайдо бўлганлиги умумжаҳон романчилиги анъаналарига ҳамоҳанг бўлиб, услубий янгиланиш жараёнларини ҳам акс эттиради.

Ўнинчидан, У.Ҳамдамнинг «Мувозанат» романи анъанавий услубда ёзилган бўлишига қарамай, қаҳрамонлар характери, қарашлари ифодаси ҳамда яхлит ҳолдаги муаллиф коцепцияси зоҳир бўлиши жиҳатидан модернистик унсурларни ҳам намоён этади. Муаллиф асарида полифоник тасвир, фалсафий мушоҳадакорлик, психологик таҳлил усуллари қўлланилади.

Ўн биринчидан, композиция асарда ижодкор диққат марказининг яққоллиги, бадиий ғоя аниқлиги, шунга нисбатан асардаги катта ва кичик қисмлар ҳамда образлар жой-жойига қўйилиши ва уларнинг тасвир меъёри ва мақсадга мувофиқлигидир. Роман ҳажми унинг моҳияти билан, тасвирланаётган воқеалар динамикаси эса, санъаткорнинг улар мағзини чақиши билан белгиланади. Демак, ёзувчи услуби унинг роман ички қурилишини қандай уюштиришига боғлиқдир.

Ўн иккинчидан, «Мувозанат» романида замондошимизни

ўйлантирадиган дард, юрагини ларзага соладиган, фикрлашга ундайдиган залворли гап бор. “Қуръони Карим” оятлари, ҳадислардан парчалар келтириш ва баъзан Жалолиддин Румий ижодига мурожаат этиш Юсуф фикрларини далиллаш, роман ғоясини тасдиқлашга хизмат қилган. «*Исён ва итоат*» романида «*ижтимоий мезонлар*» қолипига сиғмайдиган инсон қалби нозик жилolari: феъл-атвори, руҳияти, кўнгил талпинишлари бадиий талқин этилган.

Ўн учинчидан, “Сабо ва Самандар” романида У.Ҳамдам муҳаббат ва маҳбуба мадҳини бугуннинг маърифати даражасида куйлайди. Асарда ижтимоий ноҳақлик, ақидапарастлик ва жоҳиллик икки ёшни чорасиз қолдиради. Чунки уларнинг дарди, ғам-ташвишлари, покиза орзу-умидлари оёқости қилиниб, яшаш илинжи сўндирилади. Демак, роман етакчи пафосини қаҳрамонлар дилидаги ишқ ва умидворлик белгилайди.

Ўн тўртинчидан, ёзувчи характерлараро конфликтни етакчи қаҳрамонлар Нодир ва Нилуфар (параллел тақдирлар - Сабо ва Самандар) дарди-дунёсига тамомила қарама-қарши бўлган олам билан зиддият, яъни ижтимоий конфликт даражасига кўтара олади. Романда дастлаб турмуш кўргуликларига қарши бир қадар заифона тарздаги исён намоён бўлиб, кейинчалик ёзувчи уни икки ёшнинг оломонга, оломонлик оламига қарши исёни даражасига юксалтиради. У асарда: исёнкор ошиқлар муҳаббатига чанг солган аслида жоҳил оломоннинг ботил эътиқодидир,-деган хулосага келади. Зотан, романда севишганлар айрилиғига моддий тафовутлар сабаб бўлади. Романда оломон устидан “юраксиз ва ақлсиз махлуқ”деган қатъий ҳукм чиқарилган. Инсоний ҳис-туйғудан йироқ манфур табиатли кимсаларга тавқи лаънат тошларини отилган.

Ўн бешинчидан, “Сабо ва Самандар” романида лирик-романтик ва рамзий мажозийлик уйғунлаштирилган. Унда алоҳида одам кашф этилмаган хилқат. У инсоният тўплаган ҳикматларга эмас, мутлақо ўзига хос ва ўзига мос тарзда яшайвериши мумкин,деган фикр акс этган. Романдаги назмий парчалар мутаносибликни таъминлаган. Айни пайтда, уларда ёзувчининг

дарди насрий баёнга кўшилиб-сингиб, ишқ тасвири ҳароратини янада юксалтирган, ифода таъсирчанлигини янада орттирган. Бинобарин, ўша парчаларсиз роман моҳияти тўла очилмайди.

Ўн олтинчидан, “Сабо ва Самандар” романида инсон ижтимоий моҳияти ва асримизнинг қатор долзарб муаммоларига поэтик муносабат билдирилган. Замон инсон моҳиятининг намоён бўлишидан ўсиб чиққан ҳосила деб қаралган. Инсон табиати, нозик туйғулари – кўнгил ҳаёти тараққиёт эврилишлари билан уйғунлашиб кетавермаслиги, демакки азалий кадриятларга диққат қаратилган.

Шубҳасиз, романда Саидкамол ака ва Гулчехра опалар оила моддий тўқислигини ўйлаб, Сабони онгли тарзда тубсиз жарга қулатишади. Бирок Сабо роман сўнгигача ўз кўнгли – бокира туйғуларига хиёнат қилмайди. Чунки қаҳрамон учун асл ҳаёт руҳ ҳаёти, ҳис қилиш саодати эди. Демак, роман лейтмотивида инсон кўнгли ҳамиша меҳрга ташна, муҳаббат соғинчию кўнгил талпинишларидан улуғроқ кадрият йўқ,-деган фикр ётади.

Умуман, билдирилган ижобий фикрлар романчилигимиздаги услубий изланишларнинг тамомила нуқсонлардан холи эканлигини аниқлатмайди. Масалан, У.Ҳамдам “Мувозанат” романи сюжети ва конфликтини ривожлантиришда баёнчиликка берилади. “Сабо ва Самандар” романида эса, ёзувчи ота дуоибадига учраган Шердил тақдирини роман ниҳиясида тавба тазарруга олиб келишда бир қадар сунъийликка йўл қўяди. Бошқачароқ айтганда, У. Ҳамдам дуоибаднинг чин кучини кўрсата олмаган.

Бироқ бундай жузъий нуқсонлар адиб романлари умумий поэтик қимматига соя солмайди. У Ҳамдам бундай камчилик ва нуқсонларни шаклий-услубий изланишларининг теранлашуви билан бартараф қилади. Умуман, истиқлол даври ўзбек романчилиги бадий талқиннинг янги имкониятларини намоён этишида У.Ҳамдамнинг ҳам муносиб улуши бор. Чунки, бизнинг маънавий-руҳий қувватга бўлган эҳтиёжимиз мазкур романлар бағридан сизиб чиқмиш маънолар ҳисобига бойиб борар экан, янгича изланишлар самараси бўлмиш бу романлар том маъноси-ла

миллийдир. Айни чоғда, улар янгича кузатиш, таҳлил ва талқинни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992. 46- б.
2. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. \Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., 1997. –Б. 20-29.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1997. –Б. 31-60.

Ижтимоий – сиёсий адабиётлар:

1. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. –78 б.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
3. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1998. –32 б.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 173-б.
5. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. –Т: Ўзбекистон , 2009.37-б.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил 13 ноябрь, № 220 (5135).
7. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил 13 ноябрь, № 220 (5135).
8. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2012. 425-б.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

1. Валихўжаев В. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. X - XIX асрлар. - Т.:

Ўзбекистон, 1993. 191- б.

2. Ислом тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Илмий мажмуа / Тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев - Т.: Ўқитувчи, 2005.399-б.

3. Каримов Н, Мамажонов С, Назаров Б, Норматов У, Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1999. 543- б.

4. Каримов Н. XX аср адабиёти мнзаралари. – Т.: Ўзбекистон, 2008. 533- б.

5. Каримов Ҳ. Истиклол даври адабиёти. – Т.: Янги нашр, 2010. 363- б.

6. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. - Т.: Фан, 1993. 96-б.

7. Комилов Н. Тасаввуф. К.1. – Т.: Ёзувчи, 1996. 272-б.

8. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Мовароуннаҳр -Ўзбекистон, 2009. 300-б.

9. Назаров Б, Расулов А, Аҳмедова Ш. Қахрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи. – Т.: Тафаккур қаноти, 2012. 535- б.

10. Олим С., Аҳмедов С., Қўчқор Р. Адабиёт. умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик-мажмуа. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2010. – Б. 113-127

11. Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006. – 271 б.

12. Салаев Ф., Қурбониёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. 331-б.

13. Тўхлиев Б., Мирсамиқова Р., Аметова О. Адабиёт (мажмуа) Академик лицейларнинг иккинчи босқич ўқувчилари учун. – Т.: Чўлпон, 2010. 429-б.

14. Қосимов Б, Юсупов Ш, Долимов У, Ризаев Ш, Аҳмедов С. МИллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Т.: Маънавият, 2004. 461- б.

15. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр, 2010. 397-б.

16. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима / Тарж. Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. 496- б.

Тўплам, рисола ва мақолалар:

1. Абдулхамидов А. Фольклор ва миллий роман // Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётидаги роман жанрини типологик ўрганиш. – Тошкент: Фан, 1991. –272 б.
2. Адабий турлар ва жанрлар. 3 жилдлик. Ж.2. – Т.: Фан, 1992. 246-б.
3. Анастасьев Н.А. Обновление традиции. Реализм XX века в противоборстве с модернизмом.–М.: Советской Писатель, 1984. 430 стр.
4. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. 196- б.
5. Атоуллох Ҳусайний. Бадоеъ ус-саноеъ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. 398-б.
6. Бахтин М. Эстетика словесного творчества.–М.: Искусство, 1986.–444 стр.
7. Болтабаев Ҳ. Наср ва услуб. –Тошкент: Фан, 1992. –105 б.
8. Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз кадри. Адабий-илмий мақолалар. – Т.: Адолат, 2004. 191-б.
9. Болтабаев Ҳ. Шартлилик табиати ҳақида// «Ўзбек тили ва адабиёти», 1981. №5.
10. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2002. –560 б.
11. Борев Ю. Теория литературы.(Лит–ный процесс). -М.: 2001.-370стр.
12. Вульф В. Современная художественная проза. В сб. Писатели Англии о литературе. –М.: Прогресс, 1982. –475 стр.
13. Гассет Х. О. Дегуманизация искусства. –М.: Радуга, 1991. –639 стр.
14. Гегель В.Ф. Эстетика. –М.: Искусство, Т.3. 1973. –537 стр.
15. Генезис романа в литературах Азии и Африки. Национальные истоки жанра. –М.: Наука, 1980. –288 стр.
16. Генис А. XX асрнинг етакчи услуби//Жаҳон адабиёти.-2001.-№11. – 155-163 б.
17. Дониёрова Ш. Омон Мухтор ижодида фольклор анъаналари. // Ўзбек тили ва адабиёти журнали. –Тошкент, 2001. №5.
18. Ёқубов Ҳ. Сайланма (Адабий-танқидий мақолалар) 2-жилдлик. 1-жилд. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. –185 б.

19. Ёқубов Ҳ. Ўзбек прозасида услуб ранг-баранглиги // Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. –Тошкент, 1983. –208 б.
20. Ёқубов И. Етакчи поэтик тамойил. Тил ва адабиёт таълими. 2005, 5-сон, Б: 40-47
21. Ёқубов И. Оламни ва ўзликни англаш. ЎзМУ Ахборотномаси, 2007, 1-сон, Б: 45-50
22. Ёқубов И. Бадиий-эстетик сўз кудрати. Тил ва адабиёт таълими. 2008 йил, 3-сон, Б: 12-22
23. Ёқубов И. Тарихий ҳақиқат ва бадиий талқин. Ўзбек тили ва адабиёти, 2008 йил 4-сон, Б: 30-38
24. Ёқубов И. Роман композицияси: рамзий-мажозий тасвир – етакчи поэтик тамойил. ЎзМУ ёш тадқиқотчилари илмий ишлари, 2004, Б: 192-197
25. Ёқубов И. Омон Мухтор насрида миллий-адабий анъаналарнинг ўрни. (хаммуаллиф Манзура Пирназарова) Филологик тадқиқотлар, 2001, Б: 46-50
26. Ёқубов И. Мададкор руҳ. Бадиий тафаккур ва адабий жараён, Тошкент, 2003, 1-сон, Б: 11-14
27. Ёқубов И. Роман стилистикасида сажъ усули. Бадиий тафаккур ва адабий жараён, Тошкент, 2003, 2-сон, Б: 17-20
28. Ёрматов И. Стилизация характеридаги фольклоризмлар.// «Ўзбек тили ва адабиёти», 1984, №3.
29. Ёрматов И. Ҳозирги ўзбек лирикасидаги синтезлашган фольклоризмлар хусусида// «Ўзбек тили ва адабиёти», 1985, №2.
43. Жўраев М. Ўзбек халқ эртакларида “сеҳрли” рақамлар. –Тошкент, 1991. –153 б.
44. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. –Тошкент: Фан, 1995. –108 б.
45. Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. –Тошкент: Фан, 2001. –136 б.
46. Жўшон М.А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. –Тошкент, 2001. –96 б.

47. Затанский Д.В. Искусство романа и XX век. –М.: Наука, 1982.-118 стр.
48. Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. –Тошкент: Фан, 1981. –103 б.
49. Йўлдошев Қ. Ўзбек модерн адабиёти: илдишлар, принциплар ва хусусиятлар. Филология масалалари. 2004 йил, №2-3. –4 б.
50. Каттабеков А Тарих сабоқлари. –Тошкент,1986. –95 б.
51. Каттабеков А. Тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат.–Тошкент, 1982. –128 б.
52. Каримов Н. Илҳом чашмасининг ажиб мавжлари. –Тошкент: Фан, 1982. –56 б.
53. Каскабасов С.А. Казахская волшебная сказка. –Алма-Ата, 1990. –260 стр.
54. Мирвалиев С. Роман ва замон. –Тошкент: Фан, 1983. –56 б.
55. Мирзаев И. Давр руҳи ва адабий жараён. –Самарқанд, 1997. –115 б.
56. Мирзаев И. Бадиий услуб сеҳри. –Самарқанд, 2000. –106 б.
57. Мўминов Ғ. Прозамиз таракқиётида фольклорнинг роли// Ўзбек тили ва адабиёти, 1978, №2.
58. Муҳаммад Нуриллоҳ Сайдо Ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. 1-китоб. –Тошкент: Моварауннаҳр, 2000. –100 б.
59. Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек прозасида бадиий изланишлар //Ҳозирги ўзбек адабиётининг миллий ўзига хослиги. –Тошкент, 1984. –199 б.
60. Назаров Б. Бу сеҳрли дунё.–Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. –173 б.
61. Назаров Б. Ҳаётгиллик безавол мезон.– Тошкент, 1985. –224 б.
62. Назаров Б. Ғафур Ғулом олами. –Тошкент: Фан, 2004. –180 б.
63. Ничев Б. Современный болгарский роман. –М.: Радуга, 1983. –351 стр.
64. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000. –112 б.
65. Носиров Ў. Ижодкор, шахс, бадиий услуб, автор образи. – Тошкент: Фан, 1981. –198 б.
66. Пардаева З. Бадиий-эстетик тафаккур ривожига ва ўзбек романчилиги. –Тошкент: Янги авлод, 2002. –100 б.

67. Рабғўзий. Қиссаси Рабғўзий. 1-китоб. –Тошкент, 1990. –240 б.
68. Саримсоқов Б. Фольклор ва адабиёт муносабатларидаги акс жараённинг ҳозирги аҳволи.// «Ўзбек тили ва адабиёти», 1988, №6.
69. Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. –Тошкент: Фан, 1981. –67-83 б.
70. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. –Тошкент, 2004. –127 б.
71. Современный роман. Опыт исследование. –М.: Наука, 1990. –285 стр.
72. Солижонов Й. Нутқ ва услуб. –Тошкент: Чўлпон, 2002. –128 б.
73. Султонов И. Адабиёт назарияси. –Тошкент, 1980. –391 б.
74. Умуров Ҳ. Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романи. –Тошкент, 1983. –148 б.
75. Умуров Ҳ. Бадиий ижод асослари. –Тошкент, 2001. –119 б.
76. Услубшуносликнинг долзарб муаммолари. Халқаро илмий анжуман материаллари. 1998 йил, 9-10 декабр). –Самарқанд, 1999. –286 б.
77. Фрейд З. Психология бессознательного. Сборник произведений. –М.: Просвещение, 1989. –448 стр.
78. Фрейд З. Введение в психоанализ. В 4-х томах. –М.: 2000. –354 стр.
79. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. –Тошкент: Маънавият, 2004. –581б.
80. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. –Тошкент: Шарқ, 2004. –637 б.
81. Эйхенбаум Б. О прозе. О поэзии // Художественная литература. –М.: 1986. –476 стр.
82. Эпштейн М. Парадоксы новизны. О литературном развитии XIX –XX веков. –М.: Сов. Писатель. 1988. –416 стр.
83. Юлдашев С. Антик фалсафа. –Тошкент, 1999. –125 б.
84. Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. –Тошкент: Фан, 1983. –204 б.
85. Куронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Тошкент: Шарқ НМК, 2004.

–288 б.

86. Қуроноф Д., Мамажоноф З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Тошкент., “Академнашр”., 2010. – 397 б.

87. Ҳотамов Н. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1983. –376 б.

Диссертация авторефератлари:

1. Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси. Филол.фанлари д-ри... дисс.автореф. –Тошкент: 1993, 42-б.

2. Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси (70-80-йиллар). Филол.фанлари д-ри... дисс.автореф. –Тошкент: 1994, 43-б

3. Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60-80-йиллар). Филол.фанлари д-ри... дисс.автореф. –Тошкент: 1994, 43-б.

4. Солижоноф Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси. Филол.фанлари д-ри... дисс.автореф. –Тошкент: 2002, 42-б.

5. Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари. Филол.фанлари д-ри... дисс.автореф. –Тошкент: 2003, 43-б.

6. Ёрматов И. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси поэтикаси. Филол. фанл. доктори дисс...автореф. –Тошкент, 1994, 40-б.

7. Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм. Филол. фанл. доктори дисс..автореф. –Тошкент, 1994, 42-б.

8. Раҳимов З.А. Одил Ёқубовнинг «Кўҳна дунё» романи поэтикаси. Филол. фанл. номзоди дисс... автореф. –Тошкент, 2000, 22- б.

Бадиий адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. Ж.7. – Т.: Фан, 1991. 392-б.

2. Ҳамдамов У. Ёлғизлик. Қисса ва ҳикоялар. Т.: Қатортол – Камолот, 1998., 111 б.

3. Ҳамдамов У. Мувозанат. Роман., Тошкент.: Минҳож. 2004., -199 б.

4. Ҳамдамов У. Исён ва итоат. Роман., Тошкент.: Янги аср авлоди. 2003. -

139 б.

5. Хамдам У. Бунт и смирение (перевод Н.В.Владимировой) Роман., Т.: Зар калам. 2006., стр. 123.

6. Ҳамдамов У. Сабо ва Самандар. Роман. Т.: Мухаррир 2009., 309 б.

Интернет сайтлари:

1. www.ziyouz.com

2. www.kutubxona.com

3. www.ijod.uz

4. www.adabiyot.uz

5. www.pdfactory.com

ИЛОВА

МАВЗУНИНГ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚИ

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистон ҳукумати баркамол авлодни тарбиялаш вазифасини адо этишга астойдил бел боғлади. Таълим ҳақидаги, ёшлар сиёсати борасидаги қонунлар, мактаб ва мактабгача муассасалар бўйича ҳукумат кўрсатмалари, қарорлари фикримиз далилидир.

Мактабда адабий таълимнинг ғоят муҳим вазифаларидан бири адабиёт ўқитишнинг бош мақсадини профессор Қ. Йўлдошев илк бор тўлиқ ва тўғри белгилаб берган эди: “...**баркамол шахсни шакллантириш** марраси миллий мактабларимизда адабиёт ўқув предметини ўрганиш учун **бош мақсад** бўлиши мумкин эканлигини қадимий кадриятларимиз ҳам, маънавий анъаналаримиз ҳам, узоқ тарихга эга педагогик амалиётимиз ҳам, кишиларимиз руҳий оламига чуқур сингиб кетган бадиий адабиётимиз ҳам тақозо этади”¹.

Баркамол шахсни шакллантириш нафақат адабий таълим, балки Ўзбекистон мактабларидаги барча фанларни ўқитишдан кўзланган бош мақсаддир. Таълим тизимидаги ҳар бир предметнинг бу борада муайян имкониятлари бор. Лекин уларнинг ҳар бири шахс комиллигининг қайсидир бир сифати, жиҳатини шакллантиришда алоҳида мавқега, имкониятга эга. Адабиёт эса ўқувчи шахсиятида руҳий поклик, маънавий юксаклик сифатларини тарбиялашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Маънавият инсонда яхлит ҳолда намоён бўладиган феномендир.

Маълумки, ҳозирги пайтда умумтаълим мактабларида адабиёт таълими мазмунан халқ оғзаки ижоди, энг қадимги (исломгача бўлган) давр адабиёти, мумтоз адабиёт ҳамда янги давр адабиёти тарзида ўқитилмоқда. Бу даврларга мансуб намуналарнинг ўқитилиш савияси ҳамда мураккаблик даражаси бир хил эмаслиги барча мутахассисларга бирдек аён дир.

Бугунги кунда ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари

¹ Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Т.: «Ўқитувчи», 1996. 42-бет.

билан биргаликда ўз фикрини тушунтира олиш, бошқаларни тинглаб, уларни тушуна олиш, баҳсга киришиш яъни адабий-нутқий компетенцияга эга бўлишлари керак. Ҳозирги кунда такомиллаштирилган компетентлик ёндашувига асосланган Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиб амалда қўлланилмоқда. Хусусан, “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6-апрелдаги 187 - қарори ва қарорнинг 1-иловаси билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти”да¹ “Давлат таълим стандартининг мақсади - умумий ўрта таълим тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда илм-фан ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ҳолда ташкил этиш, маънавий баркамол ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдан иборат”² эканлиги белгилаб ўтилган.

Умумий ўрта ва ўрта махсус, академик лицей ва касб-хунар таълимнинг ўқув дастурларига Улуғбек Ҳамдам асарлари киритилмаган. Шу боисдан биз масалага умумий йўналишда ёндашишни маъқул кўрдик.

Мустақиллик даври миллий адабиёт тараққиёти тарихидаги оддий хронологик босқич эмас, балки бир қатор жиддий ўзига хос жиҳатларга эга бўлган алоҳида бадиий-эстетик ҳодисадир. Истиқлол даври ўзбек адабиёти тубдан ўзгарган миллий онгнинг, тамомила янгиланаётган эстетик тафаккурнинг маҳсули ўлароқ туғилди. У дунёни ҳар хил англаш, изоҳлаш ҳамда тасвирлаш имкониятига эга бўлган миллат ижодий даҳосининг самараси сифатида дунёга келди.

Бугунги кунда истиқлол даври адабиёти намуналарини узлуксиз таълим тизимида янгича қарашлар асосида ўргатиш зарурдир. Бу эса бизга ҳар

1 “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6-апрелдаги 187-қарори. www.lex.uz

2 “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6-апрелдаги 187- қарорининг 1-иловаси “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти”. www.lex.uz 119-бет

томонлама етук инсонни камол топтиришимизга ёрдам беради. Узлуксиз таълим тизими дастур ва дарсликларини кузатар эканмиз, уларда истиқлол даври адабиёти намуналари муайян ўрин эгаллайди. Бу давр адабиётининг етакчи хусусиятлари билан бирга айрим ижодкорлар ижодий фаолиятига тўхталиб ўтилади.

“Адабиёт фанидан умумий ўрта таълимнинг ўқув дастури”нинг **“5 - 9 синфлар Адабиёт дастурини тузишда қуйидаги жиҳатлар инобатга олинди”**,-деб кўрсатилиб, 8-бандида “Дастурнинг янги таҳририда тушириб қолдирилган, аммо мустақиллик йилларида самарали ижод қилаётган, шахсий ҳаёти ва инсоний фазилатлари билан ўқувчиларга ўрнак бўла оладиган айрим ёзувчилар ижоди 9-синфда «Мустақиллик даври адабиёти» фаслида ўтилиши ёки ўқувчиларнинг мустақил ўқишлари учун тавсия қилиниши мумкин”лиги таъкидлаб ўтилган. Лекин ўқувчиларнинг мустақил ўқишлари учун тавсия этилган мавзулар ичида фақат жаҳон адабиёти вакилларининг асарлари берилган. 9-синфда **“Мустақиллик даври адабиёти”** мавзусига 3 соат ажратилган ва унда “XX асрнинг 90-йиллардаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт. Ўзбекистоннинг Мустақил давлат деб эълон қилиниши. Ўзбек адабиёти тарихида мустақиллик даври адабиёти деган янги босқичнинг бошланиши. Шу давр адабиётининг асосий тамойиллари, мавзулари, образлари. Шеърят, наср ва драматургияда янги тарихий давр ҳаётининг ҳаққоний тасвир этила бошлаши. Тарихий мавзу ва тарихий шахслар образига мурожаат. Тарихий ўтмишнинг миллий истиқлол мафкураси асосида ўрганилиши. Соцреализм методининг ўз кучини йўқотиши. Адабиётда ҳаққонийлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, адолатпарварлик ғояларининг устувор аҳамиятга эга бўлиши. Шу давр адабиётида янги бадиий изланишлар. Назарий маълумот. Мустақиллик даври адабиётининг хусусиятлари” мухтасар ёритилиши назарда тутилган.

Қ.Йўлдошев, В.Қодиров, Ж.Йўлдошбековлар томонидан нашр этилган 9-синф “Адабиёт” дарслигининг 385-396 бетларида “Мустақиллик даври

адабиёти” мавзуси келтирилади.¹ Унда Мустақиллик даври адабиётининг етакчи тамойиллари ҳақида сўз юритилади. Шеърят, наср ва драматургия соҳасида рўй бераётган янгиланишлар хусусида маълумотлар берилади. Истиқлол даврида яшаб ижод этаётган бир қатор ижодкорларнинг асарларига муайян даражада муносабатлар билдирилади. Ушбу мавзунинг “Наср” қисмида Н.Эшонқул, Х.Дўстмуҳаммад, Л.Бўрихон, С.Вафо сингари бир қатор ижодкорлар ҳақида ҳам сўз юритилади.

Мустақиллик даври насридаги поэтик изланишлар. Наби Жалололидиннинг “Байроқ” ҳикояси таҳлили. Ҳикояда ватанпарварлик ғоясининг бадиий ифодаси. Мустақиллик даври драматургияси хусусида”ги масалалар ўқувчиларга ўргатилиши назарда тутилган.

“Академик лицей ва касб –ҳунар коллежлари учун адабиёт фанидан ўқув дастури”да² **“Мустақиллик даври адабиёти” мавзусига 2 соат ажратилган ва унда “Истиқлол даври ўзбек адабиётининг ўзига хос қирралари. Жаҳон адабиёти сабоқлари, халқ ижоди ва мумтоз адабиётимиз илғор анъаналаридан озиқланиш замонавий адабиётни ҳаракатга келтириб турувчи омиллар эканлиги. Бадиий ижодда воқеликни бадиий талқини ва тасвирида янги-янги шаклларнинг юзага келганлиги.**

Мустақиллик даври ўзбек шеърятига хос бадиий хусусиятлар. Шоирлар ижодида эл-юрт гўзаллиги, Ватан мадҳига доир шеърларнинг етакчи хусусиятлари. Сирожиддин Сайиднинг “Ватанни ўрганиш” шеъри таҳлили.

Ҳозирги ўзбек насрида инсон маънавияти сарҳадларини тасвирлашда янгича қамров, янгича эстетик ҳодисаларнинг майдонга келиши. Истиқлол давр насрида мавзу кўлами, тасвир ранг-баранглиги. Абдуқаюм Йўлдошнинг “Пуанкарье” ҳикояси таҳлили. Ҳикояда инсоннинг орзу-умидларининг бадиий талқини.

Мустақиллик даври драматургиясида жаҳон ва ўзбек миллий

1 Қаранг: Йўлдошев Қ. ва б. Адабиёт. – Т.:, Янги йўл полиграф сервис, 2006. 385-396-бетлар

2 Академик лицей ва касб –ҳунар коллежлари учун адабиёт фанидан ўқув дастури. Т.:, 2014

драматургиясининг энг яхши анъаналари давом этаётганлиги. Ҳозирги адабий жараён давр адабиётининг кўзгуси сифатида. Мустақиллик даврида бадий адабиётга эътиборнинг кучайгани” тўғрисида маълумотлар берилиши кўрсатиб ўтилган. Аммо модерн шеърятига ўрин ажратилмаган.

Кўринадики, Истиқлол даври адабиёти узлуксиз таълим тизимида атрофлича ўрганилмоқда. Дастур ва дарсликларда бу давр адабиётининг айрим намуналарига эътибор берилган.

Истардикки, келажакда яратиладиган дастур ва дарсликларда модерн шеърятти ва насрига ҳам нисбатан кенгроқ ўрин ажратилса яхши бўларди.

Амалдаги адабиёт фанидан ўқув дастурларида белгиланган ва унда келтирилган «**Мустақиллик даври адабиёти**» мавзунини тўлиқ ва юксак педагогик маҳорат билан етказишни назарда тутган ҳолда биз уни қуйидаги технологик харита асосида ўқитишни маъқул деб ҳисоблаймиз.

**«Мустақиллик даври адабиёти» мавзусидаги
дарсининг технологик харитаси.**

Мавзу	«Мустақиллик даври адабиёти»
Мақсад ва вазифалар	<p>Истиқлол даври ўзбек адабиётининг ўзига хос қирралари. Жаҳон адабиёти сабоқлари, халқ ижоди ва мумтоз адабиётимиз илғор анъаналаридан озикланиш замонавий адабиётни ҳаракатга келтириб турувчи омиллар эканлиги. Бадий ижодда воқеликни бадий талқини ва тасвирида янги-янги шаклларнинг юзага келганлиги.</p> <ul style="list-style-type: none"> - ўқувчиларни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш, маънавий дунёқарашларини кенгайтириш; - ўқувчилар қалбида эзгу инсоний фазилатларни уйғотиш. - ўқувчиларда мавзуга нисбатан қизиқиш уйғотиш, уларда мавзу асосида билим ва кўникмаларни шакллантириш, кенгайтириш; - мавзуга оид материалларни, берилган топшириқларни ўқувчилар томонидан яқка ва гуруҳ тарзида, слайдлар, кўрсатма қуроллар воситасида қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш, уларнинг билимини баҳолаш.
	Мустақиллик даври ўзбек шеърятига хос бадий

<p>Ўқув материали мазмун</p>	<p>хусусиятлар. Модерн шеърляти. Шоирлар ижодида эл-юрт гўзаллиги, Ватан мадҳига доир шеърларнинг етакчи хусусиятлари. Сирожиддин Сайиднинг “Ватанни ўрганиш” шеъри таҳлили.</p> <p>Ҳозирги ўзбек насрида инсон маънавияти сарҳадларини тасвирлашда янгича қамров, янгича эстетик ҳодисаларнинг майдонга келиши. Истиклол давр насрида мавзу кўлами, тасвир ранг-баранглиги. Модерн насри. Абдуқаюм Йўлошнинг “Пуанкарё” ҳикояси таҳлили. Ҳикояда инсоннинг орзу-умидларининг бадий талқини.</p>
<p>Ўқув жараё- нини ташқил этиш техно- логияси</p>	<p>Шакл: интерфаол машғулот: суҳбат-маъруза, яққа ва гуруҳларда ишлаш.</p> <p>Метод: “Ақлий ҳужум”, матн билан ишлаш, савол-жавоб, фикр алмашуви</p> <p>Восита: дарслик, слайдлар, Сирожиддин Сайиднинг “Ватанни ўрганиш” шеъри ва Абдуқаюм Йўлошнинг “Пуанкарё” ҳикояси матни, карточкалар, видеопроектор.</p> <p>Усул: ифодали ўқиш, баҳс-мунозара.</p> <p>Назорат: кузатиш, назорат саволлари, назорат машқлари.</p> <p>Баҳолаш: рағбатлантириш, ўз-ўзини баҳолаш, балл тизими.</p>
<p>Кутилади- ган натижалар</p>	<p>Ўқитувчи: мавзуни барча ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Ўқувчилар фаоллигини оширади. Ўқувчиларда фанга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўқувчилар томонидан мавзуни мустақил ўрганиш ва уни хотирада сақлашга, бошқаларга етказиш, савол бериш ва саволларга жавоб беришга ўргатади.</p> <p>Ўқувчи: янги билимларни эгаллайди. Мустақиллик даври ўзбек адабиётини ўрганиш орқали ўқувчида эзгулик, ирода, жасорат каби ахлоқий фазилатлар шаклланади, маънавий баркамоллик тушунчаси кенгайди.</p>
<p>Келгуси режалар</p>	<p>Ўқитувчи: навбатдаги суҳбат учун машғулот материалларини қайтадан кўриб чиқиш, машғулотни таҳлил қилиш, мавзуни қўшимча маълумотлар билан бойитиш, машғулот методикаси ва техникасига ўзгартириш киритиш, педагогик технология усулларини дарсда татбиқ этишни такомиллаштириш, педагогик маҳоратини ошириш, кейинги машғулотни ўтказишга тайёргарлик кўриш.</p> <p>Ўқувчи: Сирожиддин Сайиднинг “Ватанни ўрганиш”</p>

	шеъри ва Абдуқаюм Йўлошнинг “Пуанкаръе” ҳикоясини яна бир маротаба ўқиб, улар юзасидан таассурот ёзиш.
--	--

Машғулот босқичлари.

Босқичлар	Мазмуни	Методлар	Вақти
1-босқич Ташкилий қисм	Саломлашув. Машғулотнинг бориши ҳақида тушунча бериш. Ўқувчилардан бугунги адабий нашрлар бўйича янгиликларни олиш.	оғзаки мулоқот	3 дақиқа
2-босқич	Ўқитувчининг слайдлар асосида кириш сўзи. Машғулот мавзуси ва мазмуни бўйича суҳбат ўтказиш.	“Ақлий ҳужум”, слайдлар иштирокида	8 дақиқа
3-босқич Мавзу баёни	Ўқитувчи истиклол даври ўзбек адабиётининг ўзига хос кирралари, жаҳон адабиёти сабоқлари, халқ ижоди ва мумтоз адабиётимиз илғор анъаналаридан озикланиш замонавий адабиётни ҳаракатга келтириб турувчи омиллар эканлиги, бадиий ижодда воқеликни бадиий талқини ва тасвирида янги-янги шаклларнинг юзага келганлиги ҳақида суҳбат-маърузаси (слайдлар ҳамда саволлар асосида), матн билан ишлаш, гуруҳларда мустақил ишни ташкил этиш.	савол-жавоб, матн билан ишлаш, гуруҳлар тақдимоти	20 дақиқа
4-босқич Мустаҳкамлаш	Мавзу бўйича ўқувчиларнинг билимлари, тушунчаларини гуруҳлардаги фаолиятлари орқали аниқлаш, баҳс-мунозара ўтказиш	Кластер, баҳс-мунозара	8 Дақиқа
5-босқич Машғулот якуни мустақил иш учун топшириқ	Сирожиддин Сайиднинг “Ватанни ўрганиш” шеъри ва Абдуқаюм Йўлошнинг “Пуанкаръе” ҳикояси таҳлили.	фикр алмашуви	6 дақиқа